

**К.И.Сирожиддинов,  
Р.Н.Имомов**

# **КОРХОНА ХҮЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ХАТАРЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕСИТЕТИ

К.И.Сирожиддинов, Р.Н.Имомов

**КОРХОНА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ  
ИҚТИСОДИЙ ХАТАРЛАР ВА  
УЛАРНИ БОШҚАРИШ**

«Наврӯз»  
нашриёти - 2017

**УДК: 75.20.5.7**  
**КВК: 80.12(5Узб)**  
**М - 65**

Ушбу монографияда ишлаб чиқариш корхоналари хўжалик фаолияти давомида юзага келадиган хатарлар ва уларни бошқариш масалалари ёритилган. Хатар тушунчасининг мазмуни тавсифи ва турлари тавсифланган. Хатарларни бошқариш юзасидан амалий мисоллар келтириб ўтилган. Ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш билан боғлиқ хатарлар, молиявий хатарлар, инвестицион хатарлар кўриб ўтилган.

Монография талабалар, ўқитувчилар, мугахассислар, илмий ходим ва тадқиқотлар учун мўлжалланган.

Тузувчилик:

К.И.Сирожиддинов,  
Р.Н.Имомов.

Масул мухаррир:

и.ф.н., доц. Т.Мирзамахмудов

Тақризчилик:

и.ф.н. К.Умаркулов  
Наманган давлат университети  
“Иқтисодиёт” кафедраси

и.ф.н. Т.Дадабоев

Наманган мухандислик педагогика  
институти “Менежмент” кафедраси  
мудири

Ушбу монография Наманган давлат университети ижтимоий-иктисодий факультетининг 2016 йил 3 майдаги 8 - сонли мажлисида мухокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

**К.И.Сирожиддинов, Р.Н.Имомов.**

Корхона хўжалик фаолиятидаги иктисодий хатарлар ва уларни бошқариш.– Наманган, 2016. – 116 б.

**ISBN - 978-9943-3812-0-9**



© Наманган давлат университети

## Кириш

Миллий иқтисодиёт корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш хукуматимиз иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Энг аввало корхона рақобатбардошлиги мавжуд иқтисодий конъюнктура, ундаги хатарлар даражаси уни олидини олиш ва таваккалчиликни бошқариш масалалари билан боғлиқ бўлади. Республиками иқтисодиётини тубдан қайта қуриш ва ундаги таркибий ўзгаришларнинг моҳияти ҳам айнан мавжуд хатар даражасини пасайтириш билан боғлиқдир. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришилар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариши, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар иоменклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармок маҳсулоти ёки маҳсулот гурӯхининг устунлик қилишига барҳам берини;
- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлған тармоклар ва соҳаларининг ЯИМ ва бандликтаги улушкининг юкори бўлинини таъминлаши;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармокларининг хомаше ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳалий корхоналар улушкининг устунлигига эришиш;
- юкори технологиялар ва замонавий техника билан куролланган, арzon ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармокларининг саноат ишлаб чиқарини кўрсаткичларидаги улушкини ошириши;
- конъюнктура ўзгаришиларига тез мосилашувчан, капитал сифими паст бўлған соҳа ва тармокларининг ялии иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишига эринини йўналишларида олиб борилмоқда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовининг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барно этини – устувор максадимиздир”

Хатар даражасини на сайтиришда таркибий ўзгаришлар билан бир каторда диверсификациялаш жараёнлари ҳам мухим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов қуйидагиларни таъкидлайди:

“Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳамон давом этастганига қарамасдан, хисобот йилида ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, курилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошиди.

Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди, яъни прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлди.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Узбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани албатта барчамизга мамнуният етказади<sup>2</sup>.

Аммо, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган аксарият корхоналарнинг раҳбар-менежерлари замон талаблари асосида фаолият юритмаётганликлари, корхоналарда таваккалчиликни бошкариш механизmlари шакллантирилмаганлиги, сабабли корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафакат ташки бозорларда, балки ички бозорларда ҳам ўз ўрнини топа олмаяпти, натижада, улар корхоналарнинг иқтисодий-молиявий салоҳиятига, самарадорлик даражасига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

---

ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиёти ва ҳалкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маъruzаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуя. – Тошкент: Иқтисодиёи. – 2010. – 122 б.

<sup>2</sup> И.А.Каримов. Бош максадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом этириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш хисобидан олдинга юришдир. 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъзуза. Халқ сўзи 16 январ 2016 йил.

Ушбу ҳолатлар ишлаб чиқариш корхоналарида таваккалчилекни бошқариш, бошқарув соҳасида амалий, илмий-назарий изланишлар олиб бориши, бошқарув меҳнати ходимлари ишини такомиллаштириш ва таҳлил этиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда ҳамда мазкур тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти узок муддатли асосда молиявий ресурсларни фойда олиш мақсадларида инвестициялаш жараёнидир. Корхонанинг жорий фаолияти иқтисодий характердаги хатарларга ду келади. Уларни икки томондан тавсифлаш мумкин. Корхона ихтиёридаги активларнинг бой берилиши нуқтаи назаридан (улар баланс активи моддаларида акс эттирилган) ишлаб чиқариш жараёнинга хос хатарлар мавжуд. Корхона маблағларининг шаклланиши манбалари нуқтаи назаридан эса (улар баланс пассиви моддаларида ўз ифодасини топган) молиявий хатарлар мавжуд бўлади ва улар қарз маблағларга боғлиқликдан, кирувчи ва чикувчи нул оқимларининг ўзаро мутаносиблигини, корхона тўлов кобишиятини таъминлашиб туриш заруриятидан келиб чиқади.

Ишлаб чиқарини жараёнинга хос хатарлар бизнеснинг тармок хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, корхона ўз маблағларини жойлаштираётган активларнинг таркиби билан белгиланади. Бу хатарлар кўламлари ва даражаси минтакавий, табиий ва иқтисодий хусусиятларга, бозор конъюнктураси, мизлий анъаналар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма ривожланганилиги каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади.

Корхона маблаглари корхонадан ташқарида жойлаштирилишида (молиявий инвестициялар) ҳам хатарлар мавжуд бўлиб, уларни одатда корхонадаги тақрор ишлаб чиқарини жараёнидаги хатарлардан алоҳида равишиде олиб қаривади ҳамда молиявий хатарлар атамаси айнан уларни назарди тутади.

Корхона ишлаб чиқарини фаолиятини янгилаш ва кенгайтириш билан боғлиқ бўлиган инвестициялар амалга оширилишидаги хатарлар инвестицион лойиҳалар билан боғлиқ хатарлар бўлиб майдонга чиқади.

## **I боб. Ишлаб чиқариш корхоналарида хатарларнинг моҳияти ва турлари**

### **1.1. Хатар тушунчаси мазмуни, моҳияти ва таърифи**

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий тадбиркорлик, шу жумладан кичик бизнесни ривожлантириш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Тадбиркорликнинг ҳар қандай шаклларини ривожлантириш, уларни доимий қўллаб-куватлаш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш, ҳалкимиз дунёқарашини ўзgartериш, демократик жамиятни қарор топтириш учун асос яратилади.

Олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг пиравард натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиётида рўй берган чукур таркибий ўзгаришларни келтиришимиз мумкин. Айни пайтда ишлаб чиқариш корхоналари олдига нафақат ички бозорни тўлдириш, балки экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва бу орқали жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш вазифалари ўрнатилмоқда. Қўйилган вазифа ва талаблар иқтисодиёт фани олдига янги тушунчалар ва ибораларни олиб кирди ва олиб кирмокда. Шубилан бирга иқтисодиёт, иқтисодий муносабатлар, нафақат жаҳон миқёсида балки миллий даражада ҳам изчил тарзда ривожланиб бормокда. Бир вақтлар кўпчиликка нотаниш сўзлар бугунги кунда ҳеч кимга нотаниш ёки гайритабии туюлмайди. Хатар, таваккалчилик ёки «Риск», «Рискни бошқариш» иқтисодий категория сифатида биз учун нисбатан янги тушунчалардан бири ҳисобланади. Кўпчилик иқтисодий адабиётларда хатар ёки таваккалчилик тушунчалари ўрнига унинг хорижий эквиваленти яъни “risk” тушунчаси қўлланилиб келинган. Шу билан бирга юртимиздаги таикили иқтисодчиларнинг кўпчилиги “risk” тушунчасини таваккалчилик сўзи билан бир хил маънода қўллаб келмоқдалар.

Хатар ёки таваккалчилик тушунчалари тадбиркорлик тушунчаси билан узвий равишда боғлиқ ҳисобланади. Хатар сўзининг хорижий эквиваленти ҳисобланувчи “risk” тушунчаси грекчадан олинган бўлиб, ridsikon, ridsa –

коя сүзини англаади. Шунингдек, италянчасига risiko – хавф, хатар, risicare – коялар орасида юриш ёки сузиш маъносида келади. Инглиз тилига “риск” сўзи XVIII асрда Франциядан “risque” (таваккал, шубҳали) сўзи орқали кириб келган.

Фикрмизча, «риск» сўзи грекчадан олинган бўлиш эҳтимоли юқорироқ бўлиб, у кемаларни ҳалокатга олиб борувчи ва одамларнинг ўлимига, молмулкларининг чўкиб кетишига сабабчи қояни билдириб, «қоялар орасидан шамол ва бошқа тўсикларга чап бериб сузиб ўтмоқ» маъносини англаади. С.Ушаков «риск» сўзини бирор зарар етказиш хавфи бўлган таълика ёки ҳар қандай зарар етказиш имкони каби тушунчалар билан таърифлайди<sup>3</sup>. Ҳозирги кунда эса бу сўз «хавф остида қолмоқ», «хавф-хатар» деган янги маънода қўлланилмоқда. Хатарни юзага келтирадиган ички ва ташқи омиллар, яъни ҳукумат қарорлари, инфляциянинг ортиб бориши, солик тизимининг ўнгариши, транспорт коммуникациясининг бузилиши ва ташқи сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳодиса ва воеалар таъсирида келиб чиқади.

Ушбу иқтисодий категорияни чукурроқ англаш учун тадбиркорлик ҳитарининг классик ва неоклассик назарияларини мазмунини қўриб чиқишимиз ва уларнинг иқтисодий моҳиятини англашимиз лозим. Классик назария вакијлари (Ж.Милль, Н.У.Сениор) тадбиркорлик даромади таркибини қўйилган капитал учун фойзлар, тадбиркорнинг иш ҳақи ва ва тинаккал учун тўловни ўз ичига олади деб ҳисоблаганлар. Классик назарияда ҳитар ташланган қарор натижасида йўқотишларнинг математик кутилиши деб киравлади. Бу ерда таваккалчилик қарорни амалга ошириш натижасидаги йўқотиш деб қаралади.

Тадбиркорлик ҳитарининг неоклассик назарияси асосчилари (А.Миршабил, А.Пигу) тимомила бошқача пуктаи назарга эга эдилар. Улар томонидан ишлиб чиқилган назариянинг моҳияти куйидагича эди: ноаниклиқ шароитиди фиолият юритувчи, фойдаси тасодифий ўзгарувчига тенг бўлган тадбиркор, шартнома тутиш вактида икки мезонга асосланади: кутилаётган

<sup>3</sup> Ушаков С. А. Управления рисками. ИНФРА-М, РИОР, 2005. С 45. // www.cfin.ru

фойда ҳажми ва унинг ўзгаришидаги тебранишлар кенглиги. Неоклассик назарияга кўра иқтисодий субъектнинг саъий-харакати чегаравий нафлилик концепцияси билан асосланади, яъни тадбиркор кутилаётган фойда миқдорининг тебраниш даражаси энг паст бўлган вариантни танлайди.

Йозеф Шумпетер хатар ва тадбиркорликни боғлаган ҳолда, агарда хўжалик режаларида таваккал ҳисобга олинмаса, улар бир томондан фойда, икки томондан эса заар манбай бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади. Фойдани хатарли вазиятлардан олинган ютуқ сифатида қабул қилувчи назария - “Найт концепцияси” деб аталган. Пол Хайнэ ўзининг “Иқтисодий фикрлари шакли” асарида, “фойда ноаниқлиқ туфайли юзага келади, ... агарда фойда олишга тааллуқли бўлган барча нарча барчага маълум бўлганида, ... фойда олишнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланилган ва натижада фойда барча ерда нолга тенг бўлган бўлар эди” деб таъкидлайди.

И.Т. Балабанов хатар деганда табиат ёки кишилик жамияти фаолият турларидан келиб чиқувчи у ёки бу ҳодиса хусусиятларидан келиб чиқувчи йўқотиш хавфини тушунади. Иқтисодий категория сифатида хатар, содир бўлиши мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган ҳодисани сифатида намоён бўлади. Бу вазият рўй берганда уч турдаги иқтисодий натижа келиб чиқиши мумкин:

- салбий (ютқизик, талофот, зарар);
- нолли;
- ижобий (ютуқ, наф, фойда)

Б.А.Райзберг хатарни иқтисодий субъект фаолиятнинг ҳаракат дастури прогнозлангандан кўра кўпроқ харажатларга кўринишида йўқотишларга йўл қўйиши ёки у кўзлаган даражадан кўра паст даромад олиши борасидаги таҳдид сифатида тушунади.

Е.С.Стоянова қуйидаги таърифни келтиради: хатар – бу зарарларни вужудга келиш ёки башоратланган вариантдагидан кўра камроқ даромад олиш эҳтимолидир.

В.В.Ковалев молиявий хатарни мавжуд активга эгалик қилиш натижасида даромаднинг вариацияланиш даражаси сифатида қарайди.

П.Г.Грабовский хатар деганда муаяйн ишлаб чиқариш ёки молиявий фаолиятни амалга ошириш натижасида корхона томонидан ўзига тегишли ресурсларнинг бир қисмини йўқотиши, кўзланган даромаднинг олинмаслиги ёки қўшимча харажатларнинг юзага келишини тушунади.

Хатар тушунчасига иктиносиди олимлар томонидан берилган таърифларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, хатар кўп ҳолларда ҳодисанинг рўй бериш эҳтимоли билан ифодаланади ёки эҳтимолликни назарда тутган ҳолда ифодаланади. Лекин бу тарздаги талқин хатарни бошқаришни аввалдан иложисиз қилиб кўрсатади, чунки келтирилган таърифларга кўра хатарни бошқариш эҳтимолликни бошқариш билан айнан бир маънода қўлланилмоқда. Бу эса корхонани бошқариш жараёнини ҳам стихияли, ташкилий асосга эга бўлмаган ҳолда тасаввур қилишга олиб келмоқда.

Луғатларда “вазият” тушунчасига “у ёки бу фаолият тури учун муаяйн муҳит яратувчи турли хилдаги шарт-шароитлар бирикмаси, йиғиндиси” сифатида қаралади. Бунда шарт-шароитлар фаолиятни амалга оширишга ёрдам бериши ёки тўскилий қилиши мумкин. Турли вазиятлар орасида хатарли ҳолатлар шоҳида ўрин тутади.

Кўнгина иктиносидий жараёnlарни амал қилиши ва ривожланишига ноаниклий элеменлари хосдир. Бу бир тўхтамга (ечим) келиш имконини бермайдиган вазиятларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Агарда миқдор ва сифат жиҳатидан у ёки бу вариантнинг эҳтимоллилик даражасини аниқлаш имконияти мавжуд бўлса, айнан шу хатар вазияти деб хисобланади. Бундан келиб чиқиб хатарли вазият статистик жараёnlар билан боғлиқ ва у учта шарт билдирилган таъкидлаш мумкин: 1) ноаниклийнинг манжудлиги; 2) муқобил вариантни танлаш зарурлиги (шунинг билан бирга, танлов имкониятидни пот кечиши ҳам танловнинг бир тури деб қаралиши лозим; 3) танланган муқобил вариантларни амалга ошириш эҳтимолини баҳолаш имкониятининг мавжудлиги. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, хатар

вазияти сифат жиҳатидан ноаниклиқ вазиятидан фарқ қиласди. Ноаниклиқ вазияти қарор натижалари ва ҳодисаларни юзага келиш эҳтимолини белгилаб олишнинг имконияти мавжуд эмаслиги билан тавсифланади.

Шундай қилиб, хатар вазиятини нисбий ноаниклиқ вазияти сифатида тавсифлаш мумкин, яъни ҳодисаларнинг рўй бериши эҳтимоли мавжуд ва уни аниқланган, шунингдек мазкур ҳолатда ҳодисаларнинг рўй бериш эҳтимолини баҳолашнинг объектив имконияти мавжуд, бундай вазиятларга мисол сифатида ҳамкорларнинг биргаликдаги фаолияти, рақобатчиларнинг ёки рақибларнинг қарама-қарши ҳаракатлари, табиий муҳитнинг иқтисодиётни ривожланишига таъсири, илмий-техник ютуқларни амалиётга жорий этилиши ва ҳ.к.ларни келтиришимиз мумкин. Хатарли вазиятдан кочиш мақсадида суъект ўз танловини амалга оширади ва уни рӯёбга чиқаришга уринади. Айнан мана шу жараён хатар тушунчасида ўз ифодасини топади. Хатар қарор (фаолият режаси) танловида ҳам, унинг амалга оширилиш босқичида ҳам мавжуд бўлади.

Юқорида келтирилган ҳар икки ҳолда ҳам хатар субъект томонидан ноаникликини бартараф этиш модели, конкрет вазиятларда қарама-қарши тенденцияларни ноаниқ (муқобил вариантлар асосида) ривожланишидаги зиддиятларни ҳал этиш воситаси сифатида намоён бўлади,

Хатар - тадбиркорнинг истиқболдаги фаолият олиб бориши дастурида кўрсатилганидан кўра кўпроқ кўриладиган заарлар, ёхуд фойдани кутилган миқдордан оз олиниши каби хавф билан боғлиқдир.

Тадбиркорлик хатари моҳиятини тўлиқ англаш учун «харажат», «зарар» каби тушунчаларни фарқлаб олиш керак.

Юқорида келтирилган тавсифлар «хатар» категориясининг сифатий жиҳатини англатса, шу билан биргаликда «тадбиркорлик хатари»нинг миқдорий томонларини ҳам кўрсатиб ўтади.

Хатар абсолют ҳолатда ижтимоий заарлар ҳажмини материал ёки пул кўринишида акс эттириши мумкин бўлади.

Қиёсий ҳолатда эса хатар ишлаб чиқариш корхонасининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги мулкий ёки ресурсларнинг умумий сарфи, ёхуд тадбиркорликдан кутилаётган даромад күринишида аниқланади.

Корхоналарда хатарнинг қиёсий ҳажмини аниқлашда корхонанинг асосий фонdlари ва айланма маблағлари қийматини ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда сарфланадиган харажатлар; жорий харажатлар, капитал қўйилмалар ёки фойдани олиш мақсадга мувофик бўлади.

Таққослаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичларни кутилаётган фойда, харажат, тушум кўрсаткичлари деб атаемиз. Ҳаммамизга маълумки, бу кўрсаткичларнинг моҳияти бизнес режани ишлаб чиқишида, тадбиркорлик лойиҳаси, тадбиркорлик шартномаларини тузиш жараёнида, уларнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини асослаш даврида аниқланади.

Заарлар фойданинг кутилаётган ҳажмига нисбатан камайиши орқали тинклиланади. Корхона заарлари - бу биринчи навбатда тадбиркорлик фойдасининг камайиши ҳисобланади.

Айнан шу каби заарлар тадбиркорлик хатари даражасини тинсифлайди. Демак, хатарни таҳлил қилиш биринчи навбатда заарларни тихтил қилишдан бошланади.

Кутилмаган ҳолатда юзага келадиган у ёки бу эҳтимолий заарларни биҳолаш ёки ўташ учун энг аввало тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тирирлар турини билиб олишимиз керак бўлади. Бунда албатта, ҳар бир заар турларини миқдорий биҳолаш ва уларни бир қолипга тушира ола билиш тирадур бўлади. Заарларни башпорат (прогноз) қилиш жараёнида уларни ҳисобланади инвол, бир муҳим натижатга алоъида аҳамият қаратиш керак, яни тадбиркорлик фаолиятининг боришига ва натижаларига таъсир этувчи воқеяларнинг эҳтимолий ривожланиши нафақат катта миқдордаги ресурсларни зааррга олиб келиши мумкин, шу билан биргаликда якуний натижани ҳам камайтириб кубориши мумкин бўлади.

Яна шуни унутмаслик керакки, эҳтимолий воқеалар бир турдаги ресурсларнинг ортишига ва бошқа турдаги харажатларининг камайишига, ёхуд баъзи ресурслар харажатларининг ортиши баробарида, бошқа ресурслардан иқтисод қилишга эришишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар эҳтимолий воқеалар тадбиркорлик фаолиятининг якуний натижасига икки тарафлама, ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатса, у ҳолда хатарни баҳолашда у ва бу ҳолатларнинг даражасини ҳам ҳисобга олиш керак, бошқача айтганда, эҳтимолий зарар йигиндиси аниқланадиганда, тадбиркорлик фаолиятини муваффакият сари олиб борувчи харажатларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган заарларни материал, меҳнат, молиявий вақтнинг йўқотилиши каби заарларнинг маҳсус турларига ажратиш мумкин.

Материал кўринишидаги заарлар, тадбиркорлик лойиҳаларида кўзда тутилмаган қўшимча харажатлар ёки энергия, хом ашё, маҳсулотлар, мулк, жиҳозлардан кўриладиган заарлар кўринишида юзага келади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир заар турларининг ўз ўлчов бирликлари қабул қилинган. Материал заарлари, ҳажми ўлчов бирликлари, оғирлик бирлиги, ҳажм, майдон ва бошқа ўлчов бирликларида ўлчанади. Бироқ, турли хил бирликларда ўлчанадиган икки хил заарларни битта бир хил бирликда акс эттириш мумкин эмас. Шунинг учун қиймат кўринишидаги заарларни амалиётда пул бирлигига акс эттирилади. Бунинг учун заарларнинг жисмоний кўринишидаги ўлчами материал ресурсларини ўзининг белгиланган баҳосига кўпайтириш йўли билан қиймат кўринишига айлантирилади. Қиймати аввалдан маълум бўлган материал ресурслар ҳажмини бирданига пул кўринишида баҳолаш мумкин.

Мехнат заарлари эҳтимоллик ва кутилмаган ҳолатларни юзага келтирувчи иш вақти заарини ўзида акс эттиради. Мехнат бўйича заарлар киши-соат, киши-кун ёки иш вақти соатларида ўлчанади.

Мехнат бүйича заарларни қиймат, пул кўринишида акс эттириш иш соатларини ёки соатлик иш қийматига кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Молиявий заарлар - бу кутилмаган тарзда юзага келадиган тўловлар, жарималар, қўшимча соликларни тўлаш, пул ва кимматли қоғозларнинг зарар билан боғлиқ пул кўринишидаги шаклидир. Улардан ташқари, молиявий заарлар кўзланган манбалардан пулни тўлиқ ёки умуман ундириб ололмаслик ёхуд харидорларнинг етказиб берилган, сотилган маҳсулотлар учун пулни ўз вактида тўлай олмаслиги натижасида маҳсулот ва хизматлар баҳосининг пасайиши оқибатида фойданинг камайиши билан юзага келиши мумкин бўлади.

Пул кўринишидаги заарлар асосий турларининг юзага келиши инфляция, валюта курсининг ўзгариши, корхона маблағларини қўшимча тарзда давлат бюджетига ундириб олиш билан боғлиқдир.

**Якунлоячин қайтариб олиш мумкин бўлмаган заарар вақтинчалик молиявий заарар, ҳисоб-ракамларни музлатиш, тўлов интизоми билан боғлиқ пулни маблағларни ўз вактида етказиб бермаслик, қарзларни тўлаш муниципалитет узайтирилиши оқибатида пайдо бўлади.**

Накт бўйичи чарорлар ишлаб чиқариш фаолияти жараёнининг белгиланганнидан кўра сескин бориши натижасида юзага келади. Бу каби чарорлар белгиланган натижани кечикиб олган соат, кун, ҳафта, ойларда бихолинади. Йўқотилган вақтнинг ўлчовини қиймат кўринишида тадбиркорлик фаволиятини амалга ошириш жараёнидаги йўқотилган вақт орилигиди кийдай фойда ёки даромад олилмаган бўлса, ушбу фойда ёки даромад бирлиги билан ўлчанидиди.


**‘Зиарорлиринг’ махсус тури инсонлар соглиги ва ҳаётига, атроф-мухитга, тадбиркор обрўсиги етказилгаш зарар, шунингдек, бошқа салбий ижтимоий ва маънавий психологик оқибатлар натижасида юзага келади. Гоҳида барча маълум тур зиарорлирни мукодорий ва қиймат кўринишида умуман акс эттириб бўлмайди. Дарҳакиқат, ҳар бир турдаги заарларни уларнинг юзага келиши**

эҳтимоллиги ва ҳажмини баҳолаш, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган муддат, йил, ой ва белгиланган муддатларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Хатарни баҳолашда эҳтимолий зарарларнинг комплекс таҳлилини ўтказиш учун нафақат хатар манбанин белгилаш, балки у кандай манбалардан кўпроқ пайдо бўлаётганлигини ҳам юзага чиқариш муҳим рол ўйнайди.

Юкорида келтирилган зарарлар турини таҳлил қилишда эҳтимолий зарарларни даражага бўйича биринчи ва иккинчи даражага ажратиб олиш зарур. Тадбиркорлик хатарларини аниқлашда иккинчи даражали зарарлар хатар даражасини миқдорий баҳолашда ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, олдиндан таҳлил қилиш натижасида юзага келадиган зарарларнинг турли ҳажми ва эҳтимоллиги бўйича «сараплаш» имконияти юзага келади.

Хатарни баҳолашдан аввал зарарларнинг тизимли ташкил этувчиларини эҳтимолийларидан ажратиб олиш даркор.



1.1.1-расм.Ишлиб чиқариш корхоналарида хатар турлари<sup>4</sup>

<sup>4</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишланган.

Тадбиркорлик турлари, ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий тадбиркорлик билан боғлиқ бир нечта тизимли заарларни синчковлик билан кўриб чиқамиз ва бу билан хатарни юзага келтирувчи ўта мухим омилларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин бўлади. Хатар омилларини билиш уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга ва камайтиришга имкон беради. Ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий тадбиркорликда эҳтимолий заарларнинг пайдо бўлишини таҳлил қилишга ўтишдан аввал заарларнинг бир нечта маҳсус манбаи ва уларга таъсир этувчи омиллар манбаини кўрсатиб ўтамиз. Бу манбалардан бирига сиёсий омиллар таъсирида юзага келадиган заарларни киритиш мумкин. Бу каби заарлар сиёсий хатарни юзага келтиради. У сиёсий воқеалар натижасида кутилмаганда юзага келадиган мухим мухитни пайдо қиласи ва ортиқча харажатларга олиб борадиган хўжалик фаолиятини тақозо қиласи.

Бу каби хатарнинг манбаи бўлиб солик меърининг ортиб кетиши, шартнома шартларининг ўзгариши, мулк шаклининг ўзгариши, сиёсий инжлир бўйича мол-мулк ва шул маблагидан ажралишлар хисобланади. Бу доливатди тарарларни ҳижми ва хатар давражасини аниқлаш жуда қийин кечади.

Тадбиркор учун ҳамкорларининг итсоғенлизиги ва тўлов қобилиятига эга змаслини иштажисиди келадигин тарарлар мухим ўрин эгаллайди.

Энди юқорида тиъкидлаб ўтилган тадбиркорлик турлари бўйича хитарларни тарарлар эҳтимолини кўриб чиқамиз:

#### A. Ишлаб чиқарни тадбиркорлигидаги хатарлар.

**I. Мехнат унумдорлигининг пасайиши оқибатида маҳсулотлар ишлаб чиқарни ва сотини ҳижмининг белгилигига месъридан камайиши, инжориерининг тұхтаб түрини ва ишлаб чиқарни қувватларидан тўлиқ фойдаланылмаслик, иш мақтидан тарор, бопшапнгич хом ашёнинг етарли бўлмаслиги, юқори фонидаги брак режалаштирилган тушумни ололмаслика ахс этили. Улар қиймат кўришишиди куйидаги формула билан аниқланади.**

$$D = \Delta O \cdot B \quad (1.1)$$

бу ерда:

$\Delta O$  - маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг эҳтимолий йигиндиси;

$B$  - сотилиган маҳсулот ҳажмининг баҳоси.

2. Сотишга мўлжалланаётган маҳсулотнинг баҳоси, сифатининг пастлиги, бозор конъюнктурасининг ўзгариши, талабнинг тушиб кетиши, баҳодаги инфляция эҳтимолий заарларга олиб келади, уни ушбу формула бўйича хисобланади:

$$\Delta D = \Delta B \cdot O \quad (1.2)$$

бу ерда:

$\Delta B$  - бирлик маҳсулот ҳажми баҳосининг камайиш эҳтимоли;

$O$  - ишлаб чиқаришга ва сотишга мўлжалланган маҳсулотнинг умумий ҳажми.

3. Хом ашё, ёкилғи, энергиянинг ортиқча сарфланиши ҳам заарларга олиб келади, у қўйидаги хисоблаш формуласи орқали аниқланади:

$$\Delta D = \Delta M \cdot B_1 + \Delta M_2 \cdot B_2 \quad (1.3)$$

бу ерда:

$\Delta M$  - материал ресурсларининг эҳтимолий сарфи;

$B$  - бирлик ресурслар баҳоси.

Б. Тижорат тадбиркорлигидаги заарлар:

1. Тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида товарни сотиб олиш қийматининг ўзгариши ва сотиб олиш ҳакидаги шартнома шартларининг ъимояланмаслиги ҳам эҳтимолий заарларга олиб келади, у қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta D = O \quad (1.4)$$

бу ерда:

$O$  - жисмоний ўзгаришида бўлган товарнинг сотиб олинган ҳажми;

$\Delta D$  - сотиб олиш баҳосининг ошиш эҳтимоллиги.

2. Куттилмаганда сотиб олиш ҳажмининг мўлжалдаги ҳажмидан камайиб кетиши сотиш ҳажмининг камайишига олиб келади. Йўқотилган фойда сотилган товар ҳажмига тўғри келувчи сотиб олиш ҳажмининг камайиши орқали ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, сотиб олиш ва сотиш ҳажмининг камайиши харажатларнинг камайишига олиб келади.

Ташиш, сақлаш жараёнида товар сифати ва истеъмол қийматининг зарари унинг қийматини пасайишига олиб келади. Бу каби зарап ҳажми йўқотилган товар миқдорини сотиб олиш баҳосига бўлиш ёки зааралangan ҳажмини унинг қийматига бўлиш йўли билан аниқланади.

### В. Молиявий тадбиркорликдаги заарлар:

Молиявий тадбиркорлик ҳам ўз моҳияти бўйича тижорат тадбиркорлиги кабидир, фақат бу ерда товар бўлиб пул, қимматли қозоз, валюта ҳисобланади. Тижорат тадбиркорлигига характерли бўлган ҳолатлар молиявий тадбиркорликка ҳам хосдир.

Молиявий хатарни баҳоланида тўловига қобил эмаслик пул, валюта, қимматли қозозлар курсининг ўзгаришини, валюта пул муносабатлари операцияларидаги чекланишлар омилларини ҳисобга олин керак.

## 1.2. Ишлаб чиқариш корхоналарида хатарларни бошқариш

Ишлаб чиқарини корхоналари учун тез ўзгарувчан бозор коньюнктураси шароитларида бошқарувининг илғор тажрибаларидан фойдаланиши ва уларни кўллани орқали фаолиятда юзага келадиган хитрияни олдиндан кўра билини, баҳолай олини биринчи галдаги визифасиги айланиди. Жаҳон миқёсига ҳали ҳамон давом этиб келаётган молиявий-иётисидий инқироз мулкчилик шаклидан қатъий назар ишлаб чиқарувчилардни ўз фаолиятларини тўғри режалаштири ва самарали ташкил этишини тақозо этмоқда. Айниқса, хусусий тадбиркорлар бу борада теранроқ фикр юритишларига, чукур мулоҳаза билан иш юритишларига туруши



келмоқда. Чунки улар томонидан йўл қўйилган кичик бир хато ва хавфни кўра олмаслик, уларни инқирозга олиб келиши ва оқибат натижада бор молмулки, маблағларидан ажралиб, банкрот ҳолатига олиб келиши мумкин. Барча ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШда тадбиркорлар ишлаб чиқаришни «ташкил қилиш», «бошқариш» тушунчалари билан боғлайдилар. Масалан: «мехнат унумдорлигини бошқариш», «сифатни бошқариш», «нархни бошқариш». Ушбу тушунчалар билан биргаликда ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқаришида тадбиркорлар «хатар», «хатарни бошқариш» каби бошқарув туридан ҳам кенг ва самарали фойдаланадилар.


«Хатарни бошқариш» - бу бошқарувнинг бир тури бўлиб, у ёки бу хатарнинг юзага келиш эҳтимоли, унинг баҳоси, огоҳлантирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, заарларни камайтириш ёки улардан қутулиш йўлларини аниқлашни билдиради<sup>5</sup>. Хатарни бошқариш тизимининг муҳим томони хатарни тўғри баҳолай олишдир. Бу кўрилиши мумкин бўлган заарлар ҳажмини обектив тасаввур қилиш, заарларнинг олдини олиш чораларини самарали белгилаш учун муҳимдир. Хатарларни бошқариш жараёни 1.2.1 - расмда ифодаланган бошқарув цикли босқичлари вазифаларини амалга оширишни тақозо этади. Тавакалчиликни бошқариш жараёни қуйидаги бошқарув цикли босқичлари вазифаларини амалга оширишни тақозо этади.

I. Хатарларни идентификация қилиш: хатарлар рўйхатини, таснифини ва хатарни юзага келтирувчи ҳодисаларнинг мезонини шакллантириш ва белгилаб олиш;

II. Хатарларни баҳолаш: хатарларнинг эҳтимоллик даражасини миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолаш; хатарли ҳодисаларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш;

III. Хатарларни бошқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш: хатарли ҳодисаларни камайтириш бўйича муқобилликларни яратиш.

<sup>5</sup> Балабанов И.Т. «Риск и менеджмент» М.:«Финансы и статистика», 1996 г.



### **1.2.1-расм.Хатарни бошқаришнинг даврий босқичлари<sup>6</sup>**

**Хатирларни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш; хатарни ҳодисалар оқибатини камайтириш; натижаларни баҳолаш; ҳужжитларни ресмийлаштиришдан иборат. Корхоналар ҳар доим хатар билан тўкиниш келидинлар. Шунинг учун хатарни ҳодисаларнинг юзага келиш сибаблири ҳам жуда кўпидир. Одатда хатарли ҳодисаларда кескин вазиятларни ючига келтирувчи ҳолатлар тушунилади. Бундай кескин вазиятли ҳолатлар мингни - хўжалик фаолияти; тадбиркорнинг шахсий фаолияти; якуний натижаларга тиъсир қилувчи ташки мухит ҳакидаги ахборотларнинг етимимслиги ва ҳоказолар бўлиши мумкин.**

**Хатарни таснифлани асосида корхолар хатарларни бошқариш жарайдинни янада симарорли йўлига кўйинши мумкин бўлади. Чунки таснифлангандан сўнг қайси хатарлар юкори хавф-хатарни юзага келтиради ва қийсилари иккиччи даражалии аҳамият касб этиши аниқланади ва шу асосида хатирларни камайтириш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалий ишлаб чиқиш мумкин бўлади.**

<sup>6</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида иншиғани

Ишлаб чиқариш корхоналари хатарларини ички ва ташқи хатарга бўлиш мумкин. Ташқи хатарларнинг юзага келиш манбаи бўлиб, ташқи мухит унсурлари ҳисобланади. Тадбиркор бу каби хатарка таъсири эта олмаслиги мумкин, аммо уларни ўз фаолиятида олдиндан кўра олиши ва ҳисобга ола билиши керак. Шунингдек ташқи тавакалчиликка корхона фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган хатар киради. Бу каби хатарларга тадбиркорлик фаолияти ва иқтисодиётни бошқариш мақсадида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши ёки ўзгаририлиши, мамлакатдаги сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ва демографик вазиятларнинг ўзгариши, ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўзгаришлар, бозор мувозанатидаги ўзгаришлар киради. Бунга 1998 йилги Шарқий-Жанубий Осиё мамалакатларида юз берган молия-кредит тизимидағи ҳалқаро муносабатларнинг бузилиши мисол бўлади. Ички хатар манбаи бўлиб, тадбиркорлик корхонасининг ички вазияти ва ҳолатидаги ҳодиса ва воқеалар ҳисобланади. Бу каби хатарларга менежмент фаолиятининг самарали амалга оширилмаганлиги, маркетинг асослари ва сиёсатини нотўғри юритиш, фирма ходимларининг сустаймопликка йўл кўйиши, фирмада кадрлар сиёсатидаги хатоликлар, ҳом ашёнинг етишмаслиги, сотиш конъюктурасининг ўзгариши, инфляциянинг ортиб бориши кабилар киради(1.2.2.-расм).

Сўнгги вақтларда маҳаллий ишлаб чиқарувчи учун валюта таваккалчили долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Валюта хатар - бу валюта курсининг ўзгариши ва инфляция натижасида юзага келадиган молиявий заарлар эҳтимоллиги ҳисобланади. Валюта курсига таъсири этувчи асосий омиллар орасидан тўлов баланси ҳолатини, инфляция даражасини, қисқа муддатли капиталларнинг тармоқларабо миграциясини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шу билан биргаликда валюта курсининг ўзгаришига талаб ва таклиф муносабатлари, ташқи ва ички сиёсий омиллар ҳам таъсири этади.

1998 йилдаги Россиядаги валюта кризиси, АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь воқеалари бунга яқкөл мисол бўла олади<sup>7</sup>.

### **1.2.1-рисм. Ишлиб чиқириш корхоналари хатарларининг ички ва тоннажи ёмилилари<sup>8</sup>**

<sup>7</sup> Крейнина, М. Н. Финансовая устойчивость предприятия: оценка и принятие решений. Стр 2-3. <http://www.dls.ru>.

<sup>8</sup> Муаллиф тадқиқотлари ясасида иншиланган


Ишлаб чиқариш корхоналари учун яна бир мухим хатар турларидан бири кредит хатар хисобланади. Кредит тавакалчилиги, фирма фаолиятини ташки маблағлар асосида молиялаштириш натижасида, инвесторлар олдидаги ўзининг молиявий мажбуриятларини бажара олмаслик имкониятлари билан боғлиқдир. Кредит хатар билан кредиторлар: банк ва бошқа молиявий ташкилотлар; мол етказиб берувчилар ва акциядорлар ўртасида юзага келиши мумкин. Кредит хатарининг юзага келишига сабаб, кредит олувчининг инсофцизлиги, яъни маблағларни ўз шахсий эҳтиёжларига ёки бўлар-бўлмас ишларга сарфлаб юбориши натижасида; кредит олган корхонанинг рақобатга дош бера олмаслиги; нохуш иқтисодий конъюнктура; фирма раҳбарининг омилкор эмаслиги, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига молиявий, тармок, инвестицион, инновацион хатарлар ҳам ўз таъсирини кўрсатади<sup>9</sup>.

Корхоналар хатарларини бошқариш ҳозирги шароитда Ўзбекистонда авж олиб бораётган кичик ва хусусий бизнес тадбиркорлари фаолиятини самарали, унумли бошқариш энг муҳим, долзарб муаммо эканлигини ҳисобга олиб, халқаро ҳуқуқий муносабатларни ва мамлакат ичидаги иқтисодий-хуқукий асосларни, миллий хусусиятларни чукур билишлари ва амалда қўллашлари лозим бўлади. Бунинг учун керакли консультациялар олиш - (маслаҳат берувчи) компаниялардан ва банклар кошидаги ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорлар палатаси қошидаги мутахассислар билан маслаҳатлашишлари, компьютер орқали «Интернет» ахборотларидан фойдаланиш ҳар бир тадбиркорнинг биринчи навбатдаги бурчи бўлиб қолмоғи мақсадга мувофиқдир. Корхона ўз фаолиятини самарали, хавф-хатарсиз амалга оширишни бошқарар экан, жаҳонда тез ўзгариб бораётган иқтисодий, сиёсий жараёнларни ва мамлакат ичидаги ўзгарувчанлик ҳолатларини ҳар доим ўрганиб бориши тадбиркорлик фаолияти учун катта самара беради.

<sup>9</sup> Первозванский А.А., Первозванский Т.Н. «Финансовый риск: расчет и риск» М., «Инфра-М». С 87. 1999 г

### 1.3. Ишлаб чиқарыш корхоналарида хатарни баҳолаш

Корхоналарда молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, хатарни юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий заарлар сифатида характерлаш ва ўлчаш мақсадга мувофиқдир. Хатарни баҳолашда энг аввало, унинг ҳар бир эҳтимолий заарларини мутлак ёки қиёсий жиҳатдан баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Хатарни баҳолашда эҳтимолликлар эгри чизигини куриш хатарни аниқлашнинг бошлангич босқичи бўлиши мумкин. Бу эгри чизиқни корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятига тадбик ўтиш ўта мураккаб вазифа ҳисобланади. Шунинг учун хатарнинг бир нечта иносий кўрсаткичларини кўриб чиқиш корхонанинг истиқболини белгилашда мухим аҳамият касб этади. Бу жараён корхонадаги бизнес режа ва унинг бижарилиши билан боғлиқ тадбирларда акс этади. Корхона бизнес режада энг имконий зарарсизлик нуқтаси ва унинг қандай аниқлашини таҳлил этиш зарур. **IIIу мақсадиди**, корхоналарда зарар ҳажмига боғлиқ равишда хатарни қулушишинга ажратиб оламиз (1.3.1 - расм).



Зарар кутилмайдиган мухитни хатарсиз ҳудуд деб атаемиз. Ушбу ҳудудда ҳеч қандай тирирлар кутилмайди.

Хатарга йўл қўйилиши мумкин бўлган худудда тадбиркорлик фаолияти ўзининг иқтисодий ҳолатини саклаб қолади. Бу худудда заарлар мавжуд, аммо улар кутилаётган фойда ҳажмидан кам бўлади.

Хатарга йўл қўйилиши мумкин бўлган худуд чегарасида заарлар даражаси тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган фойдага тенг бўлади.

Кейинги ўта хавфли муҳитни жиддий хатар ҳудуди деб атаймиз. Бу худудда эҳтимолий заарлар кутилаётган фойда ҳажмидан юқори бўлади. Тадбиркор якуний ҳолатда нафакат даромадга эриша олмайди, балки барча харажатлари микдоридан ҳам юқори зарар кўради.

Хатар ҳақидаги тўлиқ маълумотни эҳтимолий йўқотишлар тақсимоти эгри чизиги ёки эҳтимолий заарларнинг график тасвири кўрсатиб беради. Эҳтимолий заарлар эгри чизигини шакллантириш учун фойдага эҳтимолий ҳажм сифатида қараймиз ва эҳтимолликларни тақсимлаш эгри чизиги ни олинадиган фойда даражасига боғлиқ равишда курамиз.

Олинаётган фойданинг эҳтимолий тақсимоти эгри чизигини қуришда қўйидагиларни инобатга оламиз:

1. Олинаётган фойда эҳтимоллиги ҳисобий фойда ҳажмига тенг. Бу каби эҳтимолий фойдани ( $B_r$ ) олиш максимал даражада, ( $F_r$ )нинг қийматини кутилаётган фойданинг математик ифодаси орқали ҳисоблаш мумкин.

2. Заарлар фойда ( $\Delta F$ )нинг камайишини фойданинг микдори ҳажми  $F_r$  билан солишиши орқали ҳисобланади. Агар реал фойда  $F$  га тенг бўлса, у ҳолда,

$$F = F_r - \Delta F \quad (1.5)$$

бунда:

$\Delta F$  - фойданинг камайиши ,

$F_r$  - ҳисобланадиган фойда

$$\Delta F = F_r - F \quad (1.6)$$

1. Амалиётда қатта ҳажмдаги зарар эҳтимоллиги нолга тенг.

Албатта хатарнинг қайсиdir даражасини қабул қилиш мураккаб жараён, чунки улар барча тур хатарлар учун мувофиқ келмаслиги мумкин. Аммо улар тадбиркорлик хатарларининг ўзгариш қонуниятларини тұғри акс үтиради ва гипотезага асосланади<sup>10</sup>.


Фойда олиш эҳтимоллиги әгри чизиги дан келиб чиқиб, фойдани эҳтимолий заарлар тақсимотининг әгри чизиги ни қурамиз. (1.3.2. – расм)

Фойданинг эҳтимолий заарлар тақсимоти әгри чизиги да акс үтирилган бир қатор характерли нұқталарни ажратиб күрсатамиз.

Биринчи нұқта ( $\Delta F=0$  ва  $B=B_c$ ) фойданинг зарар эҳтимоллиги нолға теңг эканligини күрсатади.

Иккінчи нұқта ( $\Delta F=F_r$  ва  $B=B_d$ ) эҳтимолий заарлар ҳажми күтилаётган фойдага тенг эканligини характерлайди.

1 ва 2 - нұқталар йўл қўйилиши мумкин бўлган хатар ҳудуди холатини аниқлоючи чегаравий нұқталар ҳисобланади 1.3.2-расм.



**1.3.2 - расм. Фойданинг эҳтимолий заарлар тақсимоти әгри чизиги**

Учिंчи пункти ( $\Delta F=RR$  и  $B=B_r$ ) заарлар ҳажми мувофиқ равиша  $BR$  тушумга теңг эканини күрсатади. Бу каби заарлар эҳтимоллиги  $B_r$  га тенг.

2 ва 3 - нұқталар жиддий хатар ҳудуди чегарасини аниқлайды.

<sup>10</sup> А.А.Томпсон, Адж. Стрикленд. "Стратегический менеджмент" М., "Банки и биржи". С 34. 2002.

4 - нуқта ( $\Delta f = IS$  ва  $B = B_{km}$ ) тадбиркорнинг мулкий ҳолатига тенг бўлган заарларни характерлайди, унинг эҳтимоллиги  $B_k$ , а тенг.

3 ва 4 - нуқталарда инқирозли хатар ҳудуди жойлашади.

Корхонанинг мулкий ҳолатидан ошиб тушадиган заарлар кўриб чиқилмайди ва уларни талаб қилиш мумкин эмас. Кутилаётган хатар ҳакида мурлоҳаза юритишга имкон берувчи заарлар эгри чизиги муҳим кўрсаткич хисобланади, шунинг учун қурилган эгри чизиқни хатар эгри чизиги деб аташ ҳам мумкин.

Масалан, агар инқирозли заарлар эҳтимоллиги кўрсаткичи ўта юқори хавф ҳақида маълумот берса, эҳтиёткор тадбиркор бу каби ишдан воз кечади ва хатарка бормайди.

Шундай экан, тадбиркорлик фаолиятида хатарни баҳолаш жараённида хатар эҳтимоллиги эгри чизигининг ҳамма нуқтасини қуриш шарт эмас, балки тўртта характерли нуқтани қуриб олиш, бу хатарни баҳолашни муваффақиятли амалга оширилганидан дарак беради.

**II боб. Корхонада тақрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келувчи молиявий хатарларни баҳолаш**

## **2.1. Левериж молиявий хатарни ифодаловчи қўрсаткич сифатида**

Корхонадаги тақрор ишлаб чиқариш жараёнига хос молиявий муносабатлар корхона фаолиятининг бевосита мақсади фойда олиш ўзанлигига боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Бошқачасига айтганда барча техник ва технологик жараёнлар, активлар ҳаракатланиши ўзининг қиймат ўлчамларини эга бўлади ва молиявий натижаларда ўз ифодасини топади. Маблағлар ҳаракатланиши ва ишлаб чиқариш жараёнидаги хатарларни ўрганиш фойданинг ҳосил бўлиши ва унинг ўзгаришларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Молиявий фарқлар соҳасидаги нашрларда фойда билан корхона активлари сарфлари қиймат ифодаси ўртасидаги боғлиқликни ифодалаш учун, “левериж” атамасидан фойдаланадилар. Мазкур атама АҚШдаги навирлардан кириб келган. Иқтисодий маънода левериж бирон-бир омилнинг китти бўлмаган ўзгариши натижавий қўрсаткичларнинг муҳим ўтиришларига олиб келиши сифатида талқин этилади. Таъкидлаш лозимки, корхонада фойда қўрсаткичлари кўп сонли бўлиб, таҳлил мақсадларига мунофиқ ҳолда тегишлиси танлаб олиниши лозим. Шунингдек, активлар сирфлиниши ҳам турлича гурухланиши мумкин.

**Кўпчилик ҳолларда асосий натижавий қўрсаткичлар сифатида корхонанинг соғф фойдаси (соликлар тўлашгандан кейинги фойда) олинади. Унинг мисдори чөв кўплаб омилар билан белгиланади.**

**Фойда мисдорини белгиловчи ресурслар сарфи моддий-техник тийминоти, ишлаб чиқарнини сотиш жарнёниларириди содир бўлади ҳамда ҳам моддий-ашёвий, ҳам молиявий мактумнга ша бўлади. Шу жихатдан сотишдан тушум билан сирф хирожитлар ўртасидаги тафовут сифатида аниқланган фойда моддий-ашёвий омилларига ҳам, молиявий омилларга ҳам боғлиқ. Моддий-ашёвий ва молиявий (киймат) омиллари бир-бирининг ўрнини боса олмайди, лекин уларнинг даражасига турли воситалар билан таъсир этиш**

мумкин. Шунингдек, ҳар бир омил унга хос бўлган хатарларга эга. Тадбиркорлик хатарларини бошқариш ва пасайтириш нуктаи назаридан фойдани белгиловчи омилларнинг мазкур йўналишларда ўрганилиши бозор муносабатлари ва эркин рақобат шароитларида айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини молиявий бошқариш жиҳатидан олиб қаралганда фойда микдорини, биринчидан корхона ихтиёридаги молиявий ресурслар қанчалик оқилона ишлатилганлигига, яъни улар нималарга йўналтирилганлигига ва иккинчидан молиявий ресурслар манбалари таркибиға боғлиқ (арzon ва қиммат манбалар, узоқ муддатли ва қисқа муддатли манбалар ва ҳ.к.).

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида молиявий ресурслар асосий воситаларга ва айланма маблағларга йўналтирилади. Маблағлар ҳаракатланиши маҳсулот таннархи таркибида ўзгарувчи ҳаражатларни шакллантиради. Уларнинг ўзаро нисбати эса корхона танлаб олган техникавий ва технологик сиёсат билан белгиланади. Таннарх таркибининг ўзгариши фойда микдорига жиддий қаралганда, асосий воситаларга маблағларни кўпроқ инвестициялаш ўзгарувчи ҳаражатларни камайтиришга йўл очади. Лекин, бу ерда тұғри чизикли пропорционал боғлиқлик мавжуд эмас. Асосий воситаларда эса маънавий эскириш ҳавфи ва оқибатлари айланма маблағларга нисбатан анча юқори. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ хатар даражаси вужудга келади ва бу ишлаб чиқариш леверижи билан характерланади.

В.В.Ковалев ишлаб чиқариш леверижини микдоран ҳаражатлар умумий суммасида доимий ва ўзгарувчан ҳаражатлар нисбатига мувофиқ келадиган соликлар ва кредит учун фоизлар чиқариб ташлангандан кейинги фойданинг ўзгаришлари орқали ифодаланишини қайд этади<sup>11</sup>. У бу

<sup>11</sup> Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. Москва, Финансы и статистика, 2000, стр. 313.

кўрсаткични операцион левериж деб атаб корхона фаолияти молиявий натижаларини унга боғлайди.

Харажатлар суммасида доимий харажатлар улушининг юқори бўлиши корхона учун ишлаб чиқариш леверижи юқори эканлигини кўрсатади. Бу ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмининг озгина ўзгаришлари ҳам фойданинг жиддий ўзгаришларига олиб келади. Чунончи, ишлаб чиқариш ҳажмлари қисқарганда ҳам доимий харажатлар қисқармайди ва бу фойданинг тез камайишига олиб келади.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида (ёқилғи-энергетика, оғир машинасозлик, темир йўл транспорти) ва юқори технологияли соҳаларда ишлаб чиқариш леверижи ўта муҳим аҳамиятга эга. Капитал қўйилмалар бюджетини хисоблаб чиқишида ва шакллантиришда ишлаб чиқариш леверижи қай тариқа аниқланиши ва баҳоланиши варианtlарининг танлаб олинишга таъсири кўрсатади. Кўпчилик ҳолларда муқобил лойиҳалар харажатлар таркиби бўйича жиддий фарқланади. Бу эса ишлаб чиқариш леверижини аниқлаб олишни ва мос равишда маблағлар манбалари таркибини белгилаб олишни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш леверижи устидан назорат фақатгина харажатларда доимий харажатлар улуси юқори корхоналар учунгина аҳамиятли эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолияти учун диверсификация хос бўлиб, унинг турли йўналишларида харажатлар таркибий тузилиши муҳим равишда фарқланади. Ҳамма ҳолларда ҳам ишлаб чиқариш леверижининг вужудга келган даражаси бирон-бир тарзда аниқланаётган фойда микдори ўзгаришларига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таниархи таркиби ва ҳажми ўзгаришлари орқали таъсири эта олиш имкониятларни ифодалайди ва шу маънода хўжалик фаолиятидаги иқтисодий хатарнинг чегараларини тавсифлайди.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги молиявий хатар даражаси уни узоқ муддатли молиялашдаги ўз ва қарз маблағлари манбаларининг нисбатида акс этади. Шунингдек, қарз маблағларидан қанчалик мақсадга мувофиқ ва

самарали фойдаланиш мумкин эканлиги ҳам эътиборга олинади. Одатда қарз маблағларидан фойдаланиш корхона учун қўшимча харажатларни келтириб чиқаради ва бу харажатлар салмоқли бўлиши ҳам мумкин. Ўз маблағлари билан қарз маблағларининг ўзаро нисбати оқилона бўлиши лозимлиги чегаралари молиявий левериж тушунчаси орқали характерланади. Миқдоран молиявий левериж қарз капиталининг ўз капиталига нисбати сифатида ўлчанади. Молиявий леверижнинг даражаси корхона учун молиявий хатар даражаси корхона учун молиявий хатар даражасига тўғри пропорционал ва аксинча акциядорларга (ёки корхонанинг ўзига) қолдириладиган фойда нормасига тескари пропорционалдир. Бунинг заминида эса қарз капитали учун тўланадиган фоизлар (улар корхона учун доимий мажбуриятга айланган бўлади) корхонанинг соф фойдасини камайтириш ётади. Шундай қилиб, молиявий левериж юқори бўлса молиявий хатар ҳам юқори бўлади.

Молия соҳасидаги нашрларда қарз капиталининг юқори улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар молиявий леверижнинг юқори даражасига эга компания ёки молиявий қарам компания (highly levered company) деб аталади. Агар корхона ўз фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштираётган бўлса уни молиявий мустақил (unlevered company) деб атайдилар. Демак, фаолият олиб бораётган корхонада молиявий левериж даражаси узок муддатли пассивлар ҳажми ва таркибининг ўзгартирилиш орқали соф фойдада ўзгаришларга эришиш мумкинлиги имкониятларини ифода этади. Албатта, ҳар қандай ҳолатда ишлаб чиқариш левережи бошланғич аҳамиятта эга. Чунки у айнан янги қиймат яратилиши жараёнида фойда билан харажатлар ҳажми таркиби ўртасида боғланишни ифодалайди. Бу жараёнда ҳосил қилинган фойдадан ташки қарзларга хизмат кўрсатиш харажатларини чегириб ташлангач соф фойда шаклланади. Молиявий леверижнинг таъсири соф фойда билан солиқлар ва фоизларни тўлангунга кадар фойда ўртасидаги тавофутни ҳисоблаб чиқиш орқали аниқланади.

Ишлаб чиқариш леверижи ва молиявий левериж бирлаштирилган ҳолда ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда сотишдан тушум, ишлаб чиқариш

харажатлари ва молиявий харажатлар күрсаткичларига таянган ҳолда фойда күрсаткичлари аниқланади ҳамда бу күрсаткичлар ўзгаришлари билан соф фойда ўзгаришлари ўртасидаги боғланишларга баҳо берилади.

Абсолют миқдорларда баҳоланганда ишлаб чиқариш леверижининг таъсири ишлаб чиқариши ҳажмидан шу ҳажмни ишлаб чиқариш учун сарфланган ўзгарувчи харажатларни айриб ташлаб аниқланади. Шунингдек, ишлаб чиқариш леверижининг маҳсулот сотишдан соф тушумдан (ялпи тушум минус ККС ва Акциз солиги) сотилган маҳсулотнинг ўзгарувчи харажатлар бўйича ҳисоблаб чиқилган таннархини айриб ташлаш орқали ҳам аниқлаш мумкин.

Молиявий левериж таъсирининг абсолют миқдори эса соликлар ва фонизлар тўлангунча қадар фойдадан тўланадиган фоизларсуммасини айриб ташлаб ҳисоблаб чиқиладиган, яъни соликқа тортиладиган фойда кўрсаткичидаги ўзгаришлар орқали баҳоланади.

Ишлаб чиқариш леверижининг таъсирини баҳолашда харажатларни доимий ва ўзгарувчи харажатларга тўғри ажратиб олиниши муҳим аҳамиятга ишлаб чиқариш леверижи таъсирини ўрганишда ишлаб чиқариш чегаралари. Шунинг учун ишлаб чиқариш леверижи таъсирини ўрганишда ишлаб чиқариш чегаралари. Шунингдек кўриб чиқиладиган вақт интерваллари аниқ белгилаб олиниши лозим. Таъкидлаш лозимки, қисқа муддатли даврда харажатларнинг анчагина қисми доимий характерда бўлса, вақт интервали узайтирилганда доимий харажатларнинг муайян қисми ўзгарувчи характерга эга бўлиб қолади.

Кўриниб турибдики стратегик режалаштириш нуқтаи назаридан шартли-доимий ва шартли ўзгарувчи харажатлар атрофлича таҳлил этилиш лозим ҳамда ишлаб чиқариш леверижи ва молиявий левережни баҳолашда уларга алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Чунки улар кўпчилик ҳолларда ишлаб чиқариш леверижи ва молиявий левережини корхона

фаолиятинг пировард натижалари орқали бир-бирига боғлайди. Хўжалик фаолиятинг озрок ёки кўпроқ капитал талаб йўналишларининг танлаб олиниши ишлаб чиқариш левережининг даражасини белгилайди, капитал кўйилмалар ҳажми ва таркиби эса молиялаш манбаларини танлаб олишни тақозо этган ҳолда молиявий левериж билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш леверижки билан молиявий леверижнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамма ҳолларда ҳар хил эканлиги кузатилади. Шундай бўлсада, назарий жиҳатдан қайд этиш мумкинки, корхонада операцион левериж даражаси юқори бўлса, молиявий леверижнинг пастроқ даражаси маъқулроқ бўлади ва аксинча. Бу, албатта, корхона учун иқтисодий хатарларнинг умумий даражаси жиҳатидан ҳам, харажатлар оптимал ҳажмлари таркиби нуқтаи назаридан ҳам тушунарли.

## **2.2. Ишлаб чиқариш ҳажмининг зарарсизлиги чегарасини хисоблаш чиқини**

Ишлаб чиқариш леверижининг даражаси фойدادан ўзгаришлар орқали ифода этилганлиги туфайли ишлаб чиқариш (сотиш) ҳажмлари ўзгариб боришидаги фойда ҳосил бўла бошлайдиган ёки фойданинг зарур миқдорларига эришиладиган чегараларни аниқлаш лозим ва бу ишлаб чиқариш жараёнинга мувофиқ келадиган иқтисодий хатарларни миқдоран тавсифлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти харажатларнинг ҳар хил турлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аҳамияти ҳам бир хил эмас. Бухгалтерия хисобида ишлаб чиқариш харажатлари ва сотиш харажатлари алоҳида ҳисоб-варакларида олиб борилади. Ҳисоблар режасида ишлаб чиқаришнинг бевосита харажатлари (ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига тўғридан-тўғри киритилувчи харажатлар) 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ҳисоб-варагида, ишлаб чиқаришнинг билвосита харажатлари (бир неча маҳсулотларга тааллуқли ва уларнинг таннархларига корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгилаб олинган усулда тақсимлаб киритиладиган харажатлар) 2510 “Умушишлаб чиқариш харажатлари” ҳисоб-варагида ҳисобга олиб

борилади. Тайёр маҳсулотларнинг таннархига киритиладиган бевосита ва билвосита харажатлар “Асосий ишлаб чиқариш” хисоб-варагида жамланади ва шу тарзда аниқланган таннарх бўйича тайёр маҳсулот “Тайёр маҳсулот” хисоб-вараги дебетида акс эттирилади. Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар эа давр харажатларини ҳисобга олишнинг 9410 “Сотиш харажатлари” хисобида ҳисобга олинади. Харажатларнинг мазкур йўналишларда акс эттирилиши ишлаб чиқариш леверижига етарли даражада баҳо берилишига имконият яратмайди. Шунинг учун, молиявий бошқарув ва молиявий назорат максадларида ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини доимий ва ўзгарувчи харажатларга ажратган ҳолда ҳисоб олиш, шунингдек тайёр маҳсулот таннархини эса фақат ўзгарувчи харажатлар бўйича аниқлаш кўлланилади. Биринчи ёндашув бухгалтерия хисобининг молиявий ҳисоб деб италадиган томони қоидалари жавоб беради, иккинчи ёндашувнинг тируглиги бошқарув хисобида асослаб берилади.

Ўимоншвилий бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш харажатларини доимий, ярим ўзгарувчи ва ўзгарувчи харажатларга ажратади. Харажат турларининг инилиб чиқариш ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришларига боғлиқлигини соддозалаштирилган ҳолда 2.2.1-расмдаги кўрсатилганидек тасаввур қилинади (2.2.1-расм).



**2.2.1-расм. Харажатлар турлари билан ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғлиқлик.**

Мазкур классификация шартли характерга эга бўлсада, ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатлар турлари хусусиятлари ишлаб чиқариш леверижини ҳакқоний ифодалашга хизмат қила олади, чунки воқеликни мухим равища реал акс эттиради.

Доимий харажатларга ишлаб чиқариш ҳажмларига танлаб олинган интервалда амалда боғлиқ бўлмаган харажатлар киритилади (масалан, ижара тўловлари, тегишли ҳолларда асосий воситаларнинг амортизацияси). Расмда бундай харажатлар абцисса ўқига параллел тўгри чизик сифатида акс эттирилган. Доимий харажатлар баъзи ҳолларда шартномавий муносабатлардан келиб чиқади ва миқдорлари шартномаларда қайд этилган бўлади. Ярим ўзгарувчи харажатлар танлаб олинган интервал ичидаги кичик интервалларда сакраб ўзгаради. Ҳар бир кичик интервалдан чиқишида ярим ўзгарувчи харажат янги, юқориrok даражага сакраб ўтади. Бунда маҳсулот партиялари кичикрок бўлгандаги транспорт харажатларини мисол келтириш мумкин. Ўзгарувчи харажатларга ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгаришига тўғри пропорционал равища ўзгариб борадиган харажатлар киритилади (масалан, хом-ашё ва материаллар сарфлари). Ишлаб чиқариш леверижини баҳолаш мақсадларида ярим ўзгарувчи харажатларнинг ўзида доимий ва ўзгарувчи элементларни ажратиб олиниши лозим. Бунинг усуслари эса бошқарув ҳисобида ишлаб чиқилган. Шунинг учун ишлаб чиқариш леверижини ўрганишда харажатларни доимий ва ўзгарувчи харажатларга ажратган ҳолда иш кўрилади. Бундаги бош вазифа ишлаб чиқаришнинг хўжалик фаолияти зарарсизлигини таъминлайдиган ҳажмини, яъни фойда ҳосил бўлмасада, лекин зарар ҳам кўрилмайдиган ҳажмини аниқлашдир. Мазкур ишлаб чиқариш ҳажми бошқарув ҳисобида зарарсизлик нуқтаси деб аталади. Масалани мураккаблаштираслик учун ишлаб чиқарилган маҳсулот тўла сотилади деб фараз қилинади.

Харажатлар билан ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги боғланиш түғри ғызикли характерда деб олинган заарсизлик нұқтасини график усулида ҳам аниқлаши мүмкін (2.2.2-расм).



### 2.2.2-расм. Заарсизлик нұқтасини аниқлаш графиги

Заарсизлик нұқтасини тахминий усулда аниқлашда маржинал даромад түшүнічесі киритилади.

Маржинал даромад = Сотищдан түшум - Үзгарувчи харажатлар

Маржинал даромад маңсулот бирлигиге нисбатан ҳам хисоблаб ғықилиши мүмкін:

Маржинал даромад = Баҳо - маңсулот бирлигининг үзгарувчи қирижатлар бүйича таннархи

Маълумки, маңсулот сотищдан түшум қиймат таркиби бүйича доимий қирижатлар, үзгарувчи харажатлар ва фойданинг йиғиндисидан иборат. Үз иншабында маржинал даромад формуласини эътиборга олган ҳолда сотищдан түшум үзгарувчи харажатлар билан маржинал даромаднинг йиғиндиси сиптида каралиши мүмкін. Шуларни хисобга олган ҳолда маржинал даромад доимий харажатлар билан фойданинг йиғиндисига тенг бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш ҳажми 0 дан бошланганда ҳир бир дона қўшимча равишда ишлаб чиқарилган маңсулотдан келаётган миражинал даромад доимий харажатларни қоплашга хизмат қиласи ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиб борган сари зарар миқдори камайиб боради. (0

нүктада заар миқдори доимий харажатларга тенг эди). Ишлаб чиқариш ҳажмининг муайян даражада олинатётган маржинал даромад миқдори доимий харажатларни тұла қоплады ва заар йүқолади. Шундан кейинги ҳар бир бирлик ишлаб чиқарылған маҳсулот келтираётган даромад фойдани ҳосил қилишга хизмат қиласы, яғни фойда миқдори заарсизлик нүктасига эришилгандан кейинги ишлаб чиқариш ҳажми үсиши хисобига олинган маржинал даромаддан иборат бўлади.

Заарсизлик нүктасидаги ишлаб чиқариш ҳажми билан ундан юкорирокдаги режалаштирилаётган ёки эришилган ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги тафовут ёки графикдаги масофа хавфсизлик маржаси деб аталади. Унинг миқдори қанча катта бўлса ишлаб чиқаришга хос иқтисодий хатарлар даражаси шунча паст бўлади деб олинади. Хавфсизлик маржаси натуран кўрсаткичларда ҳам, қиймат ўлчовида ҳам аниқланиши мумкин.

Таъкидлан лозимки, заарсизлик нүктаси маржинал дароммад ва хавфсизлик маржаси кўрсаткичлари алоҳида олинган маҳсулот турлари бўйича ҳам ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Лекин умумлашган кўрсаткичларни ҳисоблашда ассортимент ёки ҳар бир маҳсулотнинг жами ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши ўзгармас деб олинади.

### **2.3. Ишлаб чиқариш леверижини баҳолаш**

Ишлаб чиқариш леверижи корхона хўжалик фаолиятини ўрганишда муҳим аҳамиятта эга ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгаришлари билан корхона молиявий барқарорлиги ўртасидаги боғланишларни ифодалаб туради. Чунончи, ишлаб чиқариш леверижининг юқори даражаси ишлаб чиқриш ҳажмларининг оз миқдорлардаги ўзгаришлари ҳам корхонада молиявий барқарорлик келтириб чиқариши мумкинлигини билдиради. Чунки, бу ҳолда сотишдан тушумнинг камайиши фойда миқдорини кескин камайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш леверижини баҳолашда асосан учта кўрсаткич қўлланилади:

- доимий ишлаб чиқариш харажатларининг харажатларнинг умумий суммасидаги улуши ёки доимий ва ўзгарувчи харажатларнинг ўзаро нисбати (DOLd);

- соф фойданинг доимий харажатларга нисбати (DOLp);

- фоизлар ва соликлар тўлангунча қадар фойда миқдори ўзгаришлари суръатларининг натурал бирликларда сотиш ҳажми ўзгаришларига нисбати (DOLr).

Мазкур кўрсаткичлар корхона хўжалик фаолиятида содир бўлаётган жирафёнларга таъсир этаётган омилларни тахлил қилишда ва назорат миқсадларида қўлланилиши мумкин. Биринчи ва иккинчи кўрсаткичининг ўсиб бораётганлиги ва учинчи кўрсаткичининг пасайиши корхонада фойда шаклланишида иқтисодий хатарлар даражаси ортиб бораётганлигидан дарак беради, яъни фойданинг қўшимча бирликларини ҳосил қилиш учун тобора қуқорироқ даражада таваккал қилинмоқда.

Биринчи ва иккинчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмуни яққол кўзга ташланиб турибди. Учинчи кўрсаткич ҳам мазмунан мураккаб эмас. Унинг сурати ва маҳражида фойда миқдори ўзгаришлари билан сотиш ҳажми ўзгаришлари суръатлари бир-бирига таққосланмоқда. Суратнинг маҳраждан тезроқ ортиши корхона ўз маҳсулотини тобора кулайроқ шарт-шароитларда ёки харажатларнинг нисбатан тежалишига эришилган ҳолда сотишга ташаётганлигини кўрсатади. Яъни корхона фаолияти учун иқтисодий хатарлар даражаси пасаймоқда. Заарсизлик нуктасига яқинроқ оралиқларда фойданинг ўзгариш индекси каттароқ рақамларни ташкил этади, чунки фойдани ҳисоблаш 0 дан бошланган бўлади. Сотиш ҳажми ҳисоби эса бу оралиқда 0 дан бошланган эмас. Демак, мазкур кўрсаткичлардан таҳлилий мақсадларда фойдаланишда у қайси оралиқларда олиб қаралаётганлиги ўтибордан колдирилмаслиги лозим. Турли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таққослашда мазкур ҳолат назарда тутилиши зарур. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий хатарларни ишлаб чиқариш леверижи кўрсаткичлари динамикаси орқали баҳолапда ўзгарувчи харажатлар билан ишлаб чиқариш

хажми (сотиш ҳажми) ўртасидаги боғланиш түғри чизикли функция билан ифодаланган деб олиинади. Богланиш эгри чизикли тус олганда таҳлилни олиб бориш жараёни бирмунча мураккаблашади.

Шуларни назарда тутган ҳолда шартли мисол кўриб чиқамиз. А, В ва С компаниялар бўйича қўйидаги маълумотлар берилган.

Кўрсаткичлар	A	B	C
Махсулот бирлиги баҳоси, сўм	4,0	4,0	4,0
Махсулот бирлигига ўзгарувчи харажатлар, сўм	3,0	2,0	1,5
Доимий харажатлар, сўм	30000	54000	81000

Ишлаб чиқариш ҳажмининг турли варианtlари учун фоизлар ва солиқларни тўлангунга қадар фойда ҳисоб-китоби

	Ишлаб чиқариш ҳажми, дона	Сотиш ҳажми, сўм	Жами харажатлар, сўм	Фоизлар ва солиқлар чегирилмаган фойда, сўм
А компанияси	20000	80000	90000	-10000
	40000	160000	150000	10000
	60000	240000	210000	30000
	70000	280000	240000	40000
В компанияси	20000	80000	94000	-10000
	40000	160000	134000	26000
	60000	240000	174000	66000
	70000	280000	194000	86000
С компанияси	20000	80000	111000	-31000
	40000	160000	141000	19000
	60000	240000	171000	69000
	70000	280000	186000	94000

Зарарсизлик нуқтаси ҳар бир компания учун қўйидагича ҳисбланади:

А компанияда махсулот бирлигига маржинал даромад ( $4,0 - 3,0 = 1$  сўм). Шунинг учун зарарсизлик нуқтаси 30000 минг сўм, доимий харажатлар 1 донага маржинал даромад 1 сўм = 30000 дона.

В компанияда маҳсулот бирлигига маржинал даромад  $(4,0-2,0)=2$  сўм.  
Шунинг учун заарсизлик нуқтаси 54000 минг сўм: 2 сўм = 27000 дона.

С компанияда маҳсулот бирлигига маржинал даромад  $(4,0-1,5)=2,5$  сўм. Шунинг учун заарсизлик нуқтаси 81000 минг сўм: 2,5 сўм = 32400 дона

Ишлаб чиқариш ҳажмини 60000 донадан 70000 донага оширишда ишлаб чиқариш леверижи даражаларини хисоблаб чиқамиз:

$$\text{А компания: DOLr} = \frac{(40000 - 30000) / 30000}{(40000 - 30000) / 30000 + 2,5} = 2,4$$

$$\text{В компания: DOLr} = \frac{(86000 - 66000) / 66000}{(86000 - 66000) / 66000 + 2,5} = 1,82$$

$$\text{С компания: DOLr} = \frac{(94000 - 66000) / 66000}{(94000 - 66000) / 66000 + 2,5} = 2,17$$

Хисоб-китоблардан кўриниб турибдики, маҳсулот бирлигига хисоблаганда доимий харажатларнинг юқорироқ даражаси хос бўлган С компанияда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришлари фойдага энг кучли таъсир бўлади. А компанияда ҳам ишлаб чиқариш леверижи коэффициенти юқори. Лекин бунинг заминида фойданинг базавий миқдори жуда паст эканлиги кўриниб турибди. (А компанияда 30000 сўм, В компанияда 66000 сўм ва С компанияда – 69000 сўм). Шунинг учун нисбий миқдорлардар олинганда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши фойдага А компанияга энг кучли таъсир итмоқда, лекин абсолют миқдорларда бу В ва С компаниялардан анча кам.

Таҳлил корхона доирасида динамикада амалга оширилганда ишлаб чиқариш леверижи кўрсаткичи кескин ўзгаришларга учрамайдиган инерцион кўрсаткич сифатида намоён бўлади. Чунки у корхона моддий-техника базаси ва таркибига ва қўлланилаётган технологияларга боғлиқ. Асосий воситаларга қўйилмалар қилингандан сўнг корхонанинг ишлаб чиқариш стратегиясини ўзгаририш имкониятлари нисбатан камаяди ва доимий харажатлар кўринишидаги амортизация ажратмалари молиявий

натижаларни апиклашда хисобга олиниши лозим. Демак, харажатлар таркиби доимий харажатлар улуши ортиши томонга ўзгарадики, бу ишлаб чиқариш леверижи ортишига олиб келади. Агар маржинал даромад юқори бўлмаса, зарарсизлик нуқтасига етиб олиш ва фойдага эришиш қийинлашади. Корхоналар бу вазиятдан фойдаланилмаётган асосий воситалар ва бошқа оборотдан ташқари активларни сотиб юбориш ёки изараага бериш орқали чиқишига ҳаракат қиласидилар.

## 2.4. Молиявий леверижни баҳолаш

Молиявий менежмент соҳасидаги нашрларда молиявий левериж доирасини ифодаловчи 2 та кўрсаткич энг кўп қайд этилади:

- қарз капитали ва ўз капиталининг ўзаро нисбати (DFL<sub>p</sub>);
- соф фойда миқдори ўзгаришлари суръатларининг солиқлар ва фоизлар тўлангунга қадар фойда миқдори ўзгаришлари суръатларига нисбати (DFL<sub>r</sub>);

Биринчи кўрсаткич мазмунан содда ва тушунарли ва бир мунча осон хисоблаб чиқилади. Мазкур кўрсаткич турли корхоналар бўйича ҳам ўзаро таққосланиши мумкин. Бундан фарқли равишда иккинчи кўрсаткични талқин этишда муайян қийинчиликлар мавжуд. Алоҳида олинган корхонада бу кўрсаткичлар динамикада таҳлил этилганда уларнинг ўсиши иқтисодий хатар нуқтаи назаридан нохуш тенденцияларни ифодалайди, яъни молиявий левериж ортиши молиявий хатарларнинг ҳам ортишини билдиради.

DFL<sub>r</sub> коэффициенти фоизлар ва солиқлар чегирилмаган фойда соф фойдадан қанчалик миқдорда кўп эканлигини ифодалайди. Унинг қуий чегараси корхона қарз маблағлар учун қанчалик кўп фоиз тўлаётган бўлса, мазкур коэффициент шунча юқори бўлади, яъни соф фойда миқдори тўланадиган фоизларга боғлиқ холда шунчалик кўп миқдорда ўзгаради. Демак, молиявий левериж ва молиявий хатар шунчалик юқори. Фоизлар тўланиши мажбурий тўлов, улардан фарқли равишда қонунчилик молиявий

Смонијашадиган шароитларда дивиденdlар тўланишига рухсат бермайди. Шунинг учун молиявий левережнинг юкори даражасида маржинал даромаднинг салгина камайиши ҳам молиявий левериж паст бўлган ҳолларга нисбатан соф фойда миқдорига анча кучли таъсир кўрсатади.

Харажатлар таркибига боғлиқ ҳолда вужудга келадиган ишлаб чиқариш леверижидаги каби бу ерда ҳам кўрсаткичнинг сурати ва маҳражи ўргасидаги ўзаро боғлиқлик мураккаб характеристга эга. Молиявий лісверижнинг хусусияти шундаки, у қанчалик юкори бўлса, фоизлар ва солиқлар тўлангунга қадар фойданинг озгина ўзгариши молиявий левериж юкори бўлган шароитда соф фойладаги жиддий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, бу мулоҳазалар бир корхонага тааллуқли динамика доирасида кучга эга. Турли корхоналарни бир-бирларига таққослашда эса улардаги улардаги даромадларнинг базавий миқдорлари бир хил бўлиши лозим.

Кўриниб турибдики, молиявий хатар тушунчаси молиявий левериж тушунчаси билан чамбарчарс боғланиб кетган. Чунки молиявий хатар кўпинча узоқ муддатли ссудалар ва қарзларни қайтара олиш ва фоизларни тўлаш учун маблағлар етишмовчилиги вужудга келишини ифодалайди. Молиявий леверижнинг ортиши эса бундай мажбуриятларни фоизлар кисмига боғлиқ равишда корхона учун иқтисодий хатар даражаси ортишини билдиради. Агар бир хилдаги ишлаб чиқариш ҳажмларига эга бўлган, иккита корхонани ўзаро таққосласак, ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгаришларидан келиб чиқадиган соф фойданинг ўзгаришлари бир хил бўлмайди. Молиявий левериж даражаси юқорироқ корхонада соф фойда ўзгаришлари каттароқ бўлиши кузатилади. Буни куйидаги шартли мисолда кузатиш мумкин Мисолни олинган манба: Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. Москва, Финансы и статистика, 2000, стр. 326-327.)

А ва В компаниялар тенг миқдорлардаги, лекин манбалари ҳар хил таркибли капиталларга эга (сўм):

	А компания	В компания
Үз капитали	400000	200000
Узоқ муддатли қарз мажбуриятлари	150000	350000
Жами	550000	550000

Фоизлар ва соликлар чегирилмаган фойда микдори ҳар иккала корхонада 1-йилда 50000 сүм, 2-йилда 40000 сүм ва 3-йилда 30000 сүмни фойда солиги, фойда солиги 30%ни ташкил этмоқда. Соф фойдани аниқланг.

Ечим күйидаги жадвалда келтирилмокда

	А компания	В компания
<b>1-йил</b>		
Фоизлар ва соликлар чегирилмаган фойда	50000	50000
Тұланадиган фоиз	15000	35000
Соликқа тортиладиган фойда	35000	15000
Солик	10500	4500
Соф фойда	24500	10500
<b>2-йил</b>		
Фоизлар ва соликлар чегирилмаган фойда	40000	40000
Тұланадиган фоиз	15000	35000
Соликқа тортиладиган фойда	25000	5000
Солик	7500	1500
Соф фойда	17500	3500
<b>3-йил</b>		
Фоизлар ва соликлар чегирилмаган фойда	30000	30000
Тұланадиган фоиз	15000	35000
Соликқа тортиладиган фойда	15000	-5000
Солик	4500	
Соф фойда	10500	

Мисолдаги компанияларнинг соф фойдалари учун салбий тебранишлар хос. Улар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай вазиятта қарз манбаларини қувватлаб туриш учун фоиз харажатларини тұлаб бориши зарурияты В компанияни 3-йилда бутунлай зарапта олиб чикмоқда. А компанияда ҳам соф фойда камаймоқда. Лекин унда қарз манбаларини саклаб қолиши мажбурияты камроқ бүлгани учун пировард молиявий натижасы бутунлай зарапта айланғани йүк ҳамда камайған микдорда бүлса ҳам соф фойда сакланиб қолди.

Демак, юқорида қайд этилганидек, молиявий қарамлик даражаси юкорироқ бұлған корхона жорий фаолиятдан даромад камайиб борган холларда молиявий қарамлиги паст корхонага нисбатан кийинрок ақында түшиб қолади. Бундан ташқари узок муддатли қарз мажбуриятлари бүйича фонд ставкалари нокулай равишда үзгаришлари ҳам іоз берса, юқоридаги салбий оқибатлар янада кескинлашади. Капитал таркибини үзгартыриш бүйича қарорлар қабул қилишда молиявий леверижнинг таъсири ҳар тирафлама ҳисобга олиниши зарур ва шу орқали иқтисодий хатарни муайян чигараларидан ортиб кетмаслигига эришилади.

Буни юқоридаги мисолда келтирілген А ва В компаниялар учун молиявий левериж күрсаткичлари динамикасининг таҳлили орқали күрсатиш мүмкін.

	A компания	B компания
1-йил		
Фоизлар черилгунга қадар фойда	50000	50000
Соликқа тортиладиган фойда	35000	15000
Соф фойда	24500	10500
Молиявий левериж коэффициенти	1,33	3,33
Рентабеллик	61,25	52,25
2-йил		
Фоизлар черилгунга қадар фойда	40000	40000
Соликқа тортиладиган фойда	25000	5000
Соф фойда	17500	3500
Молиявий левериж коэффициенти	1,6	8,0
Рентабеллик	43,75	17,5
3-йил		
Фоизлар черилгунга қадар фойда	30000	30000
Соликқа тортиладиган фойда	15000	-5000
Соф фойда	10500	-
Молиявий левериж коэффициенти	2,0	$\infty$
Рентабеллик	26,25	25,0

Юқоридаги жадвалда молиявий левериж коэффициентлари фоизлар ва солиқлар чегирилмасдан фойданинг соф фойда үзгаришлари суръатларининг фоизлар ва солиқлар чегирилгунга қадар фойда үзгаришларига нисбати каби

хисоблаб чиқиладиган молиявий левериж күрсаткичига яъни DFL<sub>r</sub> га мувофиқ келади.

Келтирилган мисолда молиявий леверижнинг ўз ва қарз маблағлари ўзаро нисбати каби хисоблаб чиқилган коэффициенти ҳар икки корхонада икки хил бўлсада, лекин йиллар бўйича ўзгармасдан қолмоқда. Шунинг учун таҳлилда буни эътиборга олиш лозим.

Мисол маълумотларидан кўриниб турибдики, DFL<sub>r</sub> коэффициенти қарз маблағлари мавжуд бўлганда 1 га тенг бўлади ва бу унинг энг қуий чегарасидир. Қарз манбалари пайдо бўлиши билан коэффициент 1 дан юкорироқ бўла бошлайди. DFL<sub>r</sub> = 1 бўлганда, молиявий қарамлик йўқ бўлганлиги учун соф фойданинг ўзгаришлари тўла равишда фоизлар ва соликлар тўлангунга қадар фойданинг ўзгаришлари билан белгиланади ва улар бир хил суръатларда ўзгаради.

Молиявий левериж даражаси қарз капитали салмоғи ортиши билан ортиб боради. 1-йилда А компанияда қарз капитали салмоғи 27,27 фоиз, DFL<sub>r</sub>=1,33, В компанияда эса қарз капитал салмоғи 63,54 фоиз, DFL<sub>r</sub>=3,33 ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, молиявий хатар даражаси қарз капитал салмағи ортишидан ҳам тезроқ ортиб боради. Бу жараённинг корхона фаолиятига рентабеллигига таъсири ўз капитали рентабеллиги (ROE) кўрсаткичларини солиштирганда кўзга ташланади. 1-йилда бу кўрсаткич А компанияда 61,25 фоизни, В компанияда 52,5 фоизни ташкил этди. 2-йилд фоизлар ва соликлар чегирилгунга қадар фойда миқдорлари ҳар иккала компанияда бир хилда камайган бўлсада молиявий левериж юқори компанияда рентабеллик кўрсаткичи юкорироқ ўлчамларда ва суръатларда пасайланлигини кўриш мумкин. Мазкур ўзгаришлар DFL<sub>r</sub> кўрсаткич динамикасига мувофиқ ҳолда содир бўлмоқда. Демак, корхонан фаолиятидаги иқтисодий хатарларни ўрганишда молиявий левериж курсаткичлари чуқурроқ таҳлил қилиниши лозим. ROE кўрсаткичлари ўзгаришларини графикда тасвирланса, юқоридаги хуносалар янада якколроқ ўз ифодасини топади (2.4.1-расм).

ROE, %



#### 2.4.1-расм. Фойда ўзгаришларининг ўз капитали рентабеллигига таъсири

Расмдан кўриниб турибдики, молиявий левериж даражаси юқорироқ компанияда фойда миқдоридаги ўзгаришлар ўз капитали рентабеллиги кўрсаткичларига жуда кучли таъсир этади. Фойданинг камайиши билан ўз капитали рентабеллиги кўрсаткичи яна ҳам тезроқ пасайиб кетмоқда. Демак қарз капитали улуши юқори корхонада энг юқори молиявий хатар кузатилиди.

Келтирилган мисол капитал таркиби, фойда ўзгаришлари, молиявий ўзгаришлари, молиявий левериж ва молиявий хатар даражаларининг ўзаро алоқадорлигини динамика кесимида ҳам, корхоналарнинг бир-бирини таққослаб ҳам кузатишга имкон бермоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш леверижини ва молиявий леверижни ишлаб чиқари ва молиявий леверижга бирлаштириш мумкин ва бу кўрсаткич иктисадий хатарларни умумлаштирилган ифодаси бўла олади. Уни куйидагича ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$DTL = DOL_r \times DFL_r$$

DOL<sub>r</sub> ва DFL<sub>r</sub> кўрсаткичларининг аникланиши формуулаларидан фойдаланиб мазкур формулани куйидаги кўринишга келтириш мумкин:

$$DTL = \frac{\text{Мажсулот сотнидан ялпи маржинал даражом ад}}{\text{фойз харажатларини чегириб ташланган фойда миқдори}}$$

Ишлаб чиқариш леверижини баҳолаш ҳақида 2.1 параграфда келтирилган шартли мисолдаги А компания учун ишлаб чиқариш леверижи ва молиявий леверижнинг умумлаштирилган кўрсаткичини ҳисоблаб чиқамиз.

Ишлаб чиқариш леверижи ҳажми 60000 бирликдан 70000 бирликка, яъни 16,7 фоизга ўзгарганда ишлаб чиқариш леверижи  $DOL_r=2,0$  ни ташкил этган эди.

Шу оралиқда қарзга жалб этилган капитал учун фоиз тўловлари 10000 сўмга тенг деб олсак молиявий левериж қўйидагича аниқланади (Соликларни зътиборга олмаган ҳолда).

Фоизлар чегирилмаган фойда 30000 сўм ва 40000 сўм

Соф фойда 20000 сўм ва 30000 сўм

$$DFL_r = \frac{\text{Соф фойда ўсиши сурувати}}{\text{Фоизлар чегирилмаган фойда ўсиши сурувати}} = \frac{30000 - 20000}{30000 - 10000} = \frac{10000}{20000} = 1,5$$

$$DTL=DOL_r \times DFL_r=2,0 \times 1,5=3,0$$

Юкоридаги кўрсаткичларнинг иқтисодий талқини қўйидагича. А компанияда вужудга келган вазият ва шароитларда ишлаб чиқариш ҳажмининг 16,7 фоизга оширилиши фоизлар чегирилмаган фойда ҳажмининг 33,3 фоизга кўпайишини таъминлайди. Яъни фойда ҳажмининг ўсиши ишлаб чиқариш ҳажми ўсишидан 2 баробар тезроқ кетади ( $DOL_r$  коэффициенти). Яшпи фойданинг бундай ўсиши соф фойданинг 50% фоизга ўсишини таъминлайди. ( $DFL_r$  коэффициенти 1,5 га тенг). Умуман олганда ишлаб чиқариш ҳажмининг 16,7 фоизга оширилиши соф фойданинг бунга нисбатан 3 баробар тезроқ, 50%га оширилишини таъминлайди ( $DTL=3,0$ ). Буларнинг заминида эса ишлаб чиқариш ҳажмининг биринчидан доимий харажатларни оширмасдан ва қўшимча қарз капиталини жалб этмасдан оширилганлиги ётибди.

Юкоридаги мулоҳазалар асосидаги қайд этиш мумкинки, левериж хўжалик фаолиятида ўзига хос дастак ролини бажарувчи омиллар ўзгаришларининг фаолият натижаларига таъсирини микдоран ўлчашга имкон беради. Унинг ортиши фаолият натижалари шу омилга кўпроқ даражада

боғланаётганлигини пасайишига эса, боғланиш нисбатан пасайганлигини ифодалайди. Албатта, боғланиш умуман йўқ деган хулоса ҳар доим нотўри. Гап боғланишнинг кучайиши ёки нисбатан сустлашиши ҳақидагина бориши мумкин. Чунончи ишлаб чиқариш леверижи ортиши маблағлар таркибида оборотдан ташқари активларнинг улуши ортишидан келиб чиқади. Чunksи, кўпчилик ҳолларда доимий харажатлар ишлаб чиқарышнинг моддий шартшароитларини ишчи ҳолатда ёки технологик, экологик ва бошқа йўналишларда хавфсиз ҳолатда қувватлаб туриш ёки бўлмасам технология тикозоси билан вужудга келади. Шунинг учун корхона оборотдан ташқари активлардан қанчалик самарали фойдалана олса, шу йўл иқтисодий хатарларни камайтира олади. Янги асосий воситалар сотиб олиниши ёки барпо этилиши улар билан боғлиқ доимий харажатларга нисбатан кўпроқ фойда келтира олсагина ўзини оклади ва бу ҳолда ишлаб чиқариш лиснерижини ортиши кузатилмайди.

Моливий левериж ҳақида ҳам шу каби хуносаларга келиш мумкин. Унга алоқадор қарорлар қабул қилинишида учта босқич бор. Биринчи босқичда корхонанинг молиявий ресурсларга эҳтиёжи аниқланади. Иккинчи босқичда маблағлар манбалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари аниқланади. Учинчи босқичда эса маблағлар жалб этилиши учун қўлланиши маъқул бўлган молиявий дастаклар танлаб олинади. Маблағлар манбалари икки хил холос: ўз манбалари ва қарз манбалари. Ўз маблағлари манбалари бўлиб фойдани реинвестициялаш ва қўшимча акциядорлик капиталини жалб этиш ҳисобланади. Қарз маблағлари эса узоқ муддатли ва қисқа муддатли бўлиши мумкин. Энг маъқул вариант фойдани реинвестициялаш. Лекин корхона эгаларининг шахсий даромадларини чеклайди ва улар бунга доимо рози бўлавермайдилар. Қўшимча акциядорлик капитали жалб этилса, кейинчалик дивидендларни ҳам кўпроқ тўлашга тўғри келади, корхона эгаларининг бошқарувда иштирок этишида кучлар нисбати ўзгаради ва х.к.

Қисқа муддатли қарз манбалари асосан банк кредитлариidir. Уларнинг афзаллиги бошқа манбаларга нисбатан тезроқ ва осонроқ қўлга киритилишида.

Салбий томони кўпроқ фоиз ставкалари билан, шунингдек корхонанинг жорий тўлов қобилияти билан мустаҳкамлаб боғлаб қўйилганлиги билан боғлиқ. Корхона сал мураккаб аҳволга тушса, банк дарҳол кредитни талаб қиласди ва бу билан корхонанинг аҳволини янада оғирлаштиради. Шу нуқтаи назардан узоқ муддатли қарз манбалардан фойдаланишга ҳаракат қиласдилар. Албаттa бу манба билан боғлиқ ҳаражатлар у ҳосил қиласдиган қўшимча фойдадан камроқ бўлгандагина унга мурожаат қилиш мумкин.

Умуман олганда маблағлар манбалари таркибида узоқ муддатли маблағлар манбалари улушининг ортиши (молиявий левериж) фойда олишнинг қўшимча манбаларини вужудга келтиради. Лекин, бошқа томондан, корхонанинг молиявий аҳволи турли сабаблар билан ёмонлашган ҳолларда, корхонага бу манба билан боғлиқ ҳаражатлар оғирлик қила бошлайди. Леверижни бошқариш билан боғлиқ ҳаракатларни ягона қолипга солиш мумкин эмас ва турли омилларни назардан қочирмаслик лозим: сотиш ҳажмлари барқарорлиги ёки барқарор ўсиши имкониятлари, бозорнинг тўйинганлиги даражаси, қўшимча қарз олиш имкониятлари, корхонанинг ривожланиш истиқболлари, активлар ва пассивлар таркиби, инвестицияларга нисбатан давлат солик сиёсати, фонд бозорларидаги вазият ва бошқалар.

## **III-боб. Хатарларни бошқариш асослари**

### **3.1. Хатарларни бошқаришга ёндашувлар**

Хатарлар түшунчаси, одатда, аввалдан етарли даражада аниқ тахмин килиниши мумкин бўлмаган ҳодисалар туфайли келиб чиқадиган номақбул оқибатларни англатади. Хатарларни бошқариш эса уларни оқибатларни корхонанинг молиявий аҳволда жиддий салбий ўзгаришларга олиб келмайдиган даражага камайтиришни ифодалайди.

Ю.Брихем ва Л.Гапенски молиявий менежмент нуқтаи назаридан хатарларни қуидагича туркумлайдилар:

1. Спекулятив хатар – ютуқни ҳам, йўқотишни ҳам келтириб чиқариши мумкин бўлган хатар (масалан, бозорда муомалада бўлган қимматли қоғозлар).

2. Соф хатар – келажакда факат йўқотишлар келтириб чиқариши мумкин бўлган хатар (ёнғин, маҳсулот сифати буйича истеъмолчилар олдидаги жавобгарлик).

3. Талаб хатари – бозорда муайян товарга талаб пасайиши туфайли вужудга келаётган йўқотишлар эҳтимоли.

4. Харажатлар хатари – меҳнат ва моддий харажатларнинг элементлари бозор баҳолари ортиши туфайли вужудга келадиган йўқотишлар. Масалан, ҳом ашё нархи ортганда, фирма маҳсулоти баҳосини мутаносиб равища ошириш имкониятларига эга бўлмаслиги мумкин.

5. Молиявий хатар – молиявий битишувлар билан боғлиқ эҳтимолий йўқотишлар. Фирма муомалага ўз облигацияларни чиқарганда улар сотиб бўлгунга қадар бозордаги фоиз ставкалари ортиб кетса, облигациялани аввалдан пастроқ баҳоларда жойлаштиришга тўғри келади, валюта айирбошлиш курси ўзгаришлари ҳам йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин.

6. Мулкий хатар фирманинг ишлаб чиқариш моддий базасига турли сабаблар билан талафот етказилиши мумкинлигидан келиб чиқади (ёнғин, сув тошқинлари ва шу кабилар)

7. Шахслар билан боғлиқ хатар фирма ходимларининг ҳаракатлари фирмага зарар етказиши мумкинлигини ифодалайди (алдов, мулкни ўзлаштириш, камомадга йўл қўйиш ва бошқалар).

8. Атроф мұхитни ифлослантириш хатари ҳам мавжуд бўлиб, корхона экология нормаларига риоя қиласында туфайли ёки бунга йўл қўйаслик учун қилинадиган харажатлар билан боғлиқ йўқотишларни ифодалайди.

9. Корхонанинг истеъмолчилар ва бошка контрагентлар олдидағи масъулияти билан боғлиқ хатарлар (маҳсулот сифатига талаблар, ёлланма ходимларнинг нотўғри ҳаракатлари, корхонага қарашли транспорт воситаларидан фойдаланишда конунчилик талабларининг бузилиш оқибатлари).

10. Суғурталанувчи хатар – бу одатда суғурта йўли билан қопланиши мумкин бўлган хатар. Корхона дуч келадиган хатарларнинг катта қисми суғурталаш йўли билан суғурта компаниялари зиммасига ўтказилиши ва шу йўл билан камайтирилиши мумкин.

Корхоналар хатарларни бошқаришда қуйидаги масалаларни ҳал этиши лозим бўлади.

1. Корхона дуч келаётган хатарни идентификациялаш яъни хатарнинг мазмунни ва турини аниқлаб олиниши лозим.

2. Идентификацияланган хатарнинг эҳтимолий таъсирини ўлчам олиниши зарур. Баъзи хатарлар корхона фаолиятига ва унинг натижаларига жиддий таъсир этмайди, баъзиларининг таъсири эса корхона учун ҳалокатли бўлиши мумкин. Шунга боғлиқ ҳолда хатарларни бошқаришда ресурсларни йўналтириш лозим бўлади.

3. Аниқлаб олинган ҳар бир хатарнинг оқибатларини минималлаштириш масаласини ҳал этиш. Бунинг учун қуйидаги усуllар кўлланилиши мумкин:

а) хатарни суғурта компанияси зиммасига ўтказиш. Бу суғурталаш орқали амалга оширилади. Баъзи ҳолларда эса ўзини-ўзи суғурталаш маъкулроқ бўлиши мумкин. Суғурталашда маблағ қисман бўлсада, ташқарига

чикиб кетади. Хатарнинг эҳтимоллилик даражаси пастроқ бўлганда эса резервлар ҳосил қилиш орқали ўзини-ўзи суғурталаш маъқулроқ бўлиши мумкин;

б) хатар билан боғлик эҳтимолий йўқотишларни ҳисобга олиш учинчи томон зиммасига ўтказиш. Бунда хатардан йўқотишлар эҳтимоли суғурта компанияси эмас бошқа субъектларга ўтказилади. Масалан, маҳсулотни истеъмолчига ташиб етказишдаги хатарлар уни ташиб беришни юк ташувчи компанияга топшириш йўли билан бартараф этилиши мумкин;

в) ноxуш ходисанинг содир бўлиши эҳтимолини пасайтириш чораларини кўриш. Масалан, ёнғиндан зарар кўрилиши билан боғлик харажатлар ёнғин хавфсизлиги қоидалларига риоя этилишини доимий назорат килиш, ускуналарни янгилаб бориш, корхонадаги худудларни ёнғин биридан-бирига ўта олмайдиган зоналарга ажратиб кўйиш, ишончли сигнализация тизимини ўрнатиш орқали пасайтирилиши мумкин;

д) хатарни вужудга келтирувчи фаолият билан шуғулланишнинг бутунлай таъкиқлаб кўйилиши. Корхона маҳсулот сифатига эътиrozларга йўл қўймаслик учун хом-ашёнинг муайян турларидан ёки муайян сифатга эга бўлмаганидан фойдаланишдан бутунлай воз кечиши ва ўз бўлинмалари ва ходимлари буни таъкиқлаб кўйилиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, хатарларни бошқариш бўйича қарорлар ҳар бир мукобил вариантлар бўйича харажатлар – афзалликлар занжирининг жиддий таҳсиллига исосланган бўлиши лозим. Масалан, ёнғин хатаридан йўқотишларга йўл қўймаслик учун ходимларни ёнғинга қарши дастур бўйича мунтазам тўла машқ килдириш ёки шунга резервлаштириш мумкин. Ҳар иккала вариант маблаг, яъни инвестиция талаб этади. Демак, уларнинг натижаларига молиявий ва бошқа жиҳатлардан баҳо берилиши лозим.

### **3.2. Суғурталаш орқали хатарларни бошқариш**

Суғурталаш хатарларни бошқаришда марказий ўринни эгаллади. Мазмунан у хатар билан bogлиқ йўқотишларнинг иштирокчилар ўртасида тақсимлаб олинишини бијидиради. Масалан, хатардан жами йўқотиш 1 млн сўмга teng бўлганда 100 ta иштирокчига у ўртача 10 минг сўмдан тўғри келади. Ўртача олганда 10 ta иштирокчи хатарга дуч келадиган ва ҳар бирининг йўқотиш 100 минг сўмни ташкил этади деб олинса, қолган 90 ta иштирокчida йўқотишлар мавжуд бўлмайди. Бироқ, ҳар бир иштирокчи учун 100 минг сўмлик йўқотишга дуч келиш эҳтимоли мавжуд. 100 минг сўмлик йўқотиш жиддий молиявий муаммо туғдиради. 10 минг сўмлик йўқотишни нисбатан енгилроқ бошдан кечириш мумкин. Шу нуқтаи назардан хатардан 10 минг сўмга суғурталаниш барча иштирокчилар учун мақбулроқ вариантга айланди. Бироқ, хатардан йўқотиш суғурта компанияси зиммасига ўтказилмаётганилиги учун ҳам унга мукофот тўланиши лозим ва суғурта компаниясининг баҳоси 12 минг сўмга teng бўлиб, шундан 2 минг сўм суғурта мукофотини ташкил этади. Юкоридаги рақамларни асослаб беришга қаратилган ҳисоб-китобларни актуар ҳисоб-китоблар деб аталади.

Реал ҳўжалик ҳаётида суғурталаш жараёни анча мураккаб мазмунга эга ва унга кўплаб омиллар таъсир этади. Шундан бўлсада, унинг асосий элементларини қўйидагича тавсифлаб берилиши мумкин.

Хатардан йўқотишларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш ёки катта ҳажмдаги эҳтимолий йўқотишларни ундан кўп марта кичикроқ бўлган ҳақиқий йўқотиш билан алмаштириш. Бунда ҳар бир иштирокчига умумий йўқотишнинг бир қисми тўғри келади. Катта йўқотишларга дуч келган иштирокчиларга эса уларнинг йўқотишлари йигилган маблағлардан тегишислисicha қоплаб бериллади. Албатта, мазкур схемани қўллаш учун хатар барча иштирокчилар учун бир хил тавсифларга эга бўлиши ва унга нисбатан катта сонлар қонуни қўлланиши мумкин бўлиши лозим. Демак, йўқотишларни хатарни умумий равишда бирлаштиришида у биринчидан

түрүх иштирокчилари ўртасида тақсимланади ва иккинчидан катта сонлар қонунини күллаган ҳолда етарли равишида аникликда башорат қилинади.

Суғурта жараёнининг иккинчи муҳим элементи тўловлар фақат тасодифий йўқотишлар учун амалга оширилишидир. Бу йўқотишларни кутмайдилар ва уларни тасодифийнинг таъсири остида содир бўлади. Суғурталаш фақат тасодифий характердаги йўқотишлар учун тўловлар бажарилишига асосланади (нотасодифий йўқотишлар масаласи алоҳида кўриб чиқилиши лозим, уларни маънавий (аҳлоқий) хатар тушунчаси билан ифодаланади).

Хатарни ўтказиш хатар жараёнининг яна бир элементидир. У хатар суғурталанувчидан суғурталовчига ўтказилишини билдиради. Бунда суғурталовчи катта сонлар қонунига таянган ҳолда кутилаётган йўқотишларни етарли даражада аниқ башоратлайди ва йигилган муофотдан уларни қоплайди. Шунинг учун молиявий жиҳатдан суғурталовчи суғурталанувчиларга нисбатан хатарларга ишончлироқ қарши тура тура олади.

Заарнинг қоплаб берилиши суғурталаш жараёнининг якунловчи элементидир. Бунда суғурталанувчига унинг хатар оқибатида кўрган зарари қоплаб берилади. Бу суурталаш шартномаси шартларига биноан амалга оширилади.

### 3.3. Суғурталашда аҳлоқий хатарлар

Юқорида таъкидланганидек, суғурталаш фақат тасодифий йўқотишлар учун амалга оширилади. Шу жиҳатдан аҳлоқий хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ равишида килиб чиқадиган йўқотишлар эса тасодифий характерга эга эмас. Масалан, муваффакиятсизликларга учраб турган фирманинг ўз молмулкига қасдан ўт қўйилиши уюштириб ёнгин учун суғурта қопламаси олишга уриниш мумкин. Бу албаттa, камдан-кам учрайдиган ҳолат. Бироқ суғуртланганлик мавжудлигининг ўзи суғурталанувчининг йўқотишлардан

ўзини асрашга интилишидаги рағбатларни бир мунча сусайтиради. Агар корхона ихтиёридаги хатардан йўқоишларни тўла қоплаб берадиган сугурта полиси мавжуд бўлса, у зарарларни содир бўлиш эҳтимолини пасайтирувчи харажатларни қилишга интилмайди. Аксинча, агар зарар тўла корхонанинг ўзи томонидан қопланадиган бўлса, бахода буни акс эттириш учун тўлов суммасини камайтириши мумкин. Масалан, ёнгиндан сугурталаш полисларида ёнгин сигнализацияси ўрнатилишини, ёнгинни ўчириш тизимини янгилаб борилишини ва бошқа ёнгинга қарши тадбирларни рағбатлантирувчи сугурта полиси баҳосини мукофот тарзида камайтирувчи шартлар белгиланиши мумкин.

Кўпинча сугурталовчилар сугурталанувчининг муайян ҳаракатларни сугурта шартномаси имзоланишига қадар амалга оширилишини талаб киладилар. Масалан, ёнгиндан сугурталашдан олдин сигнализация тизими ўрнатилган бўлишини талаб қилиш мумкин. Бундай шартлар одатда сугурталанган субъектлар хулқ-ҳаракатларидан огоҳ бўлиб туришнинг самарали усули ҳисобланади.

Аҳлоқий хатар муаммоси ахборот асимметриясидан (етишмовчилигидан) ҳам келиб чиқиши мумкин. Сугурталовчи ўз мижозининг баъзи ҳаракатларини кузатиб бориш имкониятига эга бўлсада, сугурталовчи бажариб бориши зарур бўлган ҳар кунлик ёки ҳар ҳафталик ишлар ёки таомилларни тинимсиз кузата олмайди. Бу жуда муҳим аҳамият касб этса, ахборот етишмовчилити ҳолларида сугурталовчи сугурта мукофоти суммасини тўғри ҳисоблай олмаслиги туфайли сугурталанувчини кониқтира оладиган сугурта шартномаси тузишдан воз кечиши мумкин.

Сугурталовчининг, яъни сугурта полиси эгаси томонидан қаралганда эса аҳлоқий хатар оқилона молиявий ҳаракатларнинг кўрининши холос. Асрорчи ёки эҳтиёт чоралари дастурларига харажатлар учун сугурталанувчи тегишли мукофотга эга бўлиши лозим. Бу эса сугурта мукофоти пасайтирилиши орқали содир бўлади. Масалан, сугурта мавжуд эмаслигига ёнгинга қарши машғулотлар оқилона тадбирлар молиявий жиҳатдан ҳам

оқилона иш, лекин сұғурта мавжуд бүлганида компания бундай дастурга, агар сұғурталовчи бунинг учун сұғурта мукофотини пасайтирмаса, маблағ ажратилиши мақсадға мувоғиқ эмас деб қараши мумкин.

**Сұғурталашда ноқулай танлов муаммоси.** Сұғурталовчилар ахборот стишиналиги туфайли мавжуд бүлдиган ян бир муаммога дуч келишлари мумкин. У ноқулай танлов деб атала迪. Унинг мазмуни шундаки, йүқотишиларнинг энг катта әхтимолига эга бүлган мижозлар сұғурта полисларини сотиб оладилар, бундай әхтимолнинг пастроқ даражаси хос потенциал сұғурталанувчилар эса бунга интилмайдилар. Чунки уларда сұғурталанаётган хатардан зарар күриш әхтимоли жуда паст. Юқоридаги мисолға мурожаат қылсак, корхонада ёнғин әхтимоли катта бүлгандыа ёнғин бүйіча сұғурта полиси сотиб олинади, ёнғин әхтимоли паст корхона бундай қилмайди. Мазкур тенденция сақланиб тұрса юкори хатарға эга корхоналар сұғурта қопламаси олишга интилишлари туфайли сұғурта компанияси үйіғиңан сұғурта мукофотларига нисбатан күпроқ сұғурта қопламалари тұлашига түгри келади. Бу чеклаб туриш учун сұғурта шартномаларига күпроқ писандалар киритиш лозим бүлади, яъни сұғурталаш шартлари оғирлашади. Натижада вазият янада ёмонлашади. Чунки хатар даражаси пастроқ сұғурталанувчилар ўзларини ўзлари сұғурталашга интиладилар ёки камрок сұғурта қопламаси билан баҳоси пастроқ сұғурта полислари таклиф үтістігін сұғурталовчиларға мурожаат қиласылар.

Ноқулай танлов муаммосини хал этишда сұғурта компаниялари иккى хил йүлни танлашлари мумкин. Бириңчисида сұғурталанувчилар учун сұғурта мукофотлари мікдори үртача статистик маълумотлар асосида барча кутилаётган йүқотишиларни ва маъмуурий харажатларни қоплаб, фойда олишни таъминлайдын даражада үрнатылади. Мазкур вазиятта хатар даражаси юкори корхоналар уларнинг кутилаётган йүқотишиларидан озрок суммани, хатар даражаси паст корхоналар эса озрок суммани тұлайдилар. Бундай сиёсатни амалда фақат давлат томонидан мажбурий сұғурталаш

жорий этилган йұналишларда ва давлат назорати остидагина олиб бориш мүмкін.

Иккінчи ёндашувда ахборот етишмовчилігінің енгіб үтиш орқали мұаммосынан қарастырылады. Суғурта компаниясы потенциал міжозлар ҳакида тұлароқ ахборот йиға олса, суғурта полислари баҳолари, яғни суғурта мукофотлари табақалаштырилған мүмкін. Бошқача қилиб айтганды суғурта мукофотлари миқдорлари суғурта ходисасы ва ундан йүкотишилар содир бўлиши эҳтимолига таъсир этувчи асосий омиллар асосида белгиланади. Умуман олганда суғурталанувчилар ўртасида ракобат ва уларнинг эҳтимолий йүкотишилар ҳақидаги ахборот кенгайиб бориши нокулай танлов мұаммосиниң қарастырылған хизмат қилади.

### **3.4. Хатар турини аниклаш ва хатарни ўлчаш**

Корхона фаолиятида содир бўлиши эҳтимолли хатарларни бошқаришда аввал хатарларни идентификацияланыши, сұнгра хатарнинг содир бўлиши эҳтимоли ва унданкутиладиган йүкотишиларнан баҳоланиши лозим.

Хатар турини аниклаш жараённан корхона фаолияти давомида дуч келадиган, фирма учун нохуш оқибатлар келтириши мүмкін бўлган жорий ва потенциал хатарлар аниклаб олинади. Таъкидлаш лозимки, бу бир марталик жараён эмас, балки уни мунтазам равишда амалга ошириб борилиши лозим. Ўз-ўзидан равшанки потенциал хатарни аниклаб ва имкони борича уннинг таъсирини бошқа хатарлар таъсиридан ажратиб олинмаса, хатардан йүкотишиларни минималлаштыриш учун чоралар ишлаб чиқилиши ҳакида сұз юритиб бўлмайди. Ривожланган мамлакатлардаги йирик компанияларда корпорацион хатарларни бошқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятининг турли йұналишларига оид хатарлар рўйхатларини эълон қилиб борадилар. Кичикроқ фирмалар бу рўйхатлардан ўзларининг фаолиятларига хатарлар ҳакида маълумотларга эга бўлиши мүмкін.

Хатарлар идентификацияланғач, ҳар бир хатарнинг корхона фаолиятига таъсири даражасини үлчаш лозим. Бунинг учун йўқотишлар қанчалик тез-тез содир бўлиши (йўқотишлар эҳтимоли) ва йўқотишларнинг миқдори (пулдаги ифодаси) баҳолаб чиқилиш лозим. Умуман олганда, ҳар бир хатарнинг таъсири ёки аҳамияти у қанчалик тез-тез содир бўлишига, нисбатан қанчалик катта талофтот етказиши мумкинлигига боғлиқ бўлади. Масалан, фирма ўз маҳсулотларини ҳаридорларга ўз юк автомобилида стказиб беради деб олсак, машинанинг шикастланишиг олиб келадиган йўл ҳодисалари учраб туради, лекин улардан зарар ҳажми нисбатан катта эмас. Лекин ўлим билан тугайдиган йўл ҳодисалари эҳтимоли жуда кам, улардан кўриладиган талофтлар бўйича фирманинг масъулияти жуда юкори.

Йўқотишлар қанчалик тез-тез содир бўлишини үлчаш учун эҳтимолликдан фойдаланилади. Масалан, корхонанинг кучли бўрондан зарар кўриш эҳтимоли 0,03, сув тошқинидан зарар кўриш эҳтимоли – 0,02, ғининдан зарар кўриш эҳтимоли – 0,01 ва барча уччала хатарлар бир-бирига боғлиқ эмас. Ҳеч бўлмаганда хатарлардан биттасига дуч келиниши эҳтимоли эҳтимоллар назарияси қоидаларини қўллаб аникланади. Бўрондан зарар кўриш эҳтимоли:  $1-0,03=0,97$ . Сув тошқинидан зарар кўриш эҳтимоли:  $1-0,02=0,98$ . Ёнгин чиқмаслик эҳтимоли:  $1-0,01=0,99$ . Демак, уччала хатардан ҳеч бирини содир бўлмаслик эҳтимоли:  $0,97 \times 0,98 \times 0,99 = 0,941$  ёки 94,1 % га тенг. Агар хатарнинг содир бўлмаслик эҳтимоли 0,941 бўлса, содир бўлиш эҳтимоли:  $1-0,941= 0,059$  га тенг бўлади. Шунингдек бир йил ичида уччала хатарнинг содир бўлиш эҳтимоли:  $0,03 \times 0,02 \times 0,01 = 0,000\ 006$  га тенг ёки миллион Йилда олти марта шундай бўлиши кутилади.

Йўқотишларнинг оғирлигини үлчамида максимал йўқотишлар ва ўртacha йўқотишлар аникланади. Максимал йўқотиш хатар даражасининг энг ёмон вариантида содир бўлганида дуч келинадиган йўқотишларнинг пулдаги ифодаси бўлса, ўртacha йўқотиш хатарнинг турли вариантларида дуч келинадиган йўқотишларнинг пулдаги ўртacha миқдоридир. Масалан, ёнгиндан йўқотишларнинг максимал миқдори 10,0 млн сўм баҳоланмоқда,

ұтган даврлар статистикаси бүйічә хисоблаб чиқылған үртача йүқотишилар эса 500 минг сүм. Шунингдек, ёнғиннинг эхтимоли – 0,01, максимал йүқотишилар үзининг эхтимоли – 0,05, үртача йүқотишилар эхтимоли – 0,40 деб олинганда ҳар қандай йил учун кутилаёттан максимал йүқотишининг пулдаги ифодаси  $0,01 \times 0,05 \times 10\,000\,000$  сүм = 5000 сүмни, кутилаёттан үртача йүқотишининг пулдаги ифодаси  $0,01 \times 0,05 \times 500\,000$  сүм = 2000 сүмни ташкил этади.

Хатарларни бошқариш билан шұғулланаёттан мутахассис хатарларнинг пулдаги ифодалари ва хатарлар содир бўлиши эхтимолларига таянган ёнғиндан заарларнинг эхтимоллари тўла тақсимланишини олиши мумкин. Ёнғиндан йүқотишилар эхтимолларининг тақсимланиши аниқлаб олинган тўпламига эга бўлган бошқарувчи хатарнинг канча қисмини фирма ўз зиммасига олиши ва қанчалик сұгурталовчи зиммасига ўтказиши мақбул эканлиги масаласини ҳал этади. Юқоридаги мисолда ҳар қандай йилда ёнғиндан йүқотишилар 100 000 сүмдан юқори бўлиши эхтимоли  $0,01 \times 0,80 = 0,008$  дан иборат. Агар фирма ёнғин хатаридан барча йүқотишилар 100000 сүмдан ортиб кетмаслигини таъминлашни ҳоҳласа, у заарларнинг 100 000 сүмдан ортик қисминигина қоплаб бериш шарти белгиланган сұгурта полиси (франшиза) сотиб олиши керак. 100000 сүмга етмаган заарлар сұгурталовчи томонидан қоплаб берилмаслиги туфайли сұгурта полиси баҳоси заарлар тўла қопланишига қараганда анча паст бўлади.

**Мулкдаги йүқотишилар хатарини баҳолаш.** Энг умумий равища корхонанинг мол-мулки кўчмас мулк ва кўчар мулкдан иборат бўлади. Кўчмас мулк ер, бинолар ва иншоотларни ўз ичига олса, кўчмас мулкка кирмайдиган мол-мулк кўчар мулкни ташкил этади. Мол-мулкни бой бериш билан боғлик хатарларни одатда З та тоифага бўладилар. Табиий (жисмоний) хатарлар ёнғин, сув тошқини, портлашлар, бўронлар каби табиат ҳодисаларидан ташкил топади. Ижтимоий хатарлар кишиларнинг хулқ-харакатлари билан боғлик бўлиб, ўғрилик иш ташлаш, вандализм, мулкни совуриб ташлаш, кабиларда ифодаланади. Айнан иқтисодий хатарлар

ғавқулодда иқтисодий ҳодисалардан келиб чиқади. Уларга масалан, бозорда рақобатчи янги маҳсулот билан кириб келиши натижасида шу эхтиёжларнинг кондиришга қаратилган эски товар захираларининг кескин арzonлашишини киритиш мумкин.

Мол-мулқдаги йўқотишлиар тўғридан-тўғри йўқотишлиар ва билвосита йўқотишилардан иборат бўлиши мумкин. Биринчисида мол-мулқ жисмонан нобуд бўлади, шикастланади ёки кўлдан бериб қўйилади. Ёнгидан зарар кўрилиши ва бойликлар ёниб кетиши – бу тўғридан-тўғри йўқотиш. Билвосита йўқотишлиар тўғридан-тўғри йўқотишилардан келиб чиқади. Ёниб кетган мулкни тиклангунга қадар ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда камаяди. Фирма мол-мулкни бой берилиши хатарига потенциал тортилганликни ўлчашда барча активлар қиймати баҳолангандан бўлиши лозим. Баҳолашнинг ҳар-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, уларнинг 6 таси энг кенг кўлланилади.

1. Сотиб олиш баҳоси – мулк алоҳида турлари қўлга киритилган иштаги уларнинг пул кўринишидаги баҳоланиши. Умуман олганда, бундай баҳо активларнинг ҳакиқий қийматини уччалик тўғри ифодалай олмайди, чунки унда қийматини уччалик тўғри ифодалай олмайди, чунки унда қийматнинг вактдаги ўзгариши зътиборга олинмаган.

2. Баланс қиймати объектнинг сотиб олиш баҳосидан объект бўйича йигилиб келаётган амортизация ажратмалари суммалари йигиндинини айриб ташлаб аниқланади. Ўзбекистон хўжалик амалиётида жорий ва капитал тиъмирилаш харажатларини зътиборга олмаган ҳолда аниқланади. Бундан ташқари баланс қийматида қийматта вакт омилининг таъсири ҳам хисобга олинмайди.

3. Бозор қиймати – муайян вактда бозордаги талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатига боғлиқ равишда шаклланадиган жорий баҳо. Баъзи активларнинг бозор қиймати якъол ифодалангандан бўлса, масалан жихозлар, баъзи объектлар бозор баҳосини аниқлаб олишда қийинчиликлар мавжуд бўлиши мумкин, масалан, заводнинг яхлит ҳолдаги бозор баҳоси.

4. Мулк солигини хисоблаб чиқиши учун базавий баҳо. Мол-мулкнинг кўп турлари солиқка тортиш мақсадларида давлат томонидан белгиланган тартибда алоҳида равишда баҳоланиши ёки қайта баҳолаб борилиши мумкин. Одатда бу баҳо объектнинг жорий бозор қийматига мувофиқ келмайди. Кўпинча у бозор баҳосидан пастроқ бўлса, баъзи ҳолларда юқори бўлиши ҳам мумкин.

5. Иқтисодий қийматни актив ҳосил қиласидиган пул оқимининг жами қийматининг келтирилган, яъни дисконтланган қиймати сифатида хисоблаб чиқилади. Баъзи активлар учун масалан қимматли қофозлар, уларнинг иқтисодий қиймати бозор қийматига teng бўлади. Бошқа активлар бўйича иқтисодий қиймати бозор қийматига teng бўлади. Чунки корхонани ким бошқаришига боғлиқ равишда ҳосил қилинадиган пул оқимлари кўпроқ ёки камроқ микдорларда ифодаланади. Масалан, зарада ишлаётган ёки тўхтаб қолган давлат корхонаси хусусий мулкдорларга рамзий баҳода (1 долларга) сотилаётганда сотувчи учун корхонанинг иқтисодий қиймати 0 ва ундан ҳам пастроқ, лекин инвестор учун эса бундай эмас. Баъзи активларни баҳолашда, улар тўғридан-тўғри пул ооқимларини ҳосил қилмаса, иқтисодий қийматни аниқлаш мақбул эмас.

6. Тиклаш қиймати. Унинг миқдори баҳолаш пайтида объектни алмаштириш учун қилинадиган харажатлар билан белгиланади. Инфляция шароитларида кўп активларнинг тиклаш қиймати, уларни сотиб олинган баҳоларидан юқорироқ бўлади. Лекин технологик тараққиёт моддий активни пастроқ қийматда алмаштириш имконини бериш мумкин.

Мулкни бой бериш хатаридан хатарни ўзида сақлаган ҳолда ёки хатарни сугурталовчига ўтказиш йўли билан химояланиши мумкин. Ривожланган мамлакатлар хўжалик амалиётидан маълумки, бундай ххатарлар бўйича сугурта полиси ёнғин, бўрон, дўл, портлаш, тартибсизликлар, ҳаво ва транспорт фалокатлари кабилардан йўқотишларни қоплаш учун сотиб олинади. Ёнгидан сугурталашдаги нокулай таизлов

муаммоси туфайли мазкур йўналишлардаги сұғурталаш давлат томонидан кувватлаб турладиган сұғурта агентлари томонидан амалга оширилади.

### **3.5. Масъулият билан боғлиқ йўналишлар хатарига тортилганлик**

Масъулият билан боғлиқ йўналишлар одатда муайян мажбуриятлар бажарилмаслиги натижасида баҳолашиб бўлмайдиган равишда тўлашга тўгри келадиган жарималар кўринишида майдонга чиқади. Корхона фойдаланиш ҳуқукларига мулкчилик ҳуқуқига, жорий операциялар, касбга онд масъулиятларига боғлиқ йўқотишлар хатарига тортилади.

Корхона хўжалик фаолиятида баъзан бошқа юридик ва жисмоний шахсга тегишли бўлган мол-мulkдан фойдаланишга тўғри келади. Бу пайтда мулк обьектига нисбатан турли ҳаракатлар амалга оширилади (масалан, таъмирлаш ёки саклаб туриш каби) ва улардан кейин мулк эгасига кийтарилади. Ҳукукий жиҳатдан бундай битишувлар мулкни фойдаланишга бериш деб, мулкни вактинчалик тасаррuf этувчи субъект эса масъул эгалик килувчи (держатель) деб аталади. Мулкдан вактинчалик фойдаланиш моддий масъулиятта эга шахс (корхона) учун йўқотишларнинг хатарини келтириб чиқаради.

Кўчмас мулк ва кўчар мулкка эгалик қилишнинг ўзи масъулият билан боғлиқ ҳолда хатарни келтириб чиқаради. Мулкни тасодифан зарар етказилиши корхона фаолияти натижаларига таъсир этиши билан биргаликда мулк ҳуқуқинидан келиб чиқадиган потенциал жавобгарликнинг мазмунига мос ҳолда хатарларга сабаб бўлади.

Корхонанинг жорий операцияларига тааллукли масъулият билан боғлиқ йўқотишлар хатари фирма дуч келадиган муҳим хатарлардан бири хисобланади. Аввало, корхонага унинг жорий операциялари учинчи томонга зарар етказетган ноқулайликлар яратилганлиги учун даъво билан чиқишилари мумкин. Масалан, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, шовқин

кабилар корхонага нисбатан фуқаролик даъволарини чиқишиларга олиб келиб, жарималарга сабаб бўлиши мумкин.

Масъулияти билан боғлиқ йўқотишлар хатарларнинг яна бир тури патент ва муаллифлик ҳукуклари бузилиши туфайли вужудга келади. Бу ерда ихтирочиларнинг ҳимояловчи қонунилар бузилиши назарда тутилади. Ривожланган мамлакатлар хўжалик амалиётидан маълумки, бундай тарздаги даъволар, агар улар қондириладиган бўлса, катта микдорлардаги жарималарга ва заарлар қоплаб берилишига олиб келади ва бу жавобгар фирма учун катта хатар бўлиши мумкин. Мисол учун 1988 йилда “Apple Computer” “Microsoft” корпорациясига нисбатан муаллифлик ҳукуклари бузилиши бўйича 5,5 млрд. доллар даъво билан чиқди. “Apple Computer” компанияси “Microsoft” нинг Windows дастурларидан яширин кўчирилган деб исботлашга уринди. 1992 йилда апрел ойидаги “Apple Computer” даъволарининг асосий қисми суд томонидан рад этилди. Суд қарори эълон килинган куннинг эртасига “Microsoft” акцияларининг бозор баҳолари кескин кўтарилиди. Кўриниб турибдик, потенциал масъулият инвесторларнинг жиддий хавотирларига сабаб бўлаётганди.

Фирром амалиётни кўлловчи фирмалар ўз маҳсулотини бошқа фирмаларнинг белгисини кўйиб савдога чиқарувчилар ҳам масъулият билан боғлиқ йўқотишларни хатарига дуч келадилар. Ривожланган мамлакатларда бундай ҳолларда етказилган заарни уч карра микдорда қоплаб беришни талаб қилиб даъво билан чиқадилар.

Товар ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар кўрсатувчи фирмалар сотилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлардаги нуксонлао учун потенциал масъулият муаммосига дуч келадилар. Хатарга бундай тортилганлик маҳсулот учун масъулият деб аталади. Чунончи автомобилсозлар маҳсулотнинг нотўғри конструкцияланиши ёки дизайн билан боғлиқ хатарлар туфайли хатарлар туфайли даъволар бўйича жиддий йўқотишларга дуч келадилар. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг масъулияти бўйича жиддий хатарга АҚШдаги “Кеспе” компанияси фаолиятини мисол келтириш

мумкин. 1972 йилда у 8 млн доллар инвестициялаб изоляцион материаллар шилаб чиқарувчи заводни сотиб олади. Бу маҳсулот таркибида ўша даврдаги технологик хусусиятларга кўра асбест мавжуд эди. Бу борадаги қонунчилик талаблари кучайтирилгач, 1976 йилда компания заводни ёпишга қарор қилиди. Лекин маҳсулот истеъмолчиларининг даъволари бўйича “Кесне” компанияси ва унинг суғурталовчилари 350 млн. доллар тўлашга мажбур бўладилар.

Касб бўйича масъулият хатарига врачлар, хукуқшунослар, архитекторлар, бухгалтер ва аудитор каби мутахассислар дуч келадилар. Умуман олганда, маҳсус таълим олишни такозо этувчи касбларда масъулият хатари мавжуд бўлади. Бу соҳаларда касбий малака етарли эмаслиги қабабли вужудга келадиган сунстество ҳодисалар бўйича судга даъво билан чиқишлари сони ортиб боради ва етказилган заарлар ҳам тобора жиддийроқ суммаларда баҳоланади. Касбий малака паст эканлиги билан боғлиқ Ўқотишларнинг хавфли томони фирма обрўсини тушиб кетиши бўлиб, бу фирманинг ракобатбардошлилигига путур етказади.

Маҳсулот ассортиментини диверсификациялаш хатарларни бошқаришнинг самарали усули хисобланади. Бунда оқилона консерватизм ва янгиликларни жадал жорий этиш билан биргаликда олиб борилади. Бу усулдан йирик компаниялар кенг фойдаланадилар, чунки янги йўналишлари инвестициялар учун салмоқли микдорларда маблағлар талаб этилади.

## **4- боб. Молиявий йўқотишлар хатарини бошқариш**

### **4.1. Фоиз ставкалари ва қайта инвестициялаш ставкаси ўзгаришлари хатари**

Молиявий дастаклардан фойдаланишда ва молия бозорида иштирок этишда йўқотишлар хатари вужудга келади. Чунки мазкур бозор учун баҳолар тебранишлари ва турли иктисадий ҳамда сиёсий омиллар таъсирига берилувчанлик хос бўлади. Йирик инвесторлар молиявий хатарларни камайтириш учун юқори даражада диверсификацияланган қимматли коғозлар ва қарз мажбуриятларини портфелини яратадилар. Бунда қимматли коғозлар ва қарз мажбуриятларини сўндиришнинг турли муддатларига эга бўлади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг катта молиявий қўйилмаларини амалга ошириш имкониятлари чекланган маблағлар биринчи навбатда илаб чиқаришга йўналтирилган бўлади. Айни пайтда, вақтингча бўш маблағларни молия бозорига йўналтириш корхонага қўшимча даромад келтирса, қарз маблағларидан фойдаланиш капитал самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этиши мумкин. Молиявий йўқотишлар хатарини бошқариш нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши лозим.

#### **1. Фоиз ставкалари ва қайта инвестициялаш ставкаси ўзгаришлари хатари.**

Фоиз ставкаси хатари корхона эмитент сифатида ўз қарз қимматли коғозини муомалага чиқарганда вужудга келиши мумкин. Гап шундаки, масалан, корхона облигацияси бўйича номинал фоиз ставкаси бозор ставкасига teng бўлганда облигация номинал қийматга teng сотилади. Бозор фоиз ставкаси облигация номинал қийматидан паст бўлганда облигация паст баҳода сотилади. Бозор фоиз ставкаси облигация номинал фоиз ставксидан паст бўлганда облигация номинал қийматидан юқори баҳода сотилади. Шунинг учун бозор фоиз ставкалари ошиши корхона облигацияларининг

сотилиш баҳоси арzonлашувига ва корхона учун молиявий йўқотишларга олиб келади.

Корхона молия бозорида инвестор ролида майдонга чикқанда қайта инвестициялаш ставкаси хатари вужудга келиши мумкин. Қайд этиш лозимки, хатар бирламчи инвестиция миқдорига таалуқли эмас, чунки у бўйича фоизлар одатта шартномада белгилаб кўйилган. Бирламчи инвестициядан келадиган даромад инвестицияни янада кўпайтиришга йўналтирилади ва буни қайта инвестициялаш ёки реинвестиция деб аталади. Қайта инвестициялаш пайтига келиб фоиз ставкаларидаги ўзгаришлар юз бериши мумкинлиги корхона учун йўқотишларга сабаб бўлиши мумкин, яъни олдиндан режалаштирилган даражада даромад олинмайди.

Мисол кўриб чиқамиз. Корхона ўз ишчисига 10 йилдан сўнг 10000 минг сўм миқдорида бир марталик пенсия тўлаш мажбуриятини олади. Мазкур суммани кафолатлаб кўйиш учун корхона 10 йилдан сўнг сўндириладиган узоқ муддатли давлат облигациясини 4224 сўмга сотиб олади ( $10 \text{ минг сўмни } 10 \text{ йил муддат ва } 9 \text{ фоиз бўйича дисконтланса } 4224 \text{ сўмга тенг бўлади } 10000 \times 0,4224 = 4224 \text{ сўм}$ ). Бошқача қилиб айтганда, дастлабки инвестицияланган 4224 сўм унга ҳисобланадиган йиллик фоизлар ҳам капиталлаштириб борилганда 10 йилдан сўнг 10 минг сўмга айланади. Фараз киламиз, давлат облигацияси сотиб олингандан сўнг фоиз ставкаси 9 фоиздан 7 фоизга туширилди. Дастлабки инвестиция бўйича фоиз ставкаси ўз кучида қолади ва йилига 380,16 сўм капиталлаштириб борилишида 7 фоизли ставка бўйича даромад ҳисобланади ва бу 5252 сўмни ташкил этади ( $380,16 \times 13,816 = 5252 \text{ сўм, аннуитетнинг келгуси қиймати}$ ).

Облигация сўндирилишида корхонага келиб тушадиган сумма эса 10 минг сўм ўрнига  $5224+4224=9424$ . Корхона 10 минг сўмлик ўз мажбуриятини бажариш учун қўшимча маблағ ажратиши лозим.

Мисол тушунарли бўлиши учун қўйидагиларни алоҳида қайд этиш лозим. Маълумки, ўзгармас миқдорда муитазам равишда такрорланадиган нул оқимлари (даромадлар ёки харажатлар) анниутет деб аталади. Шунинг

учун 380,16 сўм ўн йиллик аниутет бўлиб, унинг келтирилган жорий қиймати (дисконтланган жорий қиймат)  $\sum_{t=1}^n (1+k)^{n-t}$  ёки  $\frac{(1+k)^n - 1}{k}$  формула билан аниқланади. 10 йиллик аниутетнинг 9 фоизлик ставкада 4224 сўм инвестициянинг 10 йилдан кейинги келажак қиймати куйидагича аниқланади:  $4224 + 4224 \times 0,09 \times 15,93 = 4224 + 5776 = 10000$  сўм. 7 фоизлийк ставка қўлланилганда эса, 4224 сўм инвестициянинг 10 йилдан кейинги келажак қиймати :

$$4224 + 4224 \times 0,07 \times 13,816 = 4224 + 5252 = 9476 \text{ сўм.}$$

Агар 4224 сўмга 40 йил муддатга эга 9 фоиз ставкали облигация сотиб олиниб, сотиб олинган заҳоти ставка 7 фоизга тушиб кетса ахвол ўзгаради. 10 йил муддатнинг охирида капиталлашган фоизлар суммаси ўзгармайди 5252 сўмлигича қолади. Лекин 4224 сўмлик дастлабки инвестициянинг келтирилган жорий қиймати унинг номинал қийматидан фарқланади ва куйидагича ҳисоблаб чиқлади:

Дастлабки инвестициянинг келтирилган қиймати	A+ Инвестициядан даромадни ифодаловчи аниутетнинг = келтирилган жорий қиймати
--	---

$$= 4224 \times 0,1314 + 4224 \times 0,07 \times 12,409 = 555,0 + 4717 = 5267 \text{ сўм.}$$

10 йиллик капиталлашган фоиз даромадлар ва 40 йилга мўлжалланган дастлабки инвестициянинг 10 йилдан кейинги келтирилган жорий қийматининг йигиндиси инвестициянинг умумий қийматини ифодалайди:  $5252 + 6267 = 10519$  сўм.

Демак, 40 йиллик облигация сотиб олинган ҳолда корхона фоиз ставка 9 дан 7 га пасайганда ҳам 10 йилдан сўнг қўшимча капиталга эга бўлади.

Корхона 4224 сўмни 9 фоизли 10 йиллик муддатли облигацияни сотиб олди. Сотиб олингандан кейин фоиз ставкаси 12 фоизгача кўтарилди. Бу ҳолда облагациялар портфели қиймати 10 йилликнинг охирида куйидагича

бўлади:  $0,09 \times 4224 \times 17,549 + 4224 = 6671 + 4224 = 10895$  сўм. Корхона кўшимча капиталга эга бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, корхонанинг келажакда пулда тўланадиган мажбуриятлари турлари кўп бўлганда, фоиз ставкаси ўзгаришларини хисоблаб чиқиш мураккаблашади.

Қайта инвестициялаш ставкаси пасайиши хатаридан ҳимояланиш учун ноль купонли узоқ муддатли облигация сотиб олиниши мумкин. Бунда сўндириш муддати келганда облигациянинг номинал қийматини тўлаб беради ва шу муддатга қадар ҳеч қандай фоизлар хисобланмайди ва тўланмайди. Облигацияларнинг жорий баҳоси унинг дисконтланган жорий қийматидан иборат бўлади. Бу ҳолда қайта инвестициялаш ставкасидаги ўзгаришлари хатаридан йўқотишлар тўла равишда облигация эмитентининг зиммасида бўлади.

#### 4.2. Фьючерслар ва фьючерс битимлар бозорлари

Ставкалар ўзгаришларидан хатарлардан йўқотишларни пасайтириш виситаларидан бири фьючерс бозорларидаги хежлаштириш опрецияларидир (hedging). Молиявий ва моддий активлар бўйича битимиларнинг кўпчилиги (spot) бозор деб аталадиган бозорда амалга оширилиб, бунлда операциялар накл ҳолда мавжуд товарларга тааллукли ва улар дарҳол ёки бир неча кун ичидаги етказиб берилади. Фьючерслар ёки фьючерс битимлар эса молиявий ёки моддий активларнинг келажакдаги муайян санада сотилиши ёки сотиб олинишини, лекин битим тузилган пайтда қайд этилган баҳода сотилиши ёки сотиб олинишини назарда тутади.

Фьючерс битимлари сотиб олинганда харидордар битимнинг бутун суммаси тўлаб берилиши талаб килинмайди. Харидор битимнинг бўжарилишини таъминлаш мажбуриятининг гарови сифатида муайян суммани ўтказиб беради. Бу сумма бошланғич маржа (initial margin) деб аталлади. АҚШ даги қимматли қоғозлар бозорида узоқ муддатли хазин

облигациялари бўйича битимларда 100000 долларлик битимда 3000 долларни ташкил этади. Битимнинг бозор қиймати ўзгариши ҳар куни кузатилади. Бозоор қиймати пасайса, харидор гаровга қўшимча сумма киритиши керак. Киритилган суммаларни харидор битимни сотиб юбориб қоплади. Демак, харидор битимни сотиб олиш баҳосидан 3000 доллар ортиқроқ баҳода сотсагина фойда олади.

Фьючерс битимлар товарлар бўйича ҳам тузилади. Улар баъзида маҳсулот утказиб бериш якунлансада, кўпроқ битимни сотишини маъқул кўрадилар ёки битим бекор қилиниши ҳам мумкин. Товар етказиб берувчи томон фьючерс битими эгасига битим бекор қилиниши учун муайян суммани тўлайди.

Фьючерс битимлари товарнинг олдиндан белгиланган санада одиндан белгиланган баҳода сотилиши (ёки сотиб олиниши) мажбурийлитини билдиради ва битимни ижро этишдан бош тортиш мумкин эмас. Опцион эса битимда кўрсатилган товарни аввалдан қайд этилган баҳода сотиш ёки сотиб олиш хукукини беради ҳамда опцион эгаси битимни ижро этмаслик хукукига эга. Опционлар кўпроқ акция савдоларида кўлланилади.

#### **4.3. Қимматли қоғозлар баҳолари ўзгаришлари хатаридан йўқотишлар**

Фьючерслар бозорида чайқовчилик мақсадларида ҳам (спекуляция), хежлаш мақсадларида иштирок этадилар. Чайқовчиликдан мақсад баҳолардаги тафовут ҳисобидан фойдаланиш бўлса, хеджлаш баҳолар ўзгаришлари туфайли вужудга келадиган йўқотишлардан ҳимояланишдир. Фьючерс битимининг бир томонида спекулянт, иккинчи томонида эса хеджловчи туриши одатий ҳол ҳисобланади. Чайқовчилик ҳисобига бозорнинг кенгайиши хежлаш имкониятларини ҳам кенгайтиради ва шу маънода чайқовчилар иқтисодиётдаги хатарлар пасайишига кўмаклашадилар.

**Хежлашнинг икки асосий кўриниши мавжуд:**

1) Узун хеж (long hedj) бунда фьючерс битими баҳо ўсиши кутилаётганилиги учун сотиб олинади ва 2) қисқа хедж (inhort hedj), бунда баҳо пасайишида ҳимояланиш максадида фьючерс битими сотилади. Фонд ставкалари юқорилашуви облигациялар баҳосини пасайтиради, натижада облигациялар бўйича фьючерс битимлари баҳоси пасайяди. Агар корхона фоиз ставкалари юқорилашувидан ҳимояланмоқчи бўлса, фоиз ставкалри ошиши билан даромад келтирадиган фьючерс битими тузилиши лозим. Масалан, корхона капитал қўйилмаларни молиялаш учун 10 фоиз ставкалаи облигациялар чикармокчи, облигацияларни сотиш 4 ойдан кейин амалга оширилади. Бу вакт ичидаги фоиз ставкаси ошиб кетиши мумкин ва натижада инвестицион лойиҳа ижобий NPV га эга бўлмай қолади.

Корхона мазкур ҳолда фьючерс бозорида хеджлаш йўли билан ўзини фоиз ставкасини ўзгариши салбий таъсиридан ҳимояланиши мумкин. Бунинг учун қисқа хеджлаш зарур. Корхона май ойида 10 млн. сўмлик узоқ муддатли ҳазина мажбуриятларини сотиб олади (10 фоиз купонли) ва уларни сентябрда фоиз ставкаси 10 фоизга қадар ошганда ҳам фьючерс шартномасидаги нарх ўз кучида қолади. Бозор баҳоси билан сотиш ўртасидаги тафовут корхонани ўз облигациялари 4 ой кечроқ сотилиши туфайли содир бўлаётган йўқотишдан ҳимоялайди. Ҳазина облигацияларининг доимо ликвид характерлиги улани ҳоҳлаган пайтда пулга айлантириш имконини беради ва шу нуқтаи назардан комиссион тўловлар билан боғлиқ харажатлар ўхтимолий йўқотишлар билан таққослагандага унча катта эмас.

Корхона ўз облигацияларини сотиш бўйича ҳам фьючерс битимлари тузилиши мумкин. Бу идеал хедж деб аталади ва фьючерс битим бўйича ютуқ фоиз ставка йўқотишини тўла қоплайди. Фьючерслар ва опционлар бозорлари молиявий битимлари молиявий битимларнинг вакт бўйича мослашувчанлигини таъминлаб, қисман бўлсада бозордаги ўзгаришлардан ҳимоялайди. Айни пайтда, уларни амалга ошириш харажатлар мавжуд бўлиб, ўз ичига воситачилик тўловлари ва маржани тўлаб бериш бўйича муқобил харажатларни олади.

Молиявий хатарларни пасайтиришнинг яна бир усули “своп” (swop) операциялари дидир. Бу операциялар икки томон ўртасида накд тўловлар бўйича мажбуриятларнинг айирбошланиши бўлиб, унда томонлар ўзларининг тўлов мажбуриятларини нарига томоннинг ўзлари учун тўлов воситаси ёки тўлов тартиби бўйича кулайрок бўлган мажбуриятга айирбошлайдилар. Одатда бир томон қайд этилган ставкали мажбуриятга эга бўлади ёки ҳар икки томоннинг мажбуриятлари бошқа бошқа валюталарда бажарилиши лозим бўлади. Бундай операциялар дастлаб валюта своплари кўринишида бўлган, яъни иккита фирма ўзларининг икки турли валюталарида ифодаланган тенг суммаларда мажбуриятларни айирбошлаганлар. Свопни кўпинча банк ташкил этган.

Валюта свопига қўшима равишда бошқа своплар ҳам мавжуд: 1) фоиз свопи (қайд этилган фоиз ставкаси ўзгариб турувчи фоиз ставкасига айирбошланади); 2) базис ставкалари бўйича своп (базис ставкалари айирбошланади); 3) вақт бўйича своп (тўловларнинг муддатлари айирбошланади).

## **V боб. Молиявий активлар ва уларни даромадлилиги билан боғлиқ хатарлар**

### **5.1. Молиявий активлар бўйича даромадлар ва хатарларнинг ўзаро боғликлари**

Маълумки, молиявий активлар ўзининг иқтисодий моҳияти бўйича корхона маблағларининг корхонадан ва корхонанинг бевосита тасарруфидан ташқарида кўлланишидир. Молиявий активлар хилма-хил кўринишларга эга бўлса, уларнинг хусусиятларини ўзида энг кўп жамланган икки тури: акциялар ва облигациялар борасида сўз юритамиз. Молиявий активлар қиска муддатли ва узоқ муддатли турларга бўлинсада, қисқа муддатли молиявий активлар активларнинг бошқа турларига нисбатан тез айланганлиги туфайли уларнинг реал қиймати бой берилиши эҳтимоли жуда паст бўлади. Шунинг учун одатда хатар категорияси асосан узоқ муддатли молиявий активларга нисбатан кўлланилади.

Узоқ муддатли активларга нисбатан иқтисодий хатар эҳтимолий йўқотиши сифатида асосан қуидагиларда ифодаланади:

- а) молиявий активни кўлга киритишида мўлжалланган мақсадларга эришилмаслиги мумкинлиги (масалан, акциялар пакети эмитент фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида сотиб олинади;
- б) молиявий қўйилмадан кўзланган иқтисодий самара вужудга келиши ноаниклиги;
- в) кўзланган ёки прогнозланган натижага берилган баҳо субъективлиги (нотўғри чикиб қолиши);

Умуман олганда молиявий активга нисбатан кўлланганда хатар актив қийматнинг бой берилиши ёки даромаднинг пасайиб кетиши ёки олинмаслиги эҳтимоли сифатида ифодаланади. Молиявий активнинг бозор қиймати унинг даромадлилик ўзгаришлари орқали ифодалаш мумкин. Айни нийтда, бу активнинг қиймати бой берилиши эҳтимолини бекор қилмайди. Одатда бозор қиймати бой берилиши эҳтимоли юқорироқ молиявий активдан

юкорирок даромадни кутадилар. Давлат қимматли қоғозлар бўйича уларнинг қиймати бой берилиши эҳтимоли бўйича хатар жуда паст, даромад барқарор бўлганлиги даромадлилик даражаси нодавлат қимматли қоғозларга нисбатан пастрок бўлиши мумкин. Компанияларнинг оддий акциялари учун эса хатар даражаси бирмунча юкори бўлиб, бу улар бўйича даромадлар тебраниб туришидан ва корхонанинг молиявий-иктисодий аҳволи ўзгариши эҳтимолидан келиб чиқади.

Маълумки, молиявий актив (акция) келтирадиган даромад икки таркибий қисмлан иборат: олинадиган диведенд ва акция бозор қиймати ортишидан келадиган даромад. Дивиденdlар 1 дона акцияга эълон қилинади. Акциялар келтирадиган даромад акциялар пакетига тўғри келаётган дивиденdlар суммасида ифодаланади. Бу мутлақ кўрсаткич. Акцияларнинг даромадлилиги эса уларнинг номинал қийматига ёки бозор қийматига нисбатан аниқланиши мумкин. Албатта иккинчи кўрсаткич ҳаққонийроқ бўлади. Корхона бошқа эмитентнинг номинал қиймати 1000 сўмдан 100 дона акцияларнинг 1500 сўмдан сотиб олган бўлса, молиявий активнинг дастлабки қиймати 150 минг сўм бўлади. Мазкур акцияларнинг 1 донасига 1 йилдан 1600 сўм бўлиб қолди. Бу ҳолда акциялар пакетидан даромад акциялар қимматлашувидан 100 дона  $x(1600-1500)=$  10 минг сўм ва олинадиган дивиденdlардан 100 дона  $x 80$  сўм = 8 минг сўмдан иборат бўлиб, жами даромад 18 минг сўмни ташкил этади. Молиявий қўйилманинг даромадлилиги эса  $18000:16000=12,5\%$ га teng бўлади.

Молиявий қўйилмаларни амалга оширишда хатар даражаси доимо эътиборга олинади. Одатда даромадлилик ва хатар бир хил йўналишда, бир-бирига пропорционал ўзгаради: юкори даромадлиликка юкори хатар хос бўлади. Хатар эҳтимолий характердаги жараён бўлганлиги учун унинг микдорий ўлчами узил-кесил ва қатъий бўлиши мумкин эмас. Молиявий активга хос хатарни баҳолашга ҳам фақат бир томонлама ёндашиб мақсадга мувофиқ эмас. Молиявий активларнинг хатарини аниқлаш ва тавсифлаш, хатарларни баҳолаш нуқтаи назаридан ҳам, бу активларни бошқариш

стратегияси ва тактикаси нүктәи назаридан ҳам күплаб жиҳатларига эга. Шундай бўлсада, хатар миқдор жиҳатидан даромаднинг ёки даромадлиликнинг ўзгарувчанлигини ўлчовчи бирон-бир кўрсаткич сифатида ифодаланиши мумкин. Математик статистикада бундай мақсадлар учун қатор статистик коэффициентлар қўлланилади: вариация кенглиги, дисперсия, ўртача квадратик четланиш (стандарт четланиш) ва вариация коэффициенти.

Бу коэффициентлар ҳақида тегишли маълумотлар математик статистика бўйича ўкув қўлланмаларида баён этилган бўлсада, уларни яна бир бор эслатиб ўтамиш.

Статистик миқдорлар қаторини кўриб чиқамиз (улар абсолют ёки нисбий миқдорларда бўлиши мумкин):

$$x_1, x_2, \dots, x_n. \quad (5.1)$$

Қатордаги энг катта ва энг кичик миқдорлар ўртасидаги тафовут варианция кенглиги деб аталади:

$$R = x_{\max} - x_{\min}. \quad (5.2)$$

Мазкур кўрсаткич ўрганилаётган миқдорларининг ўзгаришларини энг соддалаштирилган ҳолда тавсифлаб бермоқда. У мутлақ кўрсаткич сифатида намоён бўлаётганлиги учун ундан таққослаш таҳлилида фойдаланиш имкониятлари чекланган. Шунингдек, бу кўрсаткич тартиблаштирилган қаторнинг бошланиши ва охирида турувчи миқдорларгагина боғлиқ.

Дисперсия ўрганилаётган белгининг ҳар бир миқдорининг унинг ўртача миқдоридан айримаси квадратларининг ўртача миқдори сифатида аниқланади:

$$V_{ax} = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n (x_j - \bar{x})^2, \text{ бу ерда } \bar{x} = \frac{1}{n} \times \sum_{j=1}^n x_j. \quad (5.3)$$

Ўртача квадратик четланиш қуйидагича аниқланади:  $S = \sqrt{V_{ax}} \quad (5.4)$

Аниқланиш формулалари көлтирилган күрсаткичлар үрганилаёттан микдорлар қаторидаги абсолют микдорларга бөглиқ шакланади ва шунинг учун абсолют күрсаткич характеристига эга. Натижада турли қаторлар бүйича уларни таққослаш кийинлашади. Шунинг учун вариация коэффициенти деб аталаған күрсаткич ҳисоблаб чиқилади:

$$CV = \frac{\sigma}{\bar{x}} \times 100\%. \quad (5.5)$$

Қайд этилганидек, молиявий активларга хос хатарни баҳолашда хатар күрсаткичи микдори даромаднинг ёки даромадлиликни үзгарувланлиги бүйича ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Даромад мутлақ микдорлар билан ифодалангани туфайли турли молиявий активларни таққослама таҳлил қилипда молиявий актив бүйича операциялар натижадорлигини ифодаловчи базис күрсаткич сифатида даромадлилик олинади. Бозор қыйматлари турлича бўлган турли акцияларга маблаглар йўналтириб абсолют микдорлар турлича бўлган даромадлар олиш мумкин, аммо даромадлиликка солинган маблагнинг абсолют микдори таъсир этмайди ва бу күрсаткични макон ва замон кесимида таққослаш мумкин бўлади.

Юкоридаги күрсаткичлар кузатилган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилган бўлиб, ретроспектив үрганиш маҳсулидир. Молия бозорида иш олиб боришда эса перспектив таҳлил юкорироқ аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳисоблаб чиқилган күрсаткичларнинг келажаги учун сақланиши ёки үзгариши эҳтимолини баҳолаш лозим бўлади. Бундан ташқари хатарлар ва даромадлилик таҳлили алоҳида актив бүйича ва активлар тўплами (инвестицион портфел) бўйича олиб борилиши мумкин.

Акциялар сотиб олишга молиявий кўйилмалар килишда хатарларни баҳолашда дисперсия ва ўртача квадратик четланиш күрсаткичлари асосий күрсаткичлар сифатида хизмат қиласи. Айниқса, уларни ҳисоблаб чмқишида базис күрсаткич сифатида даромадлилик олинса хатар даражаси динамикада ҳам, турли активлар бўйича ҳам таққослаш мумкин бўлади.

Юқоридаги күрсаткичлар кузатилған маълумотлар асосида хисоблаб чиқылған бўлиб, ретроспектив ўрганиш маҳсулидир. Молия бозорида иш олиб боришда эса перспектив таҳлил юқорироқ аҳамият касб этади. Шунинг учун хисоблаб чиқылған күрсаткичларнинг келажак учун сақланиши ёки ўзгариши эҳтимолининг келажак учун сақланиши ёки ўзгариши эҳтимолини баҳолаш лозим бўлади. Бундан ташқари хатарлар ва даромадлилик таҳлили алоҳида актив бўйича ва активлар тўплами бўйича (инвестицион портфел) бўйича олиб борилиши мумкин.

Алоҳида олинган молиявий актив бўйича хатар таҳлили юқоридаги күрсаткичларга таянган ҳолда олиб борилади. Бунда кўриб чиқилаётган күрсаткичларнинг кутилаётган ўлчамлари ҳақида ҳам маълумотлар аҳамиятга эга. Масалан, инвестор хатарни баҳолашда қандай күрсаткичларга таяниб иш кўришидан қатъий назар у активнинг кутилаётган даромадлиигини етарли даражада тўғри баҳолай олиши керак. Бунинг учун кўпинча уч хил баҳолашдан фойдаланадилар: пессимистик баҳо, эҳтимоли энг юқори баҳо, оптимилик баҳо. Баҳолаш вариантларини кўпайтириш мумкин, лекин ҳар бир вариантнинг юзага чиқиш эҳтимоли камайди.

Агар баҳолашнинг пессимистик ( $K_p$ ) энг эҳтимолли ( $K_{ml}$ ) ва оптимилик ( $K_o$ ) вариантлари билан кифояланса, активга хос хатарнинг энг умумий ўлчови бўлиб кутилаётган даромаднинг вариация кенглиги хизмат қилиши мумкин:

$$R = K_o - K_p. \quad (5.6)$$

Шартли мисол кўриб чиқамиз корхона куйидаги тавсифларга эга бўлган иккита муқобил молиявий активлардан бирини танлаши лозим:

Күрсаткичлар	A вариант	B вариант
Қимматли қофознинг баҳоси, сўм	6	9
Даромадлилиги (эксперт баҳоланиши), % :		
а) пессимистик	15	12
б) энг эҳтимолли	17	17
в) оптимилик	19	22
Даромадлиликнинг вариация кенглиги, %	4	10

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, ҳар иккала молиявий активнинг энг эҳтимолли даромадлилиги бир хилда. Бирок, В вариант А вариантга нисбатан 2,5 марта хатар даражаси юқорироқ деб ҳисобланиши мумкин (даромадлиликнинг вариация кенглиги бўйича). Лекин бошқа кўрсаткич бўйича кўриб чиқилса, хатар даражаси бошқачароқ баҳога эга бўлиши мумкин. Чунончи хатар даражасини даромадлиликнинг ўртача даражасидан стандарт четланиши ва вариация коэффициентини даромадлили вариантларини юзага чикиши эҳтимолларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш орқали баҳолаш мумкин. Бу қўйидагича бажарилади:

а) энг эҳтимолли даромадлилик ҳисоблаб чиқилади

$$K_{ml} = \sum_{i=1}^n K_i P_i \quad (5.7)$$

б) стандарт четланиш ҳисоблаб чиқилади

$$\sigma = \sqrt{\sum_i (K_i - K_{ml})^2} \times P_i \quad (5.8)$$

в) вариация коэффициенти ҳисоблаб чиқилади

$$CV = \frac{\sigma}{K_{ml}} \quad (5.9)$$

Юқорида келтирилган мисол учун бу кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқамиз. Энг эҳтимолли даромадлилик эҳтимоли 60% деб, пессимистик ва оптимистик даромадлиликлар эҳтимоллари 20%дан деб оламиз.

А вариант:

$$K_{ml} = 0,60 \times 0,17 + 0,70 \times 0,17 + 0,50 \times 0,17 + 0,40 \times 0,17 = 0,52$$

$$\sigma = \sqrt{(0,60 - 0,52)^2 \times 0,17 + (0,70 - 0,52)^2 \times 0,17 + (0,50 - 0,52)^2 \times 0,17 + (0,40 - 0,52)^2 \times 0,17} = 0,074$$

$$CV = \frac{0,074}{0,52} = 0,142 \text{ ёки } 14,2\%$$

В вариант:



$$K_{ml} = 0,20 \times 0,17 + 0,10 \times 0,17 + 0,30 \times 0,17 + 0,40 \times 0,17 = 0,26$$

$$\sigma = \sqrt{(0,20 - 0,26)^2 \times 0,17 + (0,10 - 0,26)^2 \times 0,17 + (0,30 - 0,26)^2 \times 0,17 + (0,40 - 0,26)^2 \times 0,17} = 0,186$$

$$CV = \frac{0,186}{0,26} = 0,715 \text{ ёки } 71,5\%$$

Юкоридаги хисоб китоблар кўрсатмоқдаки В вариант А варианта нисбатан хатарнинг юкорироқ даражасига эга. Лекин В вариант 2 марта хатарлироқ дейиш түғри бўлмайди. Чунки эҳтимолликни эътиборга олиб аникланган кўрсаткичлар бўйича тафовутлар бунчалик даражада катта эмас.

Даромадлилик даражаси миқдорларининг эҳтимоллиги бўйича тақсимланишини графикларда кўрсатиш мумкин.



Графиклардан кўриниб турибдики, дискрет миқдорлардан иборат бўлган даромадлилик даражаларининг эҳтимоллиги даражаси бўйича тақсимланиши В актив бўйича А активга нисбатан анча тарқоқ хусусиятга эга эканлиги у бўйича хатар даражаси юқори эканлигини кўрсатмоқда. Агар даромадлилик даражаси эҳтимоллиги бўйича узлуксиз миқдорлардан иборат бўлиб нормал тақсимланишга буйсунгай ҳолларда тақсимланиши графиклари қуидагича тус олар эди.



Графикдан кўриишиб турибдики В активга мос келадиган тақсимланиш зичлиги эгри чизигини ордината ўқи бўйича чўзикроқ характерга эга ва бу унинг хатар даражаси юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Активга хос хатарни вакт бўйича татқиқ этиш мумкин. Бунда режалаштириш қамраб олинаётган муддат канчалик узоқ бўлса даромадлилик вариацияси кенглигини олдиндан тахмин қилиш шунчалик қийин бўлади. Умуман олганда режалаштириш қамраб оладиган давр узайганда вариация ортади, бу эса талаб этиладиган даромадлилик даражаси юқорироқ бўлиши зарурлигидан келиб чиқади. Демак активга хос хатар замон кесимида ортиб боради, яъни айтиш мумкинки, молиявий актив канчалик узоқ муддатли бўлса, унинг учун шунчалик даражада таваккалчилик хос ва даромадлилик вариацияси ҳам катта бўлади. Айнан шунинг учун акциялар ва облигацияларни таққосласак, акцияларга даромадлиликнинг юқорироқ вариацияси хос.

## 5.2. Инвестицион портфелга оид хатар

Молиявий активларга маблағлар инвестиция қилинишида аввало мазкур активларга хос бўлган хатар ва шундан сўнг улардан кутилаётган даромадни эътиборга олинади. Кутилаётган даромад кутилаётган хатарни қоплаш учун етарли бўлиши лозим. Шунингдек кўпинча инвестор алоҳида битта молиявий актив билан эмас, балки уларнинг тўплами билан, яъни инвестициялар портфели билан иш олиб боради. Муайян активнинг хатарини кўриб чикишда уни инвестициялар портфелидаги бошқа активлардан ажralган ҳолда ёки портфелнинг ажralмас қисми сифатида олиб қарашиб мумкин. Икки хил ёндашув кўпинча активнинг хатар даражаси ва унга доир операциялар ўтказиш мақсадга мувофиқлиги борасида жиддий фаркланувчи хуносаларга олиб келади. Ҳатто алоҳида олинганда хатар даражаси юқори актив портфел доирасида ёки бошқа активлар билан биргаликда олинганда амалда хатарсиз бўлиб қолиши мумкин. Назарий жиҳатдан ҳар бир юқори

хатар даражасига эга бўлган иккита активни ягона портфелга бирлаштириб бутунлай хатарсиз портфелни шакллантириш мумкин. Умуман олганда, одатда, портфелга киритилаётгна активлар сони ортиши билан портфелнинг хатар даражаси пасайиб бориши кузатилади.

Активнинг хатари доимий микдор эмас ва актив қайси жиҳатдан таҳлил этилаётганилигига ҳам боғлиқ бўлади, яъни алоҳида актив сифатида ўрганишдаги хатар даражасидан, активни портфелнинг ажралмас қисми сифатида ўрганилгандаги хатар даражаси бошкacha бўлб қолади. Биринчи ҳолда активнинг умумий хатари аҳамиятли (уни кутилаётган даромадлиликнинг дисперсияси билан ўлчаш мумкин). Иккинчи ҳолда портфелга тааллуқли хатарда мазкур активнинг хатари умумий аҳамиятга эга бўлади. Улар бир-биридан фарқланади. Масалан, молиявий акти хатарнинг ўлчами сифатида даромадлиликнинг ўртача квадратик четланиши танлаб олинган ва унинг критик микдори белгиланган. Агар актив алоҳида актив сифатида қаралаётган бўлса, активга маблағлар инвестиция қилинмаслиги керак (якка маҳсулотли портфель). Лекин, ушбу актив мавжуд портфелга киритиш учун ўрганилаётган бўлса ва янги портфелга хос даромадлилик (хатар комбинациялари талабларга мувофиқ келса, активга маблағлар инвестиция қилиниши мумкин, яъни унинг хатари мақбул даражада деб кабул қилинади).

Портфелни ва унга кирувчи активлар билан операцияларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашда яхлит ҳолда портфелнинг даромадлиларни ва хатари кўрсаткичларидан фойдаланиш лозим. Шунинг учун портфель нюкибини ва ҳажмини ўзгартирувчи операцияларни ўтказишда портфелнинг кутилаётган даромадлилиги ва шунга мувофиқ келувчи хатар хақида мулоҳаза юритилади. Бунда портфелнинг даромадлилари ( $K_p$ ) унга кирувчи активлар даромадлилиги кўрсаткичларининг чизикли функцияси деб олинади. Кутилаётган даромадлилик бўйича ҳам, ҳақиқатдаги даромадлилик бўйича ҳам у ўртача арифметик тортилган микдор формуласига биноан ҳисоблаб чиқилади:

$$K_p = \sum_{i=1}^n K_i d_i \quad (5.10)$$

бу ерда  $K_i$  – i-активнинг даромадлилиги;

$d_i$  – i-активнинг портфелдаги улуси;

n – портфелдаги активлар сони

Портфель бўйича хатар ҳам портфелнинг даромадлилиги вариацияси билан ўлчанади. Хатарнинг ўлчовлари даромадлилик билан эгри чизиқли боғланганлиги учун портфель хатари билан унга кирувчи активларнинг хатарлари ўртасидаги боғланиш мураккаброқ характерда ва ўртача арифметик микдор формуласи билан тавсифлана олмайди. Статистика умумий назарияси фанидан маълумки, кўп ўлчамли ҳолларда портфелдаги активлар даромадлилиги миқдорларининг ўзаро боғлиқлигини коварация кўрсаткичи ва корреляция коэффициенти ёрдамида хисобга олиш лозим. Агар хатар ўлчови сифатида ўртача квадратик четланиш танлаб олинган бўлса, унинг активларини ўз ичига олган портфель учун миқдори қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\sigma_p = \sqrt{d_1^2 \times \sigma_1^2 + d_2^2 \times \sigma_2^2 + \dots + d_n^2 \times \sigma_n^2 + 2d_1 \times d_2 \times \rho_{12} \times \sigma_1 \times \sigma_2 + \dots + 2d_1 \times d_n \times \rho_{1n} \times \sigma_1 \times \sigma_n}, \quad (5.11)$$

Бу ерда  $d_i$ -i-активнинг портфелдаги улуси

$\sigma_i$  – i – активнинг даромадлилиги ўртача квадратик четланиши;

$R_{ij}$  – i ва j активлар кутилаётган даромадлилиги ўртасидаги корреляция коэффициенти.

Иккита активдан иборат портфель учун формула соддалашади:

$$\sigma_p = \sqrt{d_1^2 \times \sigma_1^2 + d_2^2 \times \sigma_2^2 - 2d_1 \times d_2 \times \rho_{12} \times \sigma_1 \times \sigma_2}, \quad (5.12)$$

Кимматли қоғозлар портфели эгаси бутун портфелнинг ўртача даромадлигини юқори бўлишидан манфаатдор. Шу билан бирга алоҳида активни ҳам баҳолаб бориш зарур. Чунки баъзи ҳолларда портфелда факат битта актив бўлиши мумкин. Бу ҳолда юкоридаги формулалардан фойдаланиш ва уларни талқин этиш мумкин.

Кўп активли портфелга ўтилганда масала муракаблашади. Бу ҳолда катор назарий ва ҳисоб-китобларга оид муаммолар пайдо бўлади. Портфелнинг энг юкори ва мақбул даромадлилигини таъминлаш учун энг даромадли активларни танлаб олиниши етарли бўлмаслиги мумкин. Чунки бундай ҳолларда портфелнинг хатари ортиб кетадиган бўлса, даромадлилик ўзини оқламайди. Портфель хатарини камайтириш учун портфелда активларни оптимал улушларда жамлаш лозим. Даромадлилик ўзгаришлари макон ва замон содир бўлади.

Шунинг учун портфелда тасодифан танлаб олинган иккита активнинг даромадлилиги тенденциялари турлича йўналишларда бўлиши мумкин. Шундай фойдаланган ҳолда, масалан, портфел даромадлилигини сақлаган ҳолда унинг хатарини камайтиришга эришилиши мумкин. Бундан ташқари, ўрганилаётган кўрсаткичларнинг кутилаётган микдорлари жуда хилма-хил бўлиши мумкинлиги портфел таркибида активларнинг турлари кўплиги шароитида ҳисоб-китоб амалларини бажаришни жуда муракаблаштиради.

Шартли мисол кўриб чиқамиз. А, В ва С молиявий дастаклар мавжуд. Корхона улар бўйича икки стратегиядан бирини танлаши мумкин: а) молиявий дастаклардан фақат биттасидан фойдаланиш; б) ҳар бир актив 50% дан улушга эга бўлган портфель тузиш. Активлар бўйича маълумотлар жадвалда келтирилган.

Стандарт четланиш  $S = \sqrt{\sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}$  формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилган.

Вариация коэффициенти  $CV = \frac{S}{\bar{x}} \times 100\%$  формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилган.

Хатарнинг қандай кўрстакичдан фойдаланилаётганилигига қараб активларнинг такқосланма хатари борасида турлича хulosаларга келиш мумкин. Бундай хатарларнинг ортиб бориши бўйича активлар қуидагича жойлашади: В,А,С; б) вариация коэффициенти кўлланилганда В,С,А.

### 5.2.1-жадвал

#### Инвестицияларнинг миқдорий тавсифлари

Кўрсаткичлар	Активлар турлари			Портфеллар		
	A	B	C	50% A + 50% B	50% B + 50% C	50% A + 50% C
1-йилдаги даромадлилик, %	11	15	15	13	15	13
2-йилдаги даромадлилик, %	14	13	17	13,5	15	15,5
3-йилдаги даромадлилик, %	15	12	20	13,5	16	17,5
Ўртacha даромадлилик, %	13,3	13,3	17,3	13,33	15,33	15,33
Стандарт четланиш, %	1,92	1,54	2,05	0,052	0,222	2,749
Вариация коэффициенти	0,144	0,115	0,118	0,004	0,014	0,179

Инвестициялар портфели бўйича мулоҳаза юритилса, агар маблағлар А активга йўналтирилгандаи портфель энг хатарли бўлади (вариация коэффициенти энг юқори 0,144); энг хатари кам вариант А ва В активлар 50% дан улушга эга бўлган портфель (вариация коэффициенти – 0,004). А актив хатари энг юқори бўлсада, хатари энг паст портфель таркибига кирмоқда. Шунингдек, иккита активдан иборат ҳар қандай портфель, бу активларнинг ҳар бирига нисбатан пастроқ хатарга эга.

Келтирилган мисол алоҳида олиб қаралаётган активнинг хатарлилиги билан худди шу активнинг инвестициялар портфели таркибига киритилгандаги хатарлилик ўртасида принципиал фарқ бор. Масалан, инвестициялар портфелини шакллантиришида А ва С активлардан хатарлилиги юкоригони танлаш маъқулроқ бўлмоқда. Албатта, бу ҳолда энг даромадлиликка эришиш ҳакида эмас, балки хатар даражаси энг паст портфелини шакллантириш ҳакида сўз бормоқда. Даромадлилик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун инвестициялар портфелини шакллантиришида хатар ва даромадлилик коммбинациясидан иборат мақсадли функция берилган бўлиши лозим.

Хатар жиҳатидан оптимал портфелни шакллантиришда портфелга киритилаётган активларнинг даромадлигигининг тенденциялари хисобга олиниши В.В.Ковалев томонидан ишлаб чиқилган ва таҳлил этилган шартли мисолда кўриб чиқамиз<sup>12</sup>. Мазкур мисол портфелни оптималлаштиришда активлар хатарларининг, даромадлигигининг ва активлар даромадлиги ўзаро кореляциясининг эътиборга олиниши механизми ўз ифодасини топган.

Жадвалда А,В,С ва Д активларнинг 4 йил мобайнидаги даромадлилиги бўйича маълумотлар келтирилган.

### 5.2.2-жадвал.

**Молиявий активларнинг даромадлилиги динамикаси**

Активлар	Даромадлилик,%				Ўртача даромадлилик,%	$\sigma$ ,%
	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил		
А	8	6	12	10	9	2,236
В	10	8	14	12	11	2,236
С	8	10	12	14	11	2,236
Д	14	12	10	8	11	2,236

Жадвалдан кўриниб турибдики А актив бошқа активларга нисбатан кичик даромадлиликка эга. Агар ўртача квадратик четланиш ( $\sigma$ ) бўйича олиб кирадса барча активлар бир хил хатарга эгалар. Шунинг учун портфелни шакллантиришда уларни ҳар қандай комбинацияда олиш мумкиндай туюлади. Портфель 2 та активдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири портфел киёматида 50% дан улушга эзг бўладиган варианатларни кўриб чиқамиз. Кўйидаги жалвалда мазкур варианатларнинг тавсифлари келтирилган (охирги трафада портфелни ташкил этаётган активлар даромадлигигининг ўзаро корреляцияси коэффициенти келтирилган).

Портфелнинг ўртача даромадлилиги  $K_p = \sum_{i=1}^n K_i d_i$  ёки иккита активли ва улушлар 50% дан бўлган портфель учун  $K_p = K_1 \times 0,5 + K_2 \times 0,5$

<sup>12</sup> Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. – Москва, Финансы и статистика, 2000, стр. 414-417

формула бўйича ҳисоблаб чиқилган. Хатарни ҳисоблаб чиқишида  $\Sigma = \sqrt{V_{cr}}$  формуласидан ёки портфелда факат иккита актив борлигини эътиборга олиб беради:

формуласидан

фойдаланиш мумкин. Хусусан ( $A+D$ ) портфель учун охирги формула қуйидаги натижани беради:

$$\Sigma = \sqrt{\frac{1}{2} \cdot \frac{1}{2} \cdot \frac{1}{2} \cdot \frac{1}{2} + \frac{1}{2} \cdot \frac{1}{2} \cdot \frac{1}{2} \cdot \frac{1}{2}} = \sqrt{0,0625} = 0,25$$

Қуйидаги келтирилган жадвал маълумотларини ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

### 5.2.3-жадвал

#### Портфелларнинг миқдорий тавсифлари


Портфеллар (50%+50%)	Портфелларнинг йиллар бўйича даромадлилиги, %				Ўртacha даромадлилик, %	$\Sigma, \%$	Корреляция коэффициенти, $r$
	1- йил	2- йил	3- йил	4- йил			
A+B	9	7	13	11	10	2,236	1
C+D	11	11	11	11	11	0	-1
A+C	8	8	12	12	10	2	0,6
A+D	11	9	11	9	10	1	-0,6
B+C	9	9	13	13	11	2	0,6
B+D	12	10	12	10	11	1	-0,6

Аввало, активлар комбинацияларига боғлиқ ҳолда портфелнинг ўртacha даромадлилиги ва хатар даражалари ўзгармокда. Бунда активларнинг портфелга бирлаштирилиши хатарнинг камайишига олиб келган. Факат битта ҳолдагина хатар ўзгармаган. Шунингдек, берилган шартлар асосида хатарнинг ноль даражасида энг юкори даромадни таъминлай оладиган портфель шакллантирилиш мумкин бўлди ( $C+D$  вариант).

Хатто энг умумий мулоҳазалар асосида ҳам тушуниш мумкинки, даромадлилиги турлича йўналишларда ўзгараётган кўп сонли портфелга киритиб, баъзи активларнинг юкори даромадлилиги бошқаларининг паст даромадлилиги оқибатларини қоплаб кетадиган умумий даромадлилик кўрсаткичи ўзгарувчанлиги камаядиган яъни портфел учун хатар ҳам

камаядиган комбинацияни топиш мумкин. Демак, хатар нуктаи назаридан портфель таркибида кируди активлар даромадлилиги динамикасининг ўзаро мувофиқлиги ёки номувофиқ йўналишларда ўзгараётганлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Портфелга 2 та актив кирганда бу мувофиқлик активла даромадлилиги кўрсаткичларининг жуфт корреляцияси коэффициентида ифодаланади. Шунинг учун юкоридаги жадвалнинг сўннги устунида жуфтлик корреляция коэффициентлари келтирилган.

Жадвалда бу борада учта вазият мавжуд. Биринчисига ( $A+B$ ) портфел мувофиқ келади,  $r=1$ , портфелга кируди активларнинг даромадлилиги тўғри функционал боғланган, биринчи активнинг даромадлилиги иккинчисики каби ўзгариади. Бундай активларнинг бирлаштирилиш комбинация учун хатарни камайтирмайди. Бу вазият қуйидаги расмда келтирилган. Ўртача даромадлилик штрих чизиқ билан ифодаланган.




**5.2.1-расм. Тўғри функционал боғлиқлик ҳамда даромадлилик таққослама динамикаси**

Иккинчи вазиятга ( $C+D$ ) портфель мувофиқ келади:  $r = -1$ . Бу С ва D активларнинг даромадлилик микдорлари тескари функционал боғлиқликда ўзанлигини билдиради. Бундай активларнинг бирлаштирилиши портфелда хитарнинг бартараф этилишига олиб келади, яъни хатарсиз комбинация ҳосил бўлади. Бу қуйидаги расмда ўз ифодасини топган.



Учинчи вазият биринчи ва иккинчи вазиятлар оралиги жойлашган бўлиб, бу ҳолда активлар даромадлилиги ўзаро корреляцион боғланган. Колган 4 та портфеллар айнан шундай вазиятга мувофиқ келади. Жадвалдаги хисоб-китоблардан кўриниб турибдики, бу ҳолда портфель учун хатар камаяди. Бу вазият 3-расмдаги графикда ифодаланган.



5.2.3-расм. Корреляцион боғликлар ҳамда даромадлиликнинг таққослама динамикаси.

Мазкур вазиятда, яъни  $0 < \rho < 1$  ҳолатида портфель даромадлилиги кўрсаткичлари миқдорлари вариацияси алоҳида активлари даромадлилиги вариациясига нисбатан камаяди. Юкорида асосида инвестицион портфелни шакллантириш борасида кўйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин. Инвестицион портфелга кирувчи активларни ва уларнинг портфелдаги улушларини белгилаб олишда учта асосий мақсадли вазифа қўйилади:

- портфель бўйича максимал даромадлиликка эришиш;
- портфелнинг минимал хатарига эришиш;
- “даромадхатар” комбинациясининг мақбул миқдорини таъминлаш.

Портфелнинг максимал юкори даромадлилигини таъминлаш масаласи портфелга юқори даромадли активларни киритиш йўли билан ҳал этилиши мумкин. Иккинчи масала эса бирмунча мураккаброқ. Агар фақат портфелнинг хатарсизлигига эришиш лозим бўлса, умуман хатарсиз активларни, масалан, давлат облигацияларини танлаш мумкин. Бироқ, умуман хатарсиз активлар доираси чекланганлиги учун хатарни минималлаштириш масаласи “даромадлилик/хатар” комбинацияларини танлаб олиш орқали ҳал этилади. Шу билан бирга охирги масала, яъни З-масала энг мураккаб ва кўпинчя ягона ечимга эга бўлади.

Агар портфелга қўшимча равишда битта активни кирити ҳакида сўз борса портфелни оптималлаштириш учалик мураккаб иш эмас ва иккита активни бирлаштирилиши таҳлили орқали ҳал этилади. Портфелга бир неча активларнинг киритилиши ёки бошқа комбинациялар “даромадлилик/хатар” комбинацияси оптимал микдорига эришилиши бўйича қўп варианлардан иборат бўлади.

Портфелнинг хатари эгри чизикли функция бўлиб, қатор ўзгарувчиларга боғлиқ. Уларга, жумладан, портфелдаги активлар сони, портфелнинг таркибий тузилиши, портфелни такшил этажтган активларнинг хатарлилиги ва даромадлилигидир. Қайд этиш лозимки, портфелнинг хатари даромадлилик микдорларига эмас, балки, даромадлиликнинг вариацияси ва портфелнинг таркибий тузилиши боғлиқ.

Одатда портфелга хатарсиз актив киритилганда портфелнинг даромадлилиги пасаяди (хатарсиз активларнинг даромадлилиги пастрок), портфел хатари ҳам активнинг улушига пропорционал равишда пасаяди. Хатарли активларни портфелга бирлаштирилиши хатарнинг мазкур активларни ҳар бирiga хос хатар даражасидан пастрок бўлишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб инвестицион портфелни бошқариш мураккаб иш ќинлигини қайд этиш мумкин. Инвестицион портфель бўйича ҳар қандай операциялар бозордаги даромадлилик тенденциялари борасида асосланган

прогнозлар қила олишни тақозо этади ҳамда күп вариантлы ҳисоб-китобларга таянади.

Портфелнинг умумий хатари икки қисмдан ташкил топади: а) диверсификацияланувчи (тизимли эмас) хатар, бу хатарни портфелни диверсификациялаш орқали бартарф этиш мумкин; б) диверсификацияланмайдиган (тизимли ёки бозор) хатар, бу хатарни порфель таркибини ўзгартириб камайтириш мумкин эмас. Кўриниб турибдикি, биринчи қисмдаги хатар бу даромадлилик/хатар нисбати бўйича қулай варианtlарни танлай олмаслик эҳтимолини англатса, иккинчи айнан шу активга хос бўлган даромадлиликни бой бериш билан хатарни англатади.

Молиявий инвестициялар назариясида (portfolio theory) даромадлилик/хатар мезони бўйича инвестицион портфелни оптималлаштириш усуслари ишлаб чиқилган. Улар орасида энг кўп қўлланилгани М.Женсен томонидан 1972 йилда таклиф этилган молиявий активлар даромадлилигини баҳолаш моделидир (Capital Asset Pricing Model, CAPM). Модель хусусан қўйидаги фаразларга асосланад: а) қимматли қоғознинг даромадлилиги унга хос хатар билан тўғридан-тўғри боғланган; б) хатар  $\beta$  (бета коэффициент) кўрсаткичи билан тавсифланади; в) “ўртача” қимматли қоғоз учун  $\beta = 1$  ва даромадлилик  $K_m$ ; г) бозорда даромадлилиги ставкаси  $K_{rf}$  ва  $\beta = 0$  бўлган хатарсиз қимматли қоғозлар мавжуд.

CAPM модели қўйидаги формулада ифодаланади:

$$K_e = K_{rf} + \beta(K_m - K_{rf}), \quad (5.13)$$

Бу ерда  $K_e$  – танлаб олинган кутилаётган даромадлилиги;

$K_{rf}$  – хатарсиз қимматли қоғозларнинг даромадлилиги;

$K_m$  – бозордаги қимматли қоғозларнинг кутилаётган ўртача даромадлилиги;

$\beta$  – мазкур қимматли қоғоз эмитентининг бета-коэффициенти.

$(K_m - K_{rf})$  кўрсаткичи мазмуни бўйича маблағларни хатарсиз давлат қимматли қоғозларига эмас, балки хатарга эга қимматли қоғозларга

(корпорацияларнинг акциялари, облигациялари ва бошқалар) йўналтирилганлиги учун мукофотни ифодалайди. Худди шу каби ( $K_l - K_{rf}$ ) кўрсаткичи айнан шу кимматли қоғозга маблағ солинганлиги учун мукофотни билдиради. САРМ моделида алоҳида кимматли қоғозга маблағ солинганлиги учун мукофот хатар учун бозор бўйича ўртacha мукофотга тўғри пропорционал деб қаралади. Активдан кутилаётган даромадлиликни прогноз қилиш мумкин бўлса, унинг келажакдаги бозор қийматини ҳам прогнозлаш мумкин. Шунинг учун САРМни молиявий активлар баҳоси шаклланиши модели деб ҳам атайдилар.

САРМ моделида тизимли хатар  $\beta$  – коэффициентилар ёрдамида ўлчанади. Ҳар бир кимматли қоғознинг  $\beta$  – коэффициенти унинг даромадлигининг бозордаги қимматли қоғозлар ўртacha даромадлиига нисбатан индекси сифатида ҳисоблаб чиқилди.  $\beta$  – коэффициенти кимматли қоғозлар биржада баҳоланаётган ҳар бир компания учун статистик маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилади ва даврий равишда маҳсус нашрларда эълон килинади. Компаниянинг  $\beta$  – коэффициенти гурли омиллар таъсирида ўзгариши мумкин бўлсада, у анчагина барқарор бўлиб, кўпроқ молиявий левериж даражасига боғлиқ; бошқа тенг шароитларда қарз капитали улуши капиталда қанчалик юкори бўлса, компания учун хатар даражаси шунчалик юкори бўлади.

$\beta$  – коэффициентини ҳисоблаб чиқишининг умумий формуласи  $i$  – компанияси учун ( $i=1,2,3, \dots t$ )  $j$  – даврда ( $j=1,2,3, \dots n$ ) кўринишига зга:

$$\beta_i = \text{Cov}(K_i, K_m) / V_{ar} = (K_m) \quad (5.14)$$

бу ерда  $\text{Cov}(K_i, K_m)$

$$K_{m,i} = \frac{1}{t} \sum_{j=1}^t K_{ij} \quad \text{кимматли қоғозлар бозорида } j \text{ – давридаги ўртacha}$$

диромадлилик;

$\bar{R}_m = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n K_{mj}$  – кимматли қоғозлар бозорида барча даврлар учун ўртача даромадлилик;

$\bar{K}_m = \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n K_{ij}$  – компания қимматли қоғозларининг барча даврлар учун даромадлилиги.

Бутун қимматли қоғозлар бозори учун  $\beta = 1$ . Бозордаги компаниялар күпчилиги учун  $\beta$  – коэффициент 0,5 дан 2,0гача оралықда бұлади ва қыйидагича талқин этилади:

$\beta = 1$  бўлганда қимматли қоғознинг хатари бозорда шаклланган ўртача хатарга тенг;

$\beta < 1$  бўлганда қимматли қоғоз бўйича хатар бозорда шаклланган хатардан паст;

$\beta > 1$  бўлганда мазкур компания қимматли қоғози бўйича хатар бозордаги ўртача хатардан юкори.

CAPM га муқобил моделлар ҳам мавжуд. Уларга арбитражбаҳо ҳосил бўлиши назарияси (Arbitrage Pricing Theory, APT), опционлар ҳосил қилиниши назарияси (Option Pricing Theory, OPT) ва ноаниқлик шароитларидаги ҳолатлар преференциялари назарияси (State – Preference Theory, SPT) кирадилар. Бирок, мазкур моделларнинг қўлланиши доираси катта эмас.

#### 5.2.4-жадвал

##### Облигациялар рейтингларини таққослаш тавсифлари

“Moody’s”	“Standard and Poor’s”	Тавсифлар
Aaa	AAA	Олий сифат, эмитентнинг фоизларни ва номинални ташлаб бериш қобилияти жуда юкори
Aa	AA	Юкори сифат
A	A	Ўртачадан юкори сифат
Baa	BBB	Ўртача сифат
Ba,B	BB,B	Ўртачадан паст сифат, чайчовчилик элементлари бор
Ca,C	CC,C	Анчагина чайчовчилик характеристика
Д	Д	Тўловга қобилиятсиз қарздорнинг қимматли қоғози

Кимматли қоғозлар портфелини шакллантиришда мухим ахборот манбаи бўлиб қимматли қоғозларни рейтинглари тизими хизмат қилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ихтисослашган агентликлар мавжуд бўлиб, улар фонд бозорлари маълумотларини қайта ишлаб ва таҳлил қилиб, қимматли қоғозларнинг рейтинг кўрсаткичларини ишлаб чиқадилар ва эълон қиладилар. Бундай классификациялар инвесторларга портфелни шакллантиришда ёрдам бериши мумкин. Кўпроқ даражада облигациялар рейтинглари ишлаб чиқилади. Бунда улар даромадлилик/хатар нисбати бўйича табақалаштирилган ҳолда у ёки бу тоифага киритилади.

“Moody’s” ва “Standard and Poor’s” агентликларининг рейтинглари жаҳонда энг эътиборга сазовор деб қаралади.

## **VI боб. Инвестицион лойиҳаларни хатарга боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш**

### **6.1. Инвестицион лойиҳаларни молиявий мақбуллигини аниқлаш**

Инвестиция хатарлари деганда, инвестиция лойиҳалари амалга оширилганда фойдани йўқотиш ёки кам миқдорда олиш билан боғлиқ хатарлар тушунилади. Хатарлар лойиҳаларни амалга ошириш, маблағларни жалб этиш усулларига қараб бир-биридан фарқланади. Умумий ҳолларда хатарларни қуидаги турларини ажратиб кўрсатадилар:

1. Инвестицион лойиҳаларни молиялашга кредит ресурсларини жалб этиш билан боғлиқ хатарлар;
2. Инвестицион лойиҳаларнинг дастлабки босқичдаги хатарлар;
3. Инвестицион лойиҳаларнинг иккинчи босқичи билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик хатарлари;
4. Давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги ўзгаришлардан келиб чиқувчи хатарлар.

Инвестицион лойиҳаларнинг молиявий жиҳатдан мақбуллигини аниқлашнинг анъанавий усулларида пул оқимлари (кирувчи ва чиқувчи оқимлар) ёки куттилаётган даромадлар ва харажатлар оқимларини даврлар бўйича бир-бирига таққослаб таҳлил этилади. Бу оқимларнинг вақт нуқтаи назаридан бир хил ўлчамларга келтириш учун эса дисконтлаш ставкасидан фойдаланилади. Дисконтлаш ставкаси сифатида одатда банкка омонатга қўйилаётган пул маблағлари учун ваъда қилинадиган фоиз ставкалари олинади. Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, банкнинг омонатлар бўйича фоиз ставкаси омонатчисига ўз маблағидан вақтинча маҳрум бўлаётганлиги учун бериладиган мукофотдан (мулкдорга мукофот) ва инфляция туфайли пул қадрсизланиши ўрнини қоплаб берилишидан иборат. Яъни банк фоиз ставкаси ёки дисконтлаш ставкаси ўз ичига тадбиркорлик хатари билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган элементларни олмайди.

Шунинг учун инвестицион лойиҳаларни молиявий таҳлил килишда пул оқимлари микдорларига ва дисконтлаш ставкасига хатарларга боғлик ҳолда тузатишлар киритилиши зарур бўлиб қолади. Бу масалага молиявий менежмент фанида З асосий ёндашувлар мавжуд. Уларнинг биринчиси хатарни ҳисобга олишнинг имитацион модели деб аталди.

Бу ёндашувда хатар даражаси эҳтимоллигига боғлик ҳолда пул оқимларига тузатишлар киритилади ва шундан сўнг барча варианtlар учун NPV ҳисоблаб чиқилади. (Молиявий менежментда NPV – net to presents value – соғ келтирилган киймат ҳар бир даврга тааллукли нетто пул оқимини (кирувчи ва чиқувчи оқимлар ўртасидаги тафовутни) тегишли дисконтлаш ставкасига кўпайтирган (келгуси киймат) ёки бўлган (жорий киймат) ҳолда аниқланади).

Таҳлил қўйидагича олиб борилади:

- Ҳар бир лойиҳа бўйича унинг амалга оширилиши (ривожлантирилиши)даги учта асосий варианtlар аниқлаб олинади: пессемистик, энг эҳтимолли ва оптимистик;
- Ҳар бир варианtlар бўйича NPV лар ҳисоблаб чиқилади, яъни  $NPV_p$ ,  $NPV_m$  ва  $NPV_o$  микдорлари аниқланади;

- Ҳар бир вариант NPV нинг вариация кенглиги ҳисоблаб чиқилади:

$$R(NPV) = NPV_o - NPV_p ;$$

- Таққосланаётган лойиҳаларнинг қайси бирида NPVнинг вариация кенглиги каттароқ бўлса, шу лойиҳанинг хатар даражаси юқорироқ деб олинади.

Шартли мисол кўриб чиқамиз. Ҳар бири 5 йил муддатга амалга ошириладиган ва ҳар бири 9 млрд. сўмдан бир марталик бирламчи инвестиция талаб этувчи А ва В лойиҳалар мавжуд бўлиб, уларнинг фақат биттаси танлаб олиниши лозим. Ҳар иккала лойиҳаларда ҳар йиллик пул тушумлари бир хил. Капиталнинг қиймати ёки дисконтлаш ставкаси йиллик 10 фоиз.

Хатарлар даражасига боғлиқ равища А ва В лойиҳалар бўйича пул тушумлари миқдорлари куйидагича тахмин этилмоқда (6.1.1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, хатар даражаси энг юқори деб олингандан (пессимистик вариант) ўртacha йиллик тушум А лойиҳада 2,4 млрд. сўм, В лойиҳада эса 2,0 млрд. сўм.

Хатар даражаси ўртacha деб олинса бу рақамлар мос равища 3,0 млрд. сўм ва 3,5 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

#### 6.1.1-жадвал

**А ва В лойиҳалар бўйича эҳтимолий ўртacha йиллик пул тушумлари (3,5 млрд. сўм)**

	А лойиҳа	В лойиҳа
Инвестиция	9,0	9,0
Ўртacha йиллик пул тушумининг хатар даражасига боғлиқ эксперт баҳоланиши:		
Пессимистик (юқори хатар)	2,4	2,0
Энг эҳтимолли (ўртacha хатар)	3,0	3,5
Оптимистик (паст хатар)	3,6	5,0

Хатарнинг паст даражасига мос келувчи оптимистик вариантда эса ўртacha йиллик пул тушуми А лойиҳада 3,6 млрд. сўм ва В лойиҳада 5,0 млрд сўм бўлади.

Вариантларга мос келадиган NPV миқдорлари А ва В лойиҳалар бўйича куйидаги жадвалда келтирилган (6.1.2-жадвал).

#### 6.1.2-жадвал

**А ва В лойиҳалар бўйича соф келтирилган қиймат (NPV) миқдорлари**

	А лойиҳа	В лойиҳа
Ҳисоблаб чиқилган NPV миқдорлари:		
Пессимистик вариантда	0,10	-1,42
Энг эҳтимолли вариантда	2,37	4,27
Оптимистик вариантда	4,65	9,96
NPV нинг вариация кенглиги	4,55	11,38

Жадвалдаги миқдорлар А лойиҳада куйидагича ҳисоблаб чиқилган:

$$0,10 \times \left( \frac{2,4}{1,10} + \frac{2,4}{1,10^2} + \frac{2,4}{1,10^3} + \frac{2,4}{1,10^4} \right) - 9,0 = \\ = 2,4 \times \left( \frac{1}{1,10} + \frac{1}{1,10^2} + \frac{1}{1,10^3} + \frac{1}{1,10^4} \right) - 9,0 = \\ = 2,4 \times 3,791 - 9,0$$

3,791 коэффициент 5 йиллик аннуитетнинг йиллик 10 фоизлик дисконтилаш ставкасидаги жорий кийматини ифодалайди (аннуитетнинг жорий киймати).

Худди шу каби  $2,37=3,0 \times 3,791 - 9,0$  ва  $4,65=3,6 \times 3,791 - 9,0$

В лойиха бўйича NPV миқдорлари:

$$-1,42=2,0 \times 3,791 - 9,0;$$

$$4,27=3,5 \times 3,791 - 9,0;$$

$$9,96=5,0 \times 3,791 - 9,0.$$

Аннуитетнинг жорий кийматини ифодаловчи коэффициентлар жадваллари одатда молиявий менежмент бўйича қўллаималарда илова қилинади.

Қайси лойиханинг афзалрок эканлигини аниқлаш (хатар нуткай назаридан) пессемистик вариаантдаги NPV билан оптимилик вариантдаги NPV ўртасидаги тафовутни ифодаловчи NPV вариация кенглиги кўрсаткичига мувофик амалга оширилади. Бизнинг мисолимизда А лойихада бу кўрсаткич 4,55 га teng ( $4,65-0,10$ ), В лойихада эса 9,96 га teng ( $9,96-(-1,42)$ ). Демак, В лойиха бўйича хатарнинг умумий даражаси ёки ташкоткалчилик анча юқори.

Мазкур усулда хатар даражасига баҳо беришда вариация кенглиги кўрсаткичи ўрнига ўртача квадратик четланиш кўрсаткичи қўлланилиши ҳам мумкин. Бу холда методика куйидаги кўринишга эга бўлади:

- Ҳар бир вариант бўйича пул тушумлари ва NPVнинг пессемистик, энг ҳамолли ва оптимилик миқдорлари ҳисоблаб чиқилади;
- Ҳар бир лойихада  $NPV_p$ ,  $NPV_m$  ва  $NPV_o$  нинг миқдорларига эришилиш ҳамоллари аниқлаб ёки тахминлаб олинади;

- Ҳар бир лойиха бўйича NPV нинг эҳтимоллар бўйича ўртача тортпилган микдори ва ундан ўртача квадратик четланиш ҳисоблаб чиқлади;

- Ўртача квадратик четланишнинг энг катта микдорига эга бўлган лойихада хатар даражаси энг юқори деб хисобланади.

XX асрда нафлилик назарияси ва ўйинлар назариясси соҳасидаги илмий изланишлар инвестициялар бўйича карорлар қабул қилинишида пул оқимлари миқдорларига асосланган мезонлар билан бир қаторда нафлиикка асосланган мезонлар ҳам муҳим роль ўйнаши кўрсатиб берилди. Бундай ёндашувлар, жумладан пул оқимининг хатарсиз эквивалентини аниқлаш методикасида ўз ифодасини топди.

Инвестор даромад олишнинг икки муқобил вариантларидан бирини танлаб олиши лозим. А вариантда йиллик 20 бирлик даромаднинг эҳтимоли 50%, йиллик 40 бирлик даромад олиш эҳтимоли ҳам 50%. В вариантда даромадсиз қолиш эҳтимоли 50 фоиз ва 60 бирлик даромадга эга бўлиш эҳтимоли -50 фоиз.

Ҳар иккала вариантда ўртача кутилаётган йиллик даромад бир-хил:

А вариантда:  $20 \cdot 0,5 + 40 \cdot 0,5 = 30$  бирлик

В вариантда:  $0 \cdot 0,5 + 60 \cdot 0,5 = 30$  бирлик

Кутилаётган даромад мезони бўйича ҳар иккала лойиха бир хил қадр-кйматга эга. Бироқ хатарлилик нуқтаи назаридан, масалан вариация кенглиги кўрсаткичи бўйича А лойиха афзалроқ. А лойиханинг афзал эканлигини нафлиик назариясига таянган ҳолда ҳам кўрсатиб бериш мумкин.

Нафлиикнинг класик назариясида камайиб борувчи чегаравий нафлилик қонуни асослаб берилган. Унга кўра неъматларнинг дастлабки бирликлари кейинги бирликларга нисбатан юқорироқ нафлиикка эга. Яъни ҳар бир қўшимча келиб тушаётган неъматнинг субъект учун нафлиилиги аввалги бирликларга нисбатан пастроқ бўлади. Бизнинг мисолимизда А вариантда 20 бирлик даромад тўла кафолатланмоқда, яъни ҳар қандай вазиятда 20 бирлик даромадга эга бўлинади. В вариантда қўшимча 20 бирлик

даромадга эга бўлишнинг 50 фоизлик эҳтимоли бор, лекинидастлабки 20 бирлик даромаддан маҳрум бўлишнинг 50 фоиз эҳтимоли ҳам мавжуд. Нафлийлик назариясига кўра эса, дастлабки 20 бирлик даромад кўшимча 20 бирлик даромаддан қадрлирок. Шунинг учун 50 фоиз эҳтимол билан 20 бирлик даромад В вариантга нисбатан 100 фоиз эҳтимол билан 20 бирлик даромадни таъминладиган А вариант афзал кўрилади.

Пул оқимларини хатарсиз эквивалентини аниқлашдаги мантиқ ҳам нафлийлик асосида танлаш мантиғига ўхшаб кетади. Фарқ шундан иборатки, биринчисига воз кечиб бўлмайдиган нафлийлик асос қилиб олинса, иккинчиси нафлийликнинг инвестор воз кеча оладиган миқдорини аниқлаш лозим бўлади. Инвестор таваккалга бораётганида қандай сумманинг бутунлай бой берилиши унинг учун хатарсиз эканлигини назарда тутиш лозим.

Ўйинлар назариясида бунга классик мисол келтирилади. Субъект икки имкониятдан бирини танлаш лозим.


А. Танга ташланади. Тамға томони тушса, 1 млн. Доллар ютиб олинади, ракам томони тушса ҳеч нарсага эга бўлинмайди.

В. Танга ташлашдан воз кечилса, 150 минг долларга эга бўлинади.

Мазкур ҳолда кутилаётган даромад А вариантда 500 минг доллар, В вариантда эса кафолатланган даромад 150 минг доллар. А вариантни қабул килаётган субъект В вариантда кафолатланган 150 минг долларда воз кечмоқда. Албатта, ўртacha 500 минг доллар ютуққа эга бўлиш учун ундан озров маблағдан воз кечишга рози бўладиганларни топилиши мумкин, лекин 500 минг доллар ва ундан ортиқ тўловга ҳеч ким рози бўлмайди. Хатари мавжуд 500 минг доллар ўртacha даромадга эга бўлиш учун ким қанча суммадан воз кеча олишини субъектив омиллар белгилайди ва юқорида келтирилган пул оқимининг хатарсиз эквиваленти бўлган 150 минг доллар субъектнинг муқобил вариантлардан бирини танлаш таъсир кўрсатади. 500 минг доллар ўртacha кутилаётган даромад ўзгармаганда, хатарсиз эквивалент камайиши билан А вариантни танлашга мойиллик ортса, хатарсиз эквивалентнинг ортиши хатар хос бўлган А вариантни танлашга мойиллик


кучайтиради. Хатарга нисбатан муносабатни графикда бефарқлик эгри чизиги (индифферентлик) ёрдамида ифодаланади.

Масалан, F, С ва D инвестицион лойихалар мавжуд бўлиб, F бўйича йиллик даромад 10 млн. сўм, хатар даражаси ноль, С бўйича йиллик даромад 20 млн. сўм, хатар даражаси  $\beta_c$  ва D бўйича йиллик даромад 30 млн. сўм, хатар даражаси  $\beta_d$  бўлса ( $\beta_d > \beta_c$ ), инвестор учун уларнинг ҳар биридан фойдаланиш бир хил даражада мақбул деб қаралса, графикда лойихаларнинг барчаси бефарқлик эгри чизигида жойлашган бўлади (6.1.1-расм).




### 6.1.1-расм. Бефарқлик эгри чизиги

Назарий жиҳатдан олиб қаралган бефарқлик эгри чизиги тўрт хил кўринишга эга бўлади. Абсисса ўкига параллел кўринишдаги тўғри чизик билан ифодаланганди, инвестор хатарга нисбатан бефарқ бўлади, яъни хатар унинг учун аҳамиятсиз. Агар бефарқлик эгри чизиги куйи томонга ботик бўлса (юқоридаги ҳолат), инвесторнинг хатарни қабул қиласлиги ортиб боради, яъни хатарнинг озгина ортиши даромаднинг анчагина ортишини таъминлаш лозим. Бефарқлик эгри чизиги абсисса ўкига нисбатан юқори томонга ботик бўлганда инвесторнинг хатарни писандга қиласлиги ортиб боради, даромадни озроқ орттириш учун ҳам юқорироқ хатар қабул қилиниши мумкин. Бефарқлик эгри чизиги абсисса ўкига нисбатан муайян бурчак ҳосил қилувчи тўғри чизиқдан иборат бўлса, бу инвесторнинг хатарга муносабати доимий ёки ўзгаришсиз эканлигини билдиради (6.1.2-расм).



### 6.1.2-расм. Бефарқлик эгри чизиги клари турлари

Бефарқлик эгри чизигини нафлиликтен атамаларидан фойдаланиб ҳам тушунтириш мүмкін. Бу холда графикта абсцисса үкіда күтилаётган даромад да инвестицияланған маблағтардың мәндерини, ордината үкіда эссеудөң инфлилигига мәндерларын ифодалаймыз (-расм).




### 6.1.3-расм. Даромад нафлилигі жаңа инвестицияланған маблаг инфлилигінің таққосланиши

Расмда көлтирилген графикта тенг экстремум билан 5 минг сүм ёки 7 минг сүм даромад көлтириши мүмкін бўлган контракт 6 минг сүмга сотиб олингандаги вазият тасвирланган. Контрактдан күтилаётган даромад ўртача көртилган арифметик йигинди сифатида хисоблаб чиқилгандан  $I_1 = I_3 \times 0,5 + I_7 \times 0,5$ .

Графикдаги М нүкта 6 минг сўм миқдордаги инвестицияланаётган маблагнинг инвестор учун нафлилиги кўрсатмоқда. Кутилаётган даромаднинг нафлилиги эса L нүкта билан ифодаланган.  $I_m > I_L$  бўлгани учун мазкур инвестиция инвестор учун мақбул эмас. Номақбулликнинг сабаби даромаднинг олиниши муайян хатарлар хатарлар билан боғлик эмаслигидан келиб чиқмоқда. Кутилаётган даромади 6 минг сўмлик контракт қанчага сотиб олинса даромад ва инвестицияланаётган маблагнинг инвестор учун нафлилиги тенглашади деган савол туғилади. Графикда  $I_L$  миқдордаги нафлиликка эга бўлган инвестиция Р нүкта билан ифодаланган. Демак инвестор 6000 сўм даромад кутаётган контрактли Р сўмдан камроқ суммага сотиб олинсангина, бу унинг учун фойдали бўлади. Р сумма кутилаётган даромаднинг хатарсиз эквиваленти деб аталади.

Яна битта мисол кўриб чиқамиз. Куйидаги шартлар асосида А лойиҳани баҳолаш талаб этилмоқда: инвестициялаш ҳажми 30 млн. сўм, капитал киймати 10 фоиз, 8 йил мобайнида йиллик даромад  $1/3$  эҳтимол билан 5 млн. сўмдан,  $2/3$  эҳтимол билан 8 млн. сўмдан бўлиши кутилмоқда (6.1.3-расм). Расмда инвесторнинг инвестициялари ва даромадлари нафлилиги графиги тасвирланган. Графикда 5 млн. сўм ва 8 млн. сўм даромадларга мос келувчи нафлилик миқдорлари  $I_A$  ва  $I_B$  дан иборат. Шартларга кўра кутилаётган йиллик даромад  $\bar{R} = 5 \times 1/3 + 8 \times 2/3 = 7$  млн. сўм.



6.1.3-расм.Хатарсиз усулини график усулида аниқлаш

7 млн. сўм эҳтимолий, яъни хатар хос сумма бўлгани учун унинг хатарсиз эквивалентини топиш мумкин. Графикда бу М нукта билан ифодаланган ва 6,2 млн. сўмга teng. Кутилаётган даромад муддатли анниутетдан иборат бўлгани учун FM4 ( $r\%$ ,  $n$ ) дисконтловчи коэффициентдан фойдаланиш мумкин.

Агар хатарни ҳисобга олмасак лойиҳанинг соғ келтирилган қиймати:

$NPV=7\times FM(10\%, 8_{\text{йил}}) - 30 = 7\times 5,335 - 30 = 7,35$  млн. сўм, яъни лойиҳани қабули қилиш мумкин.

Агар хатарни ҳисобга олсак, лойиҳа қийматини хатарсиз эквивалент бўйича аниқлаймиз:

$NPV=6,2\times FM(10\%, 8_{\text{йил}}) - 30 = 6,2\times 5,335 - 30 = 3,08$  млн. сўм.

NPV миқдорлари ўртасидаги хатар 4,27 млн. сўм тафовут хатарнинг қиймат кўринишидаги баҳоланишидан иборат бўлиб, таваккалчиликнинг қийматини ифодаламоқда. Чунончи лойиҳани суғурталашда шу суммага исосланиши мумкин.

Хатарсиз эквивалентнинг миқдори лойиҳанинг мақбуллигини баҳолашда жилдий таъсир кўрсатадаи, чунки у мазмунан лойиҳа бўйича хатарнинг умумлашган ифодасидир. Масалан, юкоридаги лойиҳада хатарсиз эквивалент 5,6 млн. сўм деб олинса,  $NPV = -0,12$  сўмни ташкил этиб лойиҳа самарасиз бўлиб колади.

Пул оқимининг хатарсиз эквивалентини аниқлашга ҳар бир лойиҳа бўйича ҳар бир йил учун пул даромади тушуми эҳтимолини алоҳида алоҳида баҳолаган ҳолда ёндашиб мумкин. Бунда пул оқимлари миқдорларига ишайтирувчи коэффициентлар орқали тузатишлар киритилади. Аслини олинида тузатилган пул оқимлари хатарсиз элементлардан шакллантирилган шуя оқимларидир. Тузатилган пул оқими энг катта  $NPV$  га эга бўлган лойиҳа инг микбул ҳисобланади.

Шартли мисол кўриб чиқамиз. А ва В муқобил лойиҳалар мавжуд. Уларнинг амалга оширилиши муддатлари 4 йилдан ва капитал қиймати 10 фунт. А лойиҳа учун 42 млн. сўм ва В лойиҳа учун 35 млн. сўм

инвестицияланиши лозим. Лойхалар бүйича даромад пул оқимлари жадвалда көлтирилген.

### 6.1.3-жадвал

#### Хатар шароитларида лойиҳалар самараасининг баҳоланиши

Йиллар	А лойиҳа			В лойиҳа		
	Пул оқим и	Пасайтирув чи коэффицие нт	Тузатилг ан оқим =2гр. $\times$ 3г р.	Пул оқим и	Пасайтирув чи коэффицие нт	Тузатилг ан оқим =5гр. $\times$ 6г р.
1	2	3	4	5	6	7
1-йил	20,0	0,90	18,0	15,0	0,90	13,5
2-йил	20,0	0,90	18,0	20,0	0,75	15,0
3-йил	15,0	0,80	12,0	20,0	0,75	15,0
4-йил	15,0	0,75	10,5	10,0	0,60	6,0
Номинал қийматдаги пул оқимлари жами	70	x	52,5	67,9	x	44,4
1-4йилларда дисконтиланғ ан оқимлар жами	62,5	x	-42,0	-35,0	x	-35,0
Киритилган капитал	-42,0	x	10,5	22,9	x	9,4
NPV	20,5	x	58,5	65,0	x	49,5

Жадвалдаги ҳисоб-китобларга куйидаги изоҳлар берилishi зарур. Капитал қиймати асосида одатда банкларнинг фоиз ставкалари ётади ва у пул оқимлари жорий қийматини аниқлашда дисконтилаш коэффициенти сифатида олинади. Пасайтирувчи коэффициентлар экспертлаш натижасида аниқлаб олиниши лозим ва улар лойиҳа бүйича хатарларнинг миқдорий ифодасидир. Масалан, А лойиҳа бүйича биринчи йилда номинал пул тушуми 20 млн. сүмни ташкил этган бўлса, пул тушумининг дисконтиланган қиймати ёки жорий қиймати 20 млн. : 1,1 = 18,18 млн. сүмни, тузатилган қиймати эса 18 млн.:1,1 = 16,6 млн. сүмни ташкил этди.

Келиб тушаётган даромад номинал қиймати бүйича аникланган фойда бүйича В лойиха самаралироқ ( $65-35=30$  млн. сұм, А лойихада бу күрсаткич  $70-42=28$  млн./сұм).

NPV күрсаткичи бүйича ҳам В лойиха макбулпроқ. Хатарни ифодаловчи пасайтирувчи коэффициентлар құлланғанда эса А лойихада тузатилган оқимлар бүйича  $NPV=10$  млн. сұм бўлса, бу күрсаткич В лойихада 9,4 млн. сұм.

Молиявий амалиётда лойиҳаларни баҳолашда хатарсизлик эквивалентини ҳисоблаб чиқиши ўрнига хатарни дисконтлаш ставкасига тузатиш киритиш орқали эътиборга олининши ҳам кенг құлланылади (дисконтлаш ставкасининг тузатилган микдори – Risk –Adjusted Discount Rate, RADR).

Мазкур методиканинг алгоритми куйидагича:

- капиталнинг бошланғич қиймати аникланади (бошланғич дисконтлаш ставкаси) –  $r_c$ ;

Ҳар бир лойиҳага муквофик келувчи хатар учун мукофот эксперт йўли билан аникланади, у фоиз ставкаси кўринишига эга бўлади: А лойиҳа учун -  $r_a$ , В лойиҳа учун  $r_b$ ;

- А лойиҳа учун бошланғич ставка  $r_c$  билан хатар учун мукофотни ифодаловчи  $r_a$  ставканинг йигиндисидан иборат ( $r = r_c + r_a$ ) ставкасини қўллаб NPV ҳисоблаб чиқилади, шу иш В лойиҳа учун бажарилади;

- NPV юкорироқ бўлган лойиҳа қабул қилинади.

### **3.2. Ишлаб чиқариш корхоналарида таваккалчиликни инновацион инвестициялаштириш жараёнида макбуллаштириш**

Ҳар қандай йўналишдаги тадбиркорлик фаолиятларида маълум бир ишниклар асосида ёки ташқи мухитларни ўзгариб туриши оқибатида маълум хатарлартадбиркор субъектларни иш юритиши фаолияти билан ёнмаған харакатда бўлади. Шунинг учун ҳам корхоналар, айниқса инновацион филиалният олиб борувчи субъектлар уларга йўл қўймаслик учун доимий

равишда, уни олдини олиш йўлида маркетинг изланишларини илмий изланишлар билан боғлаб олиб боришлари зарур. Бозор иқтисодиёти шароида корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти доимий равишда ноаниқликлар билан боғлиқ бўлади.

Чунки, у ёки бу янгиликларни яратиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурслари қийматларини ўзгариб туришига ва яратилган илмий ихтироларни ишлаб чиқаришда қўллашга боғлиқдир. Қолаверса инновацион соҳаларга сарфланаётган инвестиция маблағларини илмий изланиш оқибатида кўзлаган илмий натижани олиш ҳам белгиланган талаб натижасида бўлавермайди. Аммо биз шуни англаб олишимиз керакки, маълум йўналишда илмий натижани ижобий бўлмаслиги ҳам илмий натижа хисобланади.

Корхона инновацион фаолиятдаги хатарлар даражаси паст, ўрта, юқори даражада бўлишидан қатъий назар, унинг натижалари юқори даражада фойда келтириши мумкин. Бу инновацион фаолият билан шуғулланишини истовчи венчур субъектларини доимий равишда ўсиб боришига олиб келади. Корхона инновацион фаолият билан шуғулланишдаги хатарларни юзага җелишига асосий сабаблар қўйидагилардан иборат деб хисоблаш мумкин.

- ишлаб чиқариш жараёнинг арzon ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш. Бу ҳолат маълум вақтгача фойда келтириши мумкин. Аммо унга нисбатан юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш оқибатида хатар кучаяди;

- инновацион жараёнларнинг янги натижалари эски ишлаб чиқариш технологияларга асосланиши ҳам ишлаб чиқарилаётган товарларга бўлган талабларни пасайиши ҳам хатарни кучайтиради;

- инновация янгиликларни янги ишлаб чиқариш технологияларига асослаган ҳолда ҳам унинг товарларига бўлган талабни бўлмаслиги ёки талабга жавоб бермаслиги мумкин.

Корхонада инновацион янгиликларга бўлган талабларни бўлмаслик ҳавфи, айрим йўналишдаги янгиликларни қўллаш обеъктларини бўлмаслиги,

ёки қўллаш учун зарур шарт-шароитларни йўқлиги, ёки яратилган янгиликларни жаҳон стандартлари даражасига жавоб бермаслиги сабабли, бу стандарт талабларга жавоб бера оладиган товарларни ишлаб чиқаришни мумкин эмаслиги қолаверса яратилган инновацион кашфиётларни харид килувчи субъектларнинг талабларини пастлигига деб ҳисоблаш мумкин. Умуман корхоналарда инновацион тадбиркорлик қўйидаги хатарларга учраши мумкин. (3.1-расм)



3.1-расм. Инновацион тадбиркорлик хатари.

Инновацион лойихаларни бажариш билан боғлик бўлган хатарлар асосан уларни ички ва ташки мухитларини эътиборга олган ҳолда етарли даражада иқтисодий ва техниковий асосланмаганилигидир.

Инновацион лойихаларни бажаришида якка ёки муаллифлар томонидан бажарилиши билан боғлик бўлган лойихалар кўпроқ хатар остида бўлади. Чунки лойихалар маълум бир буюртмага талаби асосида эмас, балки ўзларининг ташаббуслари билан амалга оширилиши сабабли бу инновацион лойиха натижаларига талабгор бўлмаслиги ҳам мумкин.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш билан боғлик бўлган хатарлар

асосан етарли даражада молия маблағларига эга бўлмаслик оқибатида юзага келиши мумкин. Инновацион фаолиятни лойиҳалаштириш асосан тадбиркор субъектларининг хусусий маблағларига асосланган тақдирдагина хатар деярлик бўлмайди.

Ташқи субъектлар маблағлари томонидан инновацион фаолиятни молиялаштиришда доимий равишда маълум хатарлар мавжуд бўлади. Бу хатар асосан зарур бўлган маблағларни инновацион фаолиятни амалга ошириш учун етмаслигидан иборатdir. Инновацион лойиҳаларни етарли даражада асосланмаганлиги оқибатида, унинг натижаларини амалга оширишда маълум молиявий қийинчиликларга учраши мумкин.

Инновацион фаолият асосан хўжалик битимларига асосланиб олиб борилишини эътиборга олсак, бу ерда хатар асосан бу тузилган хўжалик битимиға риоя қилинмасликда ифодаланади. Хўжалик битимиға риоя қилмаслик асосан хўжалик битимиға асосланган ҳолда битм тузувчиларни унга риоя қилмасликлари натижасида юзага келади. Бу хўжалик битмга риоя қилмаслик бизнинг фикримизча асосан бу битмни бажариш учун зарур бўлган камёб ҳом-ашёлар билан боғлик бўлиши мумкин, ёки иккала хўжалик битмини тузувчи иккала субъект ўргасида уни бажариш учун маълум даражада маблағни бўлмаслиги, ёки улар оқибатда тўла олмаслиги сабаб бўлиши мумкин. Айрим вақтларда хўжалик битмиға асосан фаолият олиб бораётган субъектлардан бири ўз вақтида битмга асосан келишилган муддатга уни бажара олмасликларида ифодаланади.

Хатарларни бўлишига асосий сабаб бозор иктисидиёти шароитида субъектлар маълумотларини айрим вақтларда сир сақлаш ҳолатида йўл қўйилган хатоларнинг оқибатидир деб кўрсатиш мумкин. Бунинг асосий сабаби:

- ахборотларни сир сақланмаслиги;
- маркетинг сиёсатини талабга жавоб бермаслиги;
- яратилган янгилик ихтиrolарини ишлаб чиқаришга жалб этишни талаб даражасида эмаслиги;

- бозорларда ўзга ёки хорижий фирмалар томонидан босқинчилик сиёсатини олиб боришидадир.

Инновацион фаолиятда маркетинг тадқиқотини олиб боришдаги хатарлардан яна бири бу таъминот ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқдир. Инновациои ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хатарларасосан бозор сегментини тегишли даражада ўрганмаслигида ифодаланади. Ишлаб чиқарилган янгиликка етарли даражада талабни бўлмаслиги, янгиликка бўлган интилишини сескинлашувида ифодаланади.

П.Дракер инновацион фаолият билан шуғулланиш борасида хатарларни тутатиш учун қуйидаги тамойилга риоя этишини таклиф этган. Булар қуйидагилардан изборат:

- ҳар бир янгилик маҳсулотлари ўзларини қийматларини қоплаш хусусиятига эришиш билан бу маҳсулот эскиради;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни эскирганлигини тан олган ҳолда, рақобатчига уни тан олишига қаршилик кўрсатиш;
- саноатда инновацион фаолиятни «фундаментал» ва амалий изланишга ажратиш асосиздир;
- тадқиқот бу такомиллаштиришни эволюцион бошқариш ва янгиликни кашф этишдир. Аммо улар бир-бирларидан фарқ қиласаларда, улар ўзаро бир-бирларини тўлдирадилар. Такомиллаштиришнинг асосий мақсади кўлга киритилаётган ютуклар даражасини янада ошириш билан боғлиқ бўлган ҳеч качон тугалланмайдиган фаолиятдир. Эволюцион бошқаруви шиори «ҳар бир самарали янги маҳсулот-кейинги маҳсулотта босқичдир».

П.Дракер фикрига кўшилган ҳолда қуйидагиларга эътибор бериш зарур. Инновацион фаолият асосида яратилган янги маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматларни эскириши, уларни ўз харажатларини қоплашга эришиши билан эскиради деган фикрга тўлиқ кўшила олмаймиз. Чунки янги ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматлар билан боғлиқ бўлган харажатларни қопласагина инновацион фаолият самарали бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида иқтисодиётнинг нодавлат секторида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар тизимини шакллантириш устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунда ушбу соҳада инвестициялаш жараёнларини жадаллаштириш ва энг асосийси, хусусий тадбиркорликни республикамиз ахолисининг фаровонлигини оширишни белгиловчи, ахолини иш билан бандлигини таъминловчи, экспортбоп товарлар ишлаб чиқарувчи ва иқтисодиётимиз учун зарур бўлган валюта тушумларини келтирувчи етакчи соҳага айлантириш назарда тутилмокда.

Мазкур вазифаларни самарали тарзда бажариш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион фаолиятга катта аҳамият бериш талаб этилмоқда. Иқтисодий тараққиётда юксак натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, инновацион фаолият тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини ташкил қилиши керак. Тадбиркор ўз устида ишлаши, янгиликларни қидириши, яратиши, изланиши лозим. Бозор иқтисодиётидаги шиддатли рақобат курашида енгигб чикиш, яшаб қолиш инновацион фаол бўлишни тақозо этади. Бу ҳаётий зарурият ҳисобланади. Инновация – бу эркин рақобат қонунидир, усиз бозор тизими ҳеч қачон ривожлана олмайди.

Классик иқтисодий назария хусусий тадбиркорликдаги инновацион фаолиятнинг қўйидаги омилларини қайд этади:

1. Рағбатлар. Тадбиркорни инновация йўлида таваккал қилишга ундиidi.
2. Имкониятлар. Тадбиркорни инновацияни амалга ошириш имконияти.
3. Чеклаплар. Тадбиркорнинг инновацион фаолиятини чеклайди, сустлаштиради.

Албатта, тадбиркорнинг инновацион фаолияти биринчи навбатда унинг ўз фойдасини орттириш йўлида тинмай изланиши бўлиб майдонга чсиқади. Тадбиркор сифатли, рақобатбардош ёки умуман янги хил маҳсулот турини

ишилаб чиқаришга ҳаракат қиласи. Бунинг учун у корхонасидаги технологияни такомиллаштиради, инновацияларни жорий этади, яъни янгиликларни кидиради, топади, ўз корхонасида қўллади. Инновацияни жорий этиш муайян ҳаражатларни талаб қиласи. Айни пайтда, катта ҳаражатлар қилинган бўлса ҳам, бозорга олиб чиқилган маҳсулотни бозорда яхши қабул қилинмаслиги хатари ҳам м авжуд бўлади. Қилинган ҳаражатлар қопланмаслиги эса корхонанинг келажагини ҳавф остига қўяди. Шунинг учун ҳар қандай тадбиркор ҳар қандай янги ишни, инновацияни амалга оширишда пухта ўйлаб иш кўриши, ҳисоб-китобларни мукаммал амалга ошириши лозим.

Тадбиркорни инновацион таваккалчиликка етаклайдиган куч - бу бозордаги рақобат кучидир. Эркин иқтисодиётда маҳсулот ишилаб чиқарувчиларнинг кўплиги, улар учун бозорга кириш учун имкониятлар етарли эканлиги туфайли улар ўртасида кучли рақобат кураши мавжуддир. Ҳар бир ишилаб чиқарувчи кўпроқ маҳсулот сотишга ҳаракат қиласи. Кимдаким ҳаракатни сусайтиrsa, янгиликларга интилмаса, рақобатда ютқазиб кўйиши мумкин. Бундай ҳавф ҳар қандай тадбиркорга доимий равиша йўлдош бўлади. Шу сабаб тадбиркорни инновацион фаолиятга ундейди. Ана шу нарса – инновацион рағбатдир.

Инновация жараёнида тадбиркор ва тадқиқотчилар ҳамкорлик қилишлари лозим бўлади. Чунки кўпчилик ҳолларда инновациянинг муаллифи ва уни жорийэтувчиси битта шахсда мужассамлашган эмас. Инновация қандайдир ўйлаб топилган янгилик ёки илмий-техникавий фаолият натижаси бўлиши керак. Тадбиркор қандайдир илмий муассасага топширик бериши, ички ёки ташқи бозордан тайёр лицензия сотиб олиши, патент тадқиқоти ўтказиши мумкин. Муаммо қўйилса, олимлар ва тадқиқотчилар бу муаммо устида ишлайдилар ва ечимини топишга ҳаракат қиласидилар. Шу сабабли, тадбиркор ўз муаммоларини илмий-тадқиқот муассасаларига етказиши лозим. Бундай ишларнинг ҳаммаси тадбиркорда маблағ бўлишини ҳам талаб қиласи. Яратилган инновацияни жорий қилиш

учун ҳам маблағ бўлиши керак. Тадбиркор ўзида бор бўлган ресурслардан маблағлардан фойдаланиши, ўзида йўқ бўлган ҳолда кредит, заем воситаларидан фойдаланиши лозим. Ресурс имкониятлари эса айниқса инқироз шароитларида анчагина чекланган бўлади.

Тадбиркорнинг инновацияга мойиллиги унинг малакаси, таваккалга бориш қобилияти, қизикиши, билим доирасига ҳам жиддий равишда боғлиқ бўлади. Тадбиркорларда стратегик фикр юритиш турлича бўлади. Кўп ҳолларда ёш, навқирон тадбиркорлар инновацияга кучлироқ интиладилар. Ўрта ёшлардаги тадбиркорларда ўзгаришларга қизикишнинг нисбатан пасайиши кузатилади.

Тадбиркорларнинг инновацион фаолияти қўамларига жиддий таъсир этувчи муҳим омил – бу чеклашлардир. Давлатнинг мазкур жараёнларга аралашувини эътиборга олмагандан маблағ ва вақт яекловларини фарқлайдилар. Одатда йирик инновацияларни амалга ошириш учун кўп тадбиркорларда маблағ етишмайди, ташки манбалардан маблағ жалб қилишга ҳам имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундай чеклов тадбиркорларнинг холдингта, концернга, консорциумларга бирлашишлари орқали бартараф этилиши мумкин. Вақт омили эса инновацияларни амалга оширишда харажатларнинг қоплданиши учун муайян вақт талаб этилишида ифодаланади. Вақт ортиши эса кўпинча иқтисодий хатарларнинг ҳам оришига олиб келади.

Инновацион таваккалчиликнинг муҳим омилларидан бири илмий-техникавий тараққиёт жараёнининг узлуксизлигидир. Вақти-вақти билан янги турдаги маҳсулотлар, янги технологиялар яратилиши мумкин ва аввалрок ишлаб чиқарилганлари тезда эскириши, янгиликларни аҳамиятсиз қилиб кўювчи янгиликлар пайдо бўлиши мумкин.

Тадбиркорларнинг инновацион фаолияти борасидаги чекловларни енгиб ўтишда уларни давлат томонидан қўллаб-куvvатланиши ва давлат билан ҳамкорлиги жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Давлат инновацион жараёнда асосий қатнашчилардан хисобланади. У жуда ҳам муҳим,

масъулиятли ва малакали функцияни бажаради. Тадбиркорлик фаолиятидаги инновацион жараёнда давлатнинг иштироки зарурлиги бир неча омиллар билан изоҳланади. Давлат инновацион соҳада стратегик қарорлар қабул қиласи ва уларнинг бажарилишини назорат қиласи, амалга оширади.

Давлат инновацион мухитни вужудга келтиради, ҳуқуқий асосларни ҳамда инновацион фаолиятни амалга ошириш меъёрларини белгилайди. Қулай инновацион мухитни яратиш инновацион жараён қатнашчилари учун маълум имтиёзлар белгилаб қўйилишини, янги техника ва технологияни ўзлаштириш вақтидаги ортиқча харажатларни кисман қоплаб берилишини, инновацион-инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли кредитларни, инновацион хатарларни суғурталаш тизимини ичига олади.

Макроиктисодий нуқтаи назардан инновацион жараёнда стратегияни танлашни давлат ўз зиммасига олиши шарт. У бозордан ташқари секторда инновацион фаолиятни амалга оширилишини ташкил қиласи. Фундаментал фанларни, давлат бошқарувини, мудофаани, ҳуқук-тартибот, йирик экологик лойиҳаларни амалга оширилишини ташкил қиласи. Аҳоли ҳам, тадбиркорлар ҳам ушбу секторни янгилашни ўз устига ола олмайди. Мамлакат иқтисодиётининг ривожи учун бу сектор жуда муҳим ҳисобланади, мамлакатни фаровонлиги ва унинг хавфсизлиги унда инновацион фаолият амалга оширилишини тақозо этади.

## **Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Махкамаси қарорлари, Президент фармонлари ва асарлари.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Конуни. Конун ва Карорлар. Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулк тўғрисида»ги конуни. Конун ва қарорлар. Т.: Ўзбекистон, 1990.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида» ги конуни Қонун ва қарорлар. Т.: Ўзбекистон, 2003.
5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. - Т: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. - Т.: Иктисадиёт, 2009. - 120 б.

## **Махсус адабиётлар**

1. Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни. - М.: Мысль, 1989.-113с.
2. Акопян А. Риск и финансовое планирование инвестиций// Управление риском. - 1999. - №3. - С. 16 - 24.
3. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 416с.
4. Баканов М. И., Шеремет А. Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика, 2001. 416 с.
5. Балабанов И. Т. Риск-Менеджмент. М.: Финансы и статистика, 1996. 196 с.
6. Балабанов И.Т. «Риск и менеджмент» М.:«Финансы и статистика», 1996 г.
7. Бачан Т.И и др: «Хозяйственный риск и методы его измерения» М., «Экономика», 1979 г.
8. Бек У. Общество риска. На пути к другому модерну/ Пер. с нем. - М.: Прогресс- Традиция, 2000. - 383с.
9. Беляков А. В. Процентный риск: анализ, оценка, управление// Финансы и кредит. 2001. №2. С. 3 - 18.
10. Беляков А. О процентном риске, связанном с изменчивостью кривой доходности// Управление риском. - 1999. - №3. - С.36 - 41.
11. Бендиков М. А. Экономическая безопасность промышленного предприятия в условиях кризисного развития// Менеджмент в России и за рубежом. - 2000. - №1. - С. 17 - 29.
12. Береза Т.Н., Хрусталев Е.Ю. Методы оценки маркетинговых решений в условиях неопределенности и риска// Маркетинг в России и за рубежом. - 2000. - №6. - С.3 - 16.
13. Бланк И. А. Основы финансового менеджмента. Киев: Ніка-Центр, 1999. Т. I. 591 с.
14. Бланк И. А. Основы финансового менеджмента. Киев: Ніка-Центр, 1999. Т. II. 512 с.

15. Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. В2т. Т.2 - Киев: Ника-Центр: Эльга, 1999. - 511с.
16. Боков В.В. Забелин П.В., Федцов В.Г. Предпринимательские риски и хеджирование в отечественной и зарубежной экономике. Уч. пособие. - М.: Приор, 2000. - 128с.
17. Бут Г. Более широкий взгляд на риск// Банковские технологии. - 1997. №9. Быкова Е.В. Показатели денежного потока в оценке финансовой устойчивости предприятия// Финансы. - 2000 - №2. - С.56 - 59.
18. Вачугов Д.Д. под ред. Д. Д. Вачугова. Практикум по менеджменту: деловые игры. Высшая школа, 2004
19. Викханский "Стратегические управление" М, "Экономика" 2003г.
20. Гиляровская Л.Т. Экономический анализ в оценке финансовой устойчивости хозяйствующих субъектов// Современный бухучет. - 2002. - №4. - С.4 - 9.
21. Глушенко В. В. Управление рисками. Страхование. Железнодорожный: ТОО НПЦ"Крылья". 1999. 336 с.
22. Гранатуров В.М. Проблемы оценки и учета экономического риска при принятии рыночных решений// Маркетинг в России и за рубежом. - 1998. - №6. - С.31 - 36.
23. Гранатуров В.М. Экономический риск: сущность, методы измерения, пути снижения: Учеб. пособие. - М.: Изд- во«Дело и сервис», 1999. - 112с.
24. Грацианский Е.В., Грищенко А.Ф. Экономические механизмы управления риском// Теория активных систем: Тр. юбил. междунар. науч. - практ. конф. Москва, 15-17 ноября1999г. - М.: ИПУ, 1999.
25. Гуломов С.С «Мустакил Ўзбекистон» Т.: Тошкент Ислом университета 2003.
26. Гусаков Б. Решения под прессом неопределенности. Удельный вес интуиции и профессионального опыта руководителя при анализе рискоориентированной информации// Риск: ресурсы, информация, снабжение, конкуренция. - 1998. - №2 - 3.- .60-64.
27. Гусев В.Б. Павельев В.В. Оценка рисков в многоэтапном конкурсном механизме// Теория активных систем: Тр. юбил. междунар. науч. - практ. конф. Москва, 15-17 ноября1999г. - М.: ИПУ, 1999.
28. Дубров А. М. Моделирование рисковых ситуаций в экономике и бизнесе. М.: Финансы и статистика, 2000. 176 с.
29. Дубров А.М., Лагоша Б.А., Хрусталев Е.Ю. Моделирование рисковых ситуаций в экономике и бизнесе: Учеб пособие. - М.: Финансы и статистика, 2000. - 224с.
30. Загулин М.С. «Основы бизнеса и менеджмента» М. : 2000 г
31. Зайцев Н.А «Экономика промышленного предприятия» Москва 1996.
32. Зражевский В.В. Основы направления совершенствования системы управления рисками// Банк. дело. - 2002. - №2. - С.28 - 30.
33. Зуб Анатолий Тимофеевич. Стратегический менеджмент: Теория и практика. М.: Аспект Пресс, 2004
34. И.Ансофф. стратегически управление М., «Экономика» 1998гг.
35. И.Б. Турков Стратегический менеджмент организаций. М.: ТЕИС, 2004
36. Иванов А. Классификация рисков// Риск: ресурсы, информация, снабжение, конкуренция. - 1996. - №6-7. - С.39 - 42.
37. Ильенкова Н.Д. Классификация и анализ факторов риска невостребованное™

продукции// Экономика и коммерция. - 1995. - Вып. 2. - С.127-138.-292с.

38. Кадинская О. А. Управление финансовыми рисками. М.: Изд-во АО"Консалтбанкир", 2000. 272 с.
39. Качалов Р.М. Управление хозяйственным риском. - М.: Наука, 2002. 192с.
40. Клифф Баумен. Основы стратегического менеджмента. М., « Банки и биржи» 1997гг.
41. Лепла Д.Ф. Стратегии развития Бренда. М.: 2004
42. Майл У. 50 Методик менеджмента. 2004
43. Махмудов Э.Х. Корхона иктисодиёти. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамгармаси нашриёти.
44. Мескон М и другие. «Основу менеджмента» М: Дело, 1995
45. Мескон М.И и др: «Основы менеджмента» М., «Дело»1997 г
46. Н.К. Юлдашев , О.С. Козоков Менеджмент . Т.: Фан, 2004
47. Никелес У и др. «Постижение бизнеса» М.:«Довгань»,1996 г
48. Первозванный А.А., Первозванный Т.Н. «Финансовый риск: расчет и риск» М, «Инфра-М» 1999 г
49. Пиндейк. Ю. Микроэкономика Таллин 1995
50. Под ред. Львова Д.С.,Гранберг А.Г. Стратегическое управление: регион, город, предприятие. М.:ЗАО «Экономика», 2004
51. Попов С.А. Модульная программа для менеджеров: Стратегическое управление. - М.: Инфра-М, 2000
52. Попов С.А. Стратегический менеджмент: Видение-важнее чем знания. М.: Дело, 2003
53. Развитие организаций и HR-менеджмент. М.: Независимая фирма «Класс», 2004
54. Романов В. Понятие рисков и их классификация как основной элемент теории рисков// Инвестиции в России. 2000. №12. С. 41-43.
55. Сергеев И.В «Экономика предприятия» 1997 й
56. Трэттон Линда Живая стратегия. 2003
57. Туракулов Ш. «Эффективность функционирования промышленного производства в условиях реформирования экономики» Т.: Узбекистан, 1995.
58. Турсунхужаев К. «Корхонадаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш.» Т. : Узбекистан, 1997.
59. Ўзбекистон - иктисодиёти модернизациялаш хамда ислохотларни чукурлаштиришнинг янги ва юксак боскичи йулида. (Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В.) Т.: Ишсиодиёт, 2008. - 126 б. (электрон версияси билан).
60. Уткин Э.А. « Менеджмент» М: 2000 г
61. Ушаков С. А. Управления рисками. ИНФРА-М. РИОР, 2005. С 45. // [www.cfin.ru](http://www.cfin.ru)
62. Финансовый менеджмент: теория и практика/ Под ред. Е. С. Стояновой. М.: Перспектива, 1998. 574 с.
63. Фомин Г.И «Математический анализ рисков и страхования» М.: 1994 г
64. Хохлов Н.В. Управление риском: Учеб. пособие для вузов. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999. 239 с.
65. Хужаев Н., Хамидова С.А., Асадова З. Тадбиркорлик ва таваккалчиллик. Т.: 1996
66. Чжен В. «Бозор шароитига минтаканинг тармок тараққиёти» Т.: Ўзбекистон, 1997.
67. Юлдашев Н.К., Болтабоев М.Р., Рихсимбоев О.К., Ганиев Б.О. Стратегик менежмент. Ўқув қулланма,- Т.: ТДИУ,2003,С.102

## Мундарижа

Кириш.....	3-5
I боб. Ишлаб чиқариш корхоналарида хатарлар мөхияти ва турлари .....	6-26
1.1. Хатар тушунчаси мазмуни, мөхияти ва таърифи .....	6-17
1.2. Ишлаб чиқариш корхоналарида хатарларни бошқариш .....	17-23
1.3. Ишлаб чиқариш корхоналарида хатарни баҳолаш .....	23-26
II боб. Корхонада такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келувчи молиявий хатарларни баҳолаш .....	27-48
2.1. Левериж молиявий хатарларни ифодаловчи кўрсаткич сифатида .....	27-32
2.2. Ишлаб чиқариш (сотиш) хажмининг заарсизлиги чегарасини хисоблаб чиқиши .....	32-36
2.3. Ишлаб чиқариш леверижини баҳолаш .....	36-40
2.4. Молиявий леверижни баҳолаш .....	40-48
III боб. Хатарларни бошқариш амалиёти асослари .....	49-63
3.1. Хатарларни бошқаришга ёндашувлар .....	49-51
3.2. Суғурталаш орқали хатарларни бошқариш .....	52-53
3.3. Хатар турини аниклаш ва хатарни ўлтчац .....	53-56
3.4. Мулкдаги йўқотишлир хатарини баҳолаш .....	56-61
3.5. Масъулият билан боғлик йўқотишлир хатарига тортилганлик .....	61 -63
IV боб. Молиявий йўқотишлир хатарини бошқариш .....	64-70
4.1. Фоиз ставкалари ва қайта инвестициялаш ставкаси ўзгаришилар хатари .....	64-67
4.2. Фьючерслар ва фьючерс битимлари бозорлари .....	67-68
4.3. Қимматли когозлар баҳолари ўзгаришлири хатаридан йўқотишлир .....	68-70
V боб. Молиявий активлар ва уларнинг даромадлилиги билан боғлик хатарлар .....	71-91
5.1. Молиявий активлар бўйича даромадлар ва хатарларнинг ўзаро боғликлиги .....	71-78
5.2. Инвестицион портфелга оид хатар .....	78-91
VI боб. Инвестицион лойихаларни хатарга боғлик холда тахлил қилиш .....	92-111
6.1. Инвестицион лойихаларни молиявий мақбуллигини аниклаш .....	92-103
6.2. Ишлаб чиқариш корхоналарида хатарни инновацион инвестициялаштириш жараёнида мақбуллаштириш .....	103-111
6.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	112-114

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**К.И.Сирожиддинов, Р.Н.Иномов**

**КОРХОНА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ  
ИҚТИСОДИЙ ХАТАРЛАР ВА  
УЛАРНИ БОШҚАРИШ**

**Мухаррир:**

**Т. Мирзамахмудов**

**Тех.мухаррир:**

**А.Тошпұлатов**

**Теришга берилди 05.05.2016 йил. Босишига рухсат этилди  
03.02.2017 йил. Бичими 60x84. Шрифт гарнитураasi Times New  
Roman. Босма табоги 7.25x1/16. Адади 200 нұсха. Буюртма 20.**

**“Наврӯз” нашриёти. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кӯчаси, 19-үй.**

---

**“Fazilatorgtxservis” хусусий босмахонасида чоп этилди.**

**Манзил: Наманган шаҳар, А.Навоий кӯчаси, 72-үй.**

